

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

О. ЖУРАЕВ

ЎЗБЕК КЛАССИК  
АДАБИЁТИДА ФАЛСАФИЙ-  
ДИДАКТИК  
ДОСТОНЧИЛИК

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1985

Қўлингиздаги китоб ўзбек классик адабиётида кам ўрганилган фалсафий-дидактик дostonчилик тараққиёти тарихига бағишланганлиги билан характерлидир. Унда бу жанрнинг ўзига хос хусусияти, тараққиёт босқичлари, асосий манбалари таҳлил қилинади.

Китоб олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқитувчилари, студентлари, аспирантлар, ўрта мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари ҳамда ўзбек адабиёти тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :

филология фанлари доктори *Б. Уринбоев*

Т а қ р и з ч и л а р :

филология фанлари кандидатлари *С. Ҳасанов, З. Хўжаева*

**Джураев А. Д.**

## **Философско-дидактические дастаны в узбекской классической литературы**

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*Жиззах Давлат педагогика институти ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги илмий Советлари томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *Ф. Тошматова*  
Рассом *В. Мочалин*  
Техмуҳаррир *Р. Лушникова*  
Корректор *Д. Нурова*

ИБ № 3115

Теришга берилди 28.12.84. Босишга рухсат этилди 18.01.85. P02719. Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмаҳона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори бо.ма. Шартли босма л. 4,2. Ҳисоб-нашриёт л. 4,6. Тиражи 1101. Заказ 11. Баҳоси 70 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти. 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Д  $\frac{4604000000-2714}{355(04)-85}$  193—85

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти

## КИРИШ

Ф. Энгельс ўзининг 1894 йил 25 январда Штаркенбургга ёзган хатида: «Сиёсий ҳуқуқий, фалсафий, адабий, бадий ва ҳоказо тараққиёт иқтисодий тараққиётга асосланган. Лекин уларнинг ҳаммаси бир-бирига шунингдек, иқтисодий асосга ҳам таъсир қилади. Аммо фақат иқтисодий аҳвол бирдан-бир актив сабаб бўлиб, қолганларини фақат пассив натижа деб тушунмаслик керак. Йўқ, бунда провардида ҳаммавақт рўй берадиган иқтисодий зарурат, ўзаро таъсир қилиш бор»<sup>1</sup>, — деб уқдирган эди.

Ана шу доҳиёна кўрсатма нуқтаи назаридан ўзбек халқининг қадимий тарихига назар ташласак, узоқ асрлар давомида иқтисодий зарурат туфайли ҳамшиша тарих билан адабиёт узлуксиз алоқада, бир-бирига таъсир ўтказиб, бир-бирини тўлдириб, доимий ҳамроҳ бўлиб келганлигини кўрамиз.

«Ўзбекистон ССР тарихи»да ёзилганидек, «Ўзбек халқи жаҳон цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган энг қадимий халқлардан бири. Ўзбекистон территориясида энг қадим замонлардаёқ савдо-ҳунармандчилик марказлари ва маданият ўчоқлари мавжуд бўлган. Бухоро, Тошкент, Фарғона, Термиз, Хоразм (Урганч, Кат) каби шаҳарлар бир неча юз йиллар илгари вужудга келган. Самарқанд дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири...

Ўзбекистоннинг кўп асрли тарихи ўрта аср Шарқида яшаган олимлар томонидан тузилган жуда кўп қўлёзма манбаларда ўз аксини топган»<sup>2</sup>.

Бу ўринда буюқ пролетар ёзувчиси М. Горький сўзларини келтириш жоиздир: «Халқ оғзаки ижодини билмасдан туриб, меҳнаткаш халқнинг тарихини билиш мумкин эмас. Фольклор энг қадим замонлардан бошлаб ўзига хос равишда ҳаммавақт тарихга ҳамроҳ бў-

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар. Тошкент, 1959, 552-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент, 1-том, 1970, 8-бет.

либ келди... Ибтидоий маданият тарихчилари меҳнат жараёнлари ва қадимги кишилар ижтимоий ҳаётидаги ҳодисалар йиғиндисини бетўхтов вужудга келтираётган материалистик тафаккур нишонлари ҳақида лом-мим демаганлар. Бу нишонлар бизга эртақлар ва мифлар шаклида етиб келдиким, уларда қадимий кишиларнинг ҳайвонларни ўргатиш, доривор ўсимликларни кашф этиш, меҳнат қуролларини ихтиро қилиш хусусида олиб борган ишлари сезилиб туради. Кишилар жуда қадим даврлардаёқ учини орзу қилганлар... «Уچار гилам» ҳақидаги афсоналар бундан далолат беради. Одамлар ерда тез ҳаракат қилишни орзу қилиб («Чопқир этик» эртаги), отга минини ўрганганлар, дарёда унинг оқимидан ҳам тез сузиш истаги эшкак ва елканни ихтиро қилишга олиб келди: узоқдан туриб душман ёки маҳлуқни даф қилишга интилиш эса палахмон ва камоннинг бунёдга келишига сабабчи бўлди. Инсонлар бир кечада жуда кўп мато тўқишни энг яхши турар жой ҳаттоки «қаср» яъни душман ҳамласига чидаш бера оладиган мустаҳкам қўрғон қуришни хаёл қилдилар. Бу йўлда улар қадимий меҳнат қуролларида бири бўлган чархни ва мато тўқиш учун ибтидоий дастгоҳни яратдилар»<sup>3</sup>.

Ўз-ўзидан кўришиб турибдики моддий дунёдаги барча зарурий нарсалар — меҳнат ҳам, тил (нутқ) ҳам, оғзаки бадий ижод ҳам иқтисодий зарурият туфайли, аниқроғи, инсон тирикчилиги натижасида юзага келган. М. Горькийнинг юқоридаги фикрларидан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадики, халқ оғзаки бадий ижоди дурдоналарининг асосий ғояси меҳнат кишиларининг юкини енгиллаштиришга, ишининг унумини оширишга, душманларга қарши курашда ғалабага ишонч туғдиришга қаратилгандир. Демак, бадий ижод ўз эгаси бўлмиш инсон эҳтиёжи туфайли бунёдга келса-да, унинг иқтисодий турмушига ҳам, маънавий камолотига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Ана шу диалектик боғлилик туфайли фақатгина меҳнат, нутқ ва оғзаки ижод бунёдга келиб қолмасдан, аста-секин зарурият туфайли ёзув ҳам, турли-туман фанлар ҳам, ёзма адабиёт ва санъат ҳам юзага кела бошлайди.

Шу боисдан ҳам марксизм-ленинизм классиклари иқтисодий муносабатларни жамият тарихининг белгилловчи асоси деб ҳисоблайдилар. Улар иқтисодий муно-

---

<sup>3</sup> М. Горький. Адабиёт ҳақида. Тошкент, 1962, 264—265-бетлар.

сабатлар деганда муайян жамиятдаги кишиларнинг тирикчилик воситаларини ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни айирбошлаш усулларини эътиборга оладилар. Шундай қилиб бу тушунчага жамиятдаги барча тармоқларни, ишлаб чиқариш ва транспортнинг бутун техникасини киритадилар. Ф. Энгельс бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди:

«...Техника фаннинг қандай аҳволда эканлигига ҳийла даражада боғлиқ бўлса, фан техниканинг аҳволига ва эҳтиёжларига янада кўпроқ боғлиқдир. Агар жамиятда техникага эҳтиёж пайдо бўлса, бу эҳтиёж фанни ўнта университетдан ортиқроқ илгари силжитади. Бутун гидростанция Италиядаги тоғ сойларининг оқишини XVI—XVII асрларда тартибга солиш эҳтиёжи туғилганлиги сабабли вужудга келди. Электрни техникада қўлланиш мумкинлиги маълум бўлгандан кейингина унинг нималиги тўғрисида бирмунча тузукроқ нарсаларни билиб олдик»<sup>4</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, турмуш эҳтиёжи ижтимоий ҳаётдаги барча янгиликларнинг доясидир. Бунинг ёрқин исботини туркий халқларнинг энг қадимги ноёб ёзма ёдгорликларидан бири бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари яратилиши тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу «Девон»га кирган лирик парчаларга қараб туркий халқларнинг ўша даврлардаги турмуш тарзи, тирикчилик воситаси бўлган машғулоти, касб-ҳунари, урф-одат ва ҳоказолари ҳақида тушунчага эга бўла оламиз. Ундаги қўшиқлар, ўша даврларда шаҳарлар бунёдга келиб, ўтроқ ҳаёт кечирувчилар кўпайиб, ҳунармандчилик, бўз ва ипак тўқиш ишлари, бўёқчилик, сиркорлик, кулолчилик, заргарлик, дурадгорлик, маҳсидўзлик ҳамда деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланувчилар жамиятнинг катта қатламлари пайдо бўла бошлаганини кўрсатади<sup>5</sup>, ижтимоий ҳаётда давлатлар бунёдга келиб, тараққиёт тезлашиб, турли-туман касб-ҳунарлар юзага келиши натижасида ҳукмдорларнинг жамиятдаги турли қатламларни идора қилиш мушкилотлари ҳам пайдо бўлади. Ана шу эҳтиёж ёзма адабиётда лирик поэзия билан бирга синфий жамият учун дастуриламал бўладиган эпик (фалсафий-дидактик) поэзиянинг бунёдга

<sup>4</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар. I-том, Тошкент, 1959, 552-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Муталлибов С. XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, 1971. 7—39-бетлар.

келишини ҳам тақозо қилади. Маданий ҳаётнинг юксала бориши натижасида бир қанча тарихий, тиббий, бадний асарлар билан бирга иккита гигант эпик асар — «Қутадғу билиг» ва «Ҳиббатул-ҳақойиқ» бирин-кетин майдонга келди. «Қутадғу билиг»нинг котибларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб асарининг моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «... (Бу китоб) шулар билан қадрлидир; бири — адл, иккинчиси — давлат, учинчиси — ақл, тўртинчиси — қаноат»<sup>6</sup>.

Совет ҳокимияти йилларида ўтмишда яратилган бой ва қадимий маданиятимизнинг барча тухфалари тўпланиб, системага солинди ва совет олимлари томонидан ўз халқига қайта тақдим этилди. Ҳозирга қадар унутилиб кетиш арафасида турган бир неча юзлаб қалам соҳибларининг маънавий мерослари фанга олиб кирилиб, кенг китобхонлар оммасига тортиқ қилинди. Агар республикамиз филолог олимларининг илмий-тадқиқот объектларига диққат қилсак, уларнинг ниҳоятда катта отряди адабиёт тарихини ёритиш билан машғул эканликларининг гувоҳи бўламиз. Бу соҳада йирик олимларимиз Ойбек, Ғ. Ғулом, Шайхзода, В. Зоҳидов, И. О. Султонов, В. А. Абдуллаев, Ҳ. Сулаймон, А. Ҳайитметов, Ш. Шомўхамедов, Ғ. Қаримов, Р. Муҳаммедов, Э. Рустамов, П. Шамсиев, С. Муталлибов, Ҳ. Зариф, А. Қаюмов, Б. Валихўжаев, Н. Маллаев, Ҳ. Раззоқов, А. Абдуғафуров ва бошқаларнинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Шу жумладан ўзбек классик эпик ва лирик шеърятининг тадқиқотчилари О. Шарафиддинов, Ҳ. Расул, М. Қодирова, С. Ғаниева, С. Эркинов, Т. Аҳмедов, С. Нарзуллаева, Р. Орзибеков, И. Салоҳиддинов, К. Тоҳиров, Ё. Исҳоқов, Қ. Каримов, Қ. Маҳмудов, Т. Жалолов кабиларнинг ишлари ўзбек адабиёти тарихини ўрганишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шунингдек Ҳ. Расуловнинг «Ўзбек эпик шеърятида халқчиллик» номли монографияси, Б. Валихўжаевнинг «Ўзбек классик адабиётида эпик поэзиянинг тараққиёти», С. Мирвалиевнинг «Роман жанрининг манбалари ва шаклланиши» номли докторлик ва А. Носировнинг «Ўзбек классик адабиётида ғазал жанрининг шаклланиши ва тараққиёти», Ш. Холматовнинг «Ўзбек адабиётида масал жанри», М. Иброҳимовнинг «Ўзбек балладаси», Р. Мажидовнинг «Ризийнинг Ҳуршид ва Маликаи Дилором қиссаси ҳамда

---

<sup>6</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, 1971, 49-бет.

халқ китоблари», О. Қобиловнинг «Ўзбек адабиётида автобиографик повесть жанри» темаларидаги кандидатлик диссертациялари ўзбек адабиётидаги жанрлар тараққиёти проблемасига бағишланган салмоқли ишлардир.

Кўриниб турибдики, юқоридаги ишлар орасида эпик шеърининг марказий йўналишини ташкил қилувчи дostonчилик ҳақида биргина Р. Мажидовнинг иши мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса «Халқ китоблари» номи билан машҳур бўлган ўтмиш ёзма адабиётимиздаги қиссалар таҳлилига бағишлангандир.

Гарчи В. Зоҳидов, М. Ҳайруллаев, С. Шермуҳаммедов, Н. Ғоипов, М. Орипов сингари философларнинг тадқиқотлари адабиётшунослик фани билан боғланган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида ўзбек классик адабиётидаги фалсафий-дидактик дostonчиликнинг жанр сифатидаги тарихий тараққиёти текширилмаган.

Ўзбек классик адабиётдаги дoston турлари ва уларнинг специфик хусусиятларини тадқиқ қилувчи ишлар жуда оз даражада. Биз ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб ўзбек классик дostonчилигининг муҳим ва марказий тармоқларидан бири бўлган фалсафий-дидактик дoston жанрининг ўтмиш ёзма адабиётимизда пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёт босқичларини ва бу жанр тараққиётида Алишер Навоийнинг ролини ўрганишни ўз ишимизга асосий объект қилиб танладик. Шуниси аниқки, фалсафий-дидактик дoston жанри ўзбек классик адабиётда жуда катта мавқега эга бўлиб, Алишер Навоийга қадар бўлган эпик шеъримиз тараққиётини кўзгуда жилолантиргандек аниқ кўрсатиб бера олиш қудратига эга.

Биз ушбу вазифани имкониятимиз етганича адо этишга ҳаракат қиламиз.

## ДОСТОН ЖАНРИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ПАЙДО БУЛИШИ

Буюк сўз санъаткори М. Горький ўринли таъкидлаганидек, моддий дунёдаги энг биринчи файласуф ҳам, шоир ҳам, ижодкор ҳам меҳнаткаш халқдир. У фақат тарихни яратувчи куч бўлиб қолмасдан, энг биринчи тарихчи ҳамдир. У ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврлардаёқ оғзаки бадиий ижодда ўз тарихини кашф этиб, қўшиқ ва афсоналарини келгуси авлодлар учун мерос қилиб қолдирди. Ёзув пайдо бўлгандан сўнгги давр тарихчилари меҳнаткаш омманинг ибтидоий тарихларини, уларнинг афсона ва ривоятларига қараб, қўшиқ ва достонларига таяниб яратишга интилдилар.

Ўрта Осиё халқлари тарихининг илк даврлари ҳам бундай ҳолдан мустасно эмас. Жуда кўп Ғарбий Европа олимлари Ўрта Осиё халқларининг қадимий маданияти ҳақида сохта, бир ёқлама тахминий фикрлар билдириб келдилар. В. В. Бартольднинг ишларида бундай сохта қарашларга қарама-қарши тарзда илмий-объектив фикрлар баён қилинди. У Шарқ халқлари қадимий эпосларининг машҳур қаҳрамонлари, ҳамда уларнинг фаолиятини тарихий шахслар билан кейинчалик боғланиб кетиш меъёри аста-секин Шарқдан Ғарбга кўчганлигини далиллар асосида исботлаб бериш билан бирга Шарқ маданиятининг қадимий ва бойлигини тарихан тўғри ва ҳаққоний таъкидлаб ўтишга интилади.

Маданиятнинг бошқа томонлари ҳақида гапириб ўтирмасданоқ, машҳур «Шоҳнома» эпоси дастлаб Аҳманийлар давлатининг Шарқий областларида яратилганлигини кўрсатишнинг ўзи кифоя. Қаҳрамонлари Бактрия, Суғд, Марғиёна ва Хоразм территорияларида баҳодирлик ва жасурлик кўрсатувчи Овесто ҳам қадимги даврларда худди шу жойларда тўқилган...

Герадот олижаноб ва мард Тўмариснинг Кирга қарши кураш тарихини баён қилар экан, массагетларнинг эпик афсоналаридан фойдаланади. Афсонада матриархал тузумнинг айрим белгилари ўз аксини топган, матриархал тузум қолдиқларининг таъсири Гулойим ва унинг канизаклари ҳақидаги «Қирқ қиз» эпосида ҳам сақланиб қолган.



Саклар эпосининг айрим эпизодларини Полиеннинг (II аср) Кирни енгиб, ўз эри Аморгни асирликдан қутқарган малика Спаретра ҳақидаги, шунингдек, душманни саҳронинг ўртасига бошлаб бориб, ҳалок бўлган сак чўпони Широқ ҳақидаги ҳикояларда ҳам учратиш мумкин<sup>1</sup>.

Қадимги ёзма манбаларнинг, археологик қазилмалар материалларининг Совет олимлари томонидан жуда кўплаб топилиши ва ўрганилиши ривоят ва афсоналарда куйланган қадимий бой маданиятимизни янада тўлароқ исбот этмоқда. Урта Осиё территориясида яшовчи массагетлар ва Сак қабилалари икки ибтидога — Қуёш ва сув ёки Олов ва сув култига сиғинганлар, ҳатто ердаги ҳаётни ана шу ибтидоларга боғлиқ деб ўйлаганлар. Қадимги тарихчилар массагетлар ҳақида ёзиб қолдирган манбаларида<sup>2</sup> «уларнинг фақат қуёшни худо деб топиниши», унга отларни қурбонлик қилишлари тўғрисида маълумотлар беради. «Массагетлар иттифоқи составига кирган Хоразмийлар мамлакатининг номи Хвайризм бўлгани маълум. Хвайризм деган сўз «Қуёшли ер» ёки «Қуёш мамлакати» деган маънони билдиради («Хвар— қуёш, «зем»— ер)<sup>3</sup>.

Бундай афсоналарнинг яратилиш тарихи ибтидоий жамоа тузумининг емирилиб бориши ва қулдорлик давлатининг ташкил топиши даврига тўғри келади. Урта Осиё тупроғида ташкил топган «Бактрия, Кушон, Эфталит сингари қулдорлик давлатлари даврларида ибтидоий жамоа тузумига нисбатан ижтимоий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз берди ва турли-туман қабиалардан марказлашган давлат вужудга келди. Чорвачилик билан бирга деҳқончилик ва боғдорчилик тармоқлари ривожлана бошлайди. Ҳосилдорликни ошириш борасида сунъий суғориш ишлари амалга оширилади. Қулдорлик давлатлари пайдо бўла бошлаган қадимги даврлардаёқ аҳоли Фарғонада, Қизилқумда, Амударёнинг юқори оқимига туташ тоғларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан машғул бўлган. Тарихий ривоятларга кўра, Бактрия давлати «минг шаҳарли мамлакат» сифатида машҳур бўлган, шулар билан бирга ёзувлар ҳам вужудга кела бошлаган. Музыка ва тасвирий санъат турлари бунёдга келган. Қулдорлик дав-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. I-том. Тошкент, 1970, 86-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда муфассалроқ маълумот олиш учун «Ўзбекистон ССР тарихи», I том, 85—92-бетларига қаранг.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. I-том, Тошкент, 1970, 85—90-бетлар.

латлари аста-секин бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни йўлга қўйган. Айниқса, Бактриядан сўнг вужудга келган Кушон давлати ўша вақтлардаги Шарқ ва Ғарбда маданияти юксалган давлатлар билан қизғин сиёсий ва савдо муносабатларида бўлган қудратли ва мустақил давлатнинг гуллаш даври бўлди. Лекин бу давлат қулдорлик муносабатлари жуда тараққий этган бир шароитда яшаган турли халқларнинг аралашмасидан иборат эди. Шунинг учун ҳам Кушон давлати ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва синфий зиддиятларнинг ниҳоятда кескинлашуви натижасида бунёдга келган эди.

«Қадимги Осиёда ва классик дунёда,— деб ёзади Ф. Энгельс,— синфий зулмнинг асосий формаси қуллик, яъни омма қўлидаги ерни экспроприация қилишдан кўра кўпроқ шу омmani ташкил этувчиларни тобе қилиш бўлган. Рим республикаси инқирозга юз тутган вақтда эркин италян деҳқонларининг чек ерлари экспроприация қилинганда, улар ҳам 1861 йилгача жанубий қулдорлик штатларида бўлган синфга ўхшаш «оқ камбағаллар» синфини ташкил қилдилар. Қадимги дунёнинг емирилиши мана шу йўсинда ўз-ўзини озод қилишга ноқобил бўлган икки синф — қуллар ва «оқ камбағаллар» синфи мавжуд ҳолда содир бўлади»<sup>4</sup>.

Кушон подшолиги даврида ирригация юксак даражада ривожланиб, пахтачилик тараққий эта бошлайди. Сув тегирмони ва баландликка сув чиқариб берадиган чигирлар кашф этилади. Деҳқонлар ерни сунъий ўғитлаш ҳамда ҳосил олишни ўзлаштирадилар.

Эфталит давлати Кушон давлатига нисбатан ҳам синфий табақаланишни тезлаштиради. Олий ҳокимият деҳқонлар манфаатини кўзлаб иш кўрди. Аста-секин суғориладиган ерлар деҳқон аристократияси қўлига ўтади ва бу ерларда яшаган деҳқон оммаси аслзода деҳқонларга бўйсундирилади Ижтимоий тараққиёт феодализм даври томон шиддат билан ўса боради.

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, Эфталитлар деярлик чўқмор билан жанг қилганлар. Бу жанговар халқнинг довураклиги ва шафқатсизлиги ҳақида жуда кўп афсона ва эртаклар сақланиб қолган. Ҳатто «Овесто»да даҳларнинг тўқмоқ билан аждарни ўлдирган баҳодири Керешасб улуғланганига дуч келамиз. Шунингдек камалакдан отиб жанг қилувчи форслардан, найзаларда

<sup>4</sup> Қаранг: Маркс К. и Энгельс Ф. Об Англии. М., 1958, с. 10.

жанг қилувчи араблардан туркий халқлар чўқмор билан жанг қилиши жиҳатидан ажралиб турган. Ҳатто ўзбек халқининг эртақларидан бирининг «Ур тўқмоқ» деб аталиши ҳам бежиз эмас эди.

Узлуксиз давом этиб келган тарихий тараққиёт туйғули VI асрнинг ўрталарига келиб, Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли қабила ва халқлар бирлашиб, катта кўчманчилар давлати — турк ҳоқонлиги ташкил топди. Ана шу ҳоқонлик ўз ҳукмронлигини Урта ва Марказий Осиё мамлакатларига ҳам ёя бошлайди. Натижада илк феодализм давлати вужудга келади.

Қулдорлик давлатининг ўз мафкурачилари бўлганидек, илк феодализмда ҳам ижтимоий-сиёсий тузумнинг мустаҳкамланишига тарафдор бўлган сиёсатдонлар, философлар, ёзувчилар етишиб чиқа бошлайди.

«Девону луғотит турк»нинг муаллифи Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги сўзлари бизнинг фикримизни ойдинлаштиради: «Худо давлат қуёш»ни турклар бурчидан яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалоқатидан қутулди. Уларнинг (туркларнинг) ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл — уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар.

...Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг (қирғизларнинг) шаҳарларини, қишлоқ ва ййловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари

бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим.

Бу асар абадий ёдгорлик бўлсин деб худога сиғиниб, бу китобни туздим. Китоб «Девону луғотит турк» («Туркий тиллар луғатлари — қомуси») деб аталади»<sup>5</sup>.

Маълумки, ушбу китоб яратилаётган даврда Ўрта Осиёда яшовчи қабилалар ҳам, уларнинг тиллари ҳам анча мураккаб вазиятларни бошдан кечираётган эди. Илгарилари кам нуфузли бўлган баъзи қабилалар имконият яратилиши билан йириклаша бошлаган, баъзилари эса бир-бирлари билан бирикиб, чатишиб янги қабилалар пайдо бўла бошлаган давр эди.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида қабилалар масаласига алоҳида аҳамият беради. Бу тўғрида у жуда узоқ йиллар тинимсиз кузатишлар олиб боради. Ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқни бошдан-оёқ тартиб билан, синчиклаб ўрганади. Натижада у мураккаблашиб кетган қабилаларни ҳам, уларнинг тил хусусиятларини ҳам, илгарилардан шу ерда ўсиб-унганларини ҳам, сўнг келиб жойлашганларини ҳам, ҳатто ҳар бир қабилани ташкил этган сон-саноқсиз уруғларни ҳам мукаммал аниқлаб чиқади. Уларнинг турар жойларини, географик мавқеларини белгилаб беришни уддалади. У ўз асарида ўзбеклар қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татар ва бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва бу халқларнинг қадимги содда тилларининг намуналарини мукаммал изоҳлаб бердики, «бу халқлар девон материаллари асосида ўзларининг тиллари қайси қабилани тили асосида тараққий этиб, камолга етганини аниқлай оладилар...

Бу асар ҳозирги Ўрта Осиё халқлари тарихи учун, шу жумладан, ўзбек халқи тарихи учун ҳам бениҳоят муҳимдир. Чунки қабилани масаласи тарихий категориядир. Унинг боши ибтидоий жамият формаси — уруғчилик даврига бориб тақалса, охири жамиятда юзага келган тараққиёт натижасида ташкил топган халқ ва миллат билан боғланади»<sup>6</sup>.

Қўриниб турибдики, М. Кошғарий туркий қабилаларнинг халқ ва миллатларга айланиб кетиш арафасида турган жараёни тадқиқ этган, ҳамда ўзининг бу иши билан Қорахонийлар давлатининг этник составини реал ва ҳаққоний белгилаб берган.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент, 1960, 43—44-бетлар.

<sup>6</sup> Қаранг: Муталлибов С. ХІ асрнинг буюк филологлари..., Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 25-бет.

Айни шу даврда туркий халқлар маданиятини бойитувчи ва абадийлаштирувчи «Девону луғотит турк» асарни билан бир сафда турадиган иккинчи бир ноёб, монументал асар — «Қутадғу билиг» майдонга келди. Бу асарни ўз даврининг улуғ шоири ҳамда тиб, риёзат, тарих ва бошқа кўп фанлардан хабардор бўлган баласоғунлик Юсуф Хос Ҳожиб яратди. Асар Қорахонийларнинг феодал давлатида юзага келган янгиликларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, уни узоқ сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ёзилгандир. Шунинг учун ҳам муаллиф асарида ўз матлабига хизмат қилувчи бир қанча сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий-тарбиявий масалаларни қамраб олишга интиланган. Чунончи «Қутадғу билиг»да давлатни идора қилиш усуллари, давлат арбобларининг феъл-атворлари ҳамда ахлоқи қандай бўлиши лозимлиги, шунингдек давлат тузилиши масалалари, шу даврда юзага келган турли табақалар ҳамда жамият аъзолари орасидаги муносабат масалалари, шу билан бирга иқтисодни тиклаш, хўжаликни ривожлантириш каби муаммолар илк феодализм даври талаби асосида изоҳлаб берилган.

XI аср Қорахонийлар салтанатининг энг юксакка кўтарилган бир даври эди. Қорахонийлар даврида илм-маърифат, маданият ривожланади, қатор илмий, фалсафий асарлар яратилади. Бу асарлар асосан араб ва форс тилида эди. Зикр қилганимиздек, кенг майдонга ёйилган давлатни идора қилиш осон эмас эди. Марказлашган, ягона қўл остига бирлашган феодал давлати барпо этиш, мустаҳкамлаш, идора қилиш, турли хон ва беклар орасидаги низоларга барҳам бериш у давр ҳукмдорларининг эзгу орзуси эди. Ана шундай давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қондалари, шунингдек, халқнинг расму одатларини, принципларини ўзида мужассамлаштирган низомнома, қомус сифатида «Қутадғу билиг» майдонга келди.

Асардаги тўрт қаҳрамон идеал орзу тимсоли сифатида гавдаланади: Кунтуғди (чиққан кун) — адолат, Ойтўлди (Тўлганой) — бахт ва давлат, Угдулмиш (ақлга тўлган) — ақл, Узғурмиш (уйғонган) — қаноат тимсоли. Булар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралар жараёнида авом халқдан тортиб қорахонийлар салтанатининг энг олий даража ҳокими — элигача бўлган оралиғдаги барча табақа ва тоифаларнинг ахлоқ, одоб, хатти-ҳаракат, муносабат чегаралари ҳақида баҳс боради. Шунинг учун ҳам бу асар панд-насиҳат, таълим-тарбия руҳи билан суғорилган, дидактик жи-

ҳатдан қиммати бебаҳодир. У ақл ва ҳикмат дарслигидир»<sup>7</sup>.

Демак, тарихий шароит, иқтисодий-сиёсий тузум та-  
раққиёти туфайли юзага келган илк феодализм ана шун-  
дай дастуриламал бўладиган йирик фалсафий-дидактик  
достонларнинг яратилишига замин ҳозирлади, эҳтиёж  
ва имкониятни вужудга келтирди. Фалсафий-дидактик  
достон жанрининг юзага келишидаги биринчи асосий  
манба реал ҳаёт тақозоси эди. Ана шу эҳтиёж ва им-  
коният бўлмаганида, ўз-ўзидан маълумки, «Қутадғу  
билиг» типигаги йирик бадий асарларнинг бунёдга  
келиши ҳам мумкин эмас эди.

Яна шуниси ҳам борки, мана шу биргина манбанинг  
ўзидан фалсафий-дидактик достончиликнинг бирданига  
пайдо бўлиши ҳам мушкул бўлар эди. Аҳамияти бирин-  
чи манбадан кам бўлмаган иккинчи бир асосий манба  
ҳам мавжуддирки, у ҳам бўлса халқ оғзаки ижо-  
дининг фалсафий-дидактик достон жанрининг пайдо бў-  
лишида ўйнаган ижобий, деярли ҳал қилувчилик роли-  
дир. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг кенг ва  
чуқур маълумотли мутафаккирларидан бўлиб, барча  
билимлардан хабардор бўлиши баробарида «Қутадғу  
билиг»ни ёзаётган пайтда ёши эллик билан олтинчи  
оралигида бўлган. Қуйидаги мисралар ана шундан гу-  
воҳлик беради:

Тегурди манга элги эллик ёшим,  
Уқир алтмиш энди манга кел тею<sup>8</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб эллик ёшларга қадар «Ўзи ижод қил-  
ганга қадар ва ундан кейин ҳам халқ оғзаки ижодиё-  
тининг барча ноёб асарларини мукамал ўзлаштирган  
ҳамда эл-юрт орасида шуҳрат қозонган шоир бўлиши  
эҳтимолдан ҳоли эмас. Бўлмаса ҳажм жиҳатдан анча  
катта, бадий жиҳатдан юксак бўлган олти минг беш  
юз байтлик ёки ўн уч минг мисрали «Қутадғу билиг»-  
дек умрбоқий асарни бирданига 18 ойда ёзиб тугата  
олмас эди. Муаллиф ўз асарининг яратилиш тарихи  
ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган:

Йил элтмиш эки эрди тўрт йуз била,  
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура,  
Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз,  
Ўгурдум, азирдим сўз эвдиб тера.

<sup>7</sup> Қаранг: Қаримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида.—  
Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 7—8-бетлар.  
<sup>8</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 114-бет.

Кўринадики, муаллиф ўз асарини ҳижрийнинг 462 йилида (1069—1070 мелод) ёзиб тугаллаган. Муаллифнинг шаҳодат беришича, агар у ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган бўлса, уни ҳижрий 461 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб, 462 йилнинг ўртасида ёки 461 йилнинг ўртасидан бошлаб, 462 йилнинг охирида тугатган бўлиши мумкин. Бинобарин, асарини тугатган даврда муаллифнинг 50 ёшлар чамасида бўлганлиги ва демак, унинг ҳижрий 410 (1019 мелодий) йиллар атрофида тутилганлиги маълум бўлади<sup>9</sup>.

Ана шу нарса ҳам маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб асарни яратаётган пайтларда бировларнинг ашъорларидан нопок йўллар билан фойдаланиш таъмасидан ниҳоятда узоқда бўлади. «Қутадғу билиг»да шундай тўртликлар ҳам учрайдики улар<sup>10</sup> ҳамини «шоир ёки доно сўзи», «оқил нима дейди, эшит», «бошидан кечирган киши бундай дейди» каби изоҳлардан сўнг келади. «Қутадғу билиг»нинг тадқиқотчилари ана шу таҳлилдаги тўртликларни Юсуфни ўзи яратганми ёки ҳақиқатан ҳам уни бошқалардан келтирганми деган савол устида ўринли бош қотирадилар. Асарни нашрга тайёрлаган Қ. Қаримов бундай саволга икки хил жавоб бериш мумкин, деб уқтириб қуйидагиларни ёзади:

«Биринчидан, бу тўртликлар Юсуфнинг ўзиники дейиш мумкин, чунки у ўзининг айрим фикрларини афоризмлаштириш мақсадида шоир ёки доно сўзи ва шунга ўхшаш сўзлардан фойдаланганлиги ёки бўлмаса, халқ ўртасида афоризмлар даражасига етиб қолган ибораларни шеърят рамкасига мослаб қайта ишлаганлиги эҳтимоли бор. Бу албатта, бизнинг таҳминимиз.

Иккинчидан, Юсуф бу тўртликларни ҳақиқатан ҳам ўзга шоирлар ижодидан олган. Бунини шу нарса исботлайдики, асарда «шоир сўзи, доно сўзи», «бошдан кечирган киши, улуг киши» кабилардан ташқари, кўп ўринларда қабила бегларининг фикрларига, туркча масалларга мурожаат қилинади ва ҳозиргача сақланиб келаётган мақоллар айнан келтирилади. Шарқ классик поэзиясида бу нарса санъат ҳисобланиб, адиллар тилида бунини «ирсолул масал», яъни масалларга рисолат деб юритилган. Масалан:

Мунгар менгзату айди туркча масал,  
Эшитгил муни сан, уқуб ўзка ал,  
«Ўрунгу сут била кирса эзгу қилиқ,  
Ўлум тутмагинча эвурмас йўриқ».

<sup>9</sup> Уша асар, 8-бет.

<sup>10</sup> Уша асар, 948-бет.

Демак, «Ирсолул масал»га асосланиб, масалларнинг айнан келтирилиши фактларига таяниб, Юсуф томонидан хулоса тарзида келтирилган тўртликлар ҳақиқатан ҳам ўзгалар ижодидан олинган, деган хулосага келиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади»<sup>11</sup>.

Биз тадқиқотчининг иккинчи таҳминига қўшиламиз. Фақатгина унинг «Юсуф томонидан хулоса тарзида келтирилган тўртликлар ҳақиқатан ҳам ўзгалар ижодидан олинган» деган, хулосасидаги—ўзгалар» терминини «халқ оғзаки ижодиётидан олинган» деб тузатиш тарафдоримиз.

Халқ оғзаки ижодининг биринчи фалсафий-дидактик дoston бўлган «Қутадғу билиг»га ўтказган таъсири шу билангина ўлчанмайди. Энг муҳими, халқ мақоллари «Қутадғу билиг»да фалсафий-дидактик дoston жанрини юзага келтирувчи асосий негиз бўлиб хизмат қилганлигида ҳамдир. Зотан, турмуш фалсафаси ҳам, аждодларнинг авлодларга мерос қолдирган панд-насихатлари ҳам мақолларда мужассамдир.

«Ҳар қандай халқнинг икки хил философияси бор: бири — илмий, китобий, тантанали ва шавкатли философия; иккинчиси — кундалик, хонаки, турмушдаги философия; кўпинча бу икки философия бир-бирига бирмунча яқин бўлади; шунинг учун жамиятни тасвир этмоқчи бўлган киши буларнинг ҳар иккиси билан танишмоғи, лекин кейингисини айниқса, ўрганмоғи керак. Худди шунингдек, бирон-бир халқни ўрганмоқчи бўлган киши, аввало, унинг оилавий, уй ҳаётини ўрганмоғи керак»<sup>12</sup>,— деб уқтирган эди В. Г. Белинский.

Ўз-ўзидан маълумки, «Кундалик, хонаки турмушдаги философия», яъни меҳнаткаш халқнинг моддий дунё ҳақидаги билими, турмуш тажрибаси халқ оғзаки ижодининг жуда ихчам, сермазмун, ҳамда энг таъсирчан формаси бўлган мақолларда ўз ифодасини топади. Шунга амин бўлишимиз керакки, мақоллар бирданига эмас, балки бир неча авлодлар ақлу фаросатининг қаймоғи, турмуш тажрибаларининг яқуни, халқ донишмандлигининг пишиб етилган маҳсули сифатида бунёдга келади. Худди шу ўринда Л. Н. Толстойнинг «Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман»,— деган сўзларини ёдга олсак, фикр янада ойдинлашади.

<sup>11</sup> Қаранг: Қаримов К. «Қутадғу билиг» асари ҳақида.— Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 16-бет.

<sup>12</sup> Белинский В. Г. Танланган асарлар, 24-бет.



В. Г. Белинский таъбири билан айтганда, «турмуш фалсафаси» ҳақида китоб ёзган салтанат ва меҳнаткаш халқ тақдирини марказий проблема қилиб олган Юсуф Хос Ҳожиб, меҳнаткаш халқ сиймосини тўлароқ акс эттириш ва уни чуқурроқ ва атрофлича характерлашда халқ мақолларидан унумли фойдаланадики, бу хусусият дoston тузилишининг негизи билан чирмашиб кетади. Дostonнинг 77 байтдан иборат бўлган шеърий муқаддимасида ҳам, кўпинча дostonнинг композицион яхлитлигини таъминловчи 73 фаслнинг барчасида ҳам халқ мақоллари келтирилган саҳифалар кўплаб учрайди.

Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб мақол ишлатмаган ўринларда ҳам шу қадар усталик билан қалам тебратадик, унинг қалами қудрати туфайли яратилган панд-насиҳат, эҳтиросларга тўла байтлари мақолнома қиёфага киради. Ҳоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини жуда яхши ифодалаб бера олиш қудратига эга бўлади. Муболаға эмас, уларда бутун-бутун китобларнинг мазмунига тенг ҳис-туйғулар мужассамлашиб кетади. Дostonнинг дастлабки саҳифаларидан олинган ва барчага қарата мурожаат тарзида яратилган қуйидаги байтларга бир нигоҳ ташлаб ўтайлик:

Қали бўлса элнинг будунқа узун  
Қамуғ эдгулук қил қилнчин сўзун  
Йигитлик кэчэ — ул тириглик ўчэр,  
Бу туш — тэг аржундин озунг тэрк кэчэр<sup>13</sup>.

Юқоридаги байтларда «Агар халқ устидан қўлнинг узун бўлса (яъни амринг вожиб бўлса), амалда ҳам, сўзда ҳам мутлақ эзгулик қил, йигитлик ўтади, тириклик учади. Бу тушдек оламдан ўзинг бот ўтасан»,— деган ҳаққоний мулоҳазалар акс эттирилади. «Қутадғу билиг»даги рубойнома тўртликларга ёхуд маснавий шаклида яратилган байтларга назар ташлар эканмиз, ўз мазмунига кўра хилма-хил ва ранг-баранг бўлган мақолларга тез-тез дуч келамиз. Биз Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг фалсафий-дидактик дostonини халқ мақоллари жанрига таяниб яратмадимикен,— деган фикрга ҳам борамиз. Шундай бўлиши ҳам табиийдек кўринади. Чунки халқ мақолларида кўп қиррали ҳаётнинг барча соҳалари қамраб олингандир. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ҳаётнинг оддий икир-чикирларидан тортиб давлатни идора қилиш усулининг нозик сирларигача — барча масалаларни дostonига қамраб оладик, бу ижодий нияти-

<sup>13</sup> Ўша асар, 94-бет.

ни амалга оширишда халқ мақолларига таянмай, улардан ўринли ва унумли фойдаланмай иложи йўқ эди. У оддий турмушнинг қайси бир соҳаси, даврнинг қай бир жумбоғи тўғрисида фикр юритмасин, халқ мақолларининг мантиқи унга йўл кўрсатувчи юлдуз бўлади. Достоннинг дастлабки саҳифаларида одамийлик ҳақида қалам тебратган Юсуф ўз дунёқарашини халқ мақолларидан фойдаланиб қуйидагича талқин қилади:

Жами эрга ҳиммат, мурувват зарур,  
Евузни йўқ этмакка қувват зарур.  
Кишиликка ҳиммат, мурувват керак,  
Қадрлига ҳиммат, мурувват керак<sup>14</sup>.

Достоннинг асосий қимматли томонларидан бири шундаки, у кишиларни дунё ишларининг барчасидан хабардор бўлишга ундайди, бунинг учун эса худди халқ мақолларида тарғиб қилинганидек, билимли ва заковатли бўлиш лозимлигини уқдиради. Билимли киши уқувли, доно каби таъриф-тавсифлари билан характерланса, билимнинг қадрига етмовчи киши «телба» тимсолида унга қарама-қарши қўйилади:

Уқув қадрини ҳам уқувли билар,  
Билим сотса доно — билимли олар.  
Нечук телба билгай билим қадрини,  
Билим қайда бўлса билимни билар<sup>15</sup>.

Шоир халқ мақолларидаги мантиқдан фойдаланиб, шошқалоқликни қоралайди, ҳар бир ишда босиқ, вазмин, сабр-тоқатли бўлиш лозимлигини уқдиради:

Шошиб қилма ишни, сукут қил сабр,  
Шоша қилган ишлар охири жабр.  
Жами ишда шошма, босиб тут ўзунг  
Сабрли қулини бег қилар давр<sup>16</sup>.

Достонда меҳнат ҳақида, муҳаббат ва вафо ҳақида, тил ва одоб-ахлоқ тўғрисида, шунингдек салбий хулқларнинг зарарлари баҳсида жуда кўп тўртликлар яратилади, уларда халқ мақоллари ишлатилади, ёки халқ мақолларининг маъзидан фойдаланиб, донишманд шоир мустақил панд-насиҳатлар ижод қилади.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналари — достонлар, мақоллар, маталлар, айтишув — мунозаралар Юсуф учун «Қутадғу билиг» достонини яратишда таянч манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

<sup>14</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Тошкент, 1971, 25-бет.

<sup>15</sup> Уша асар, 29-бет.

<sup>16</sup> Уша асар, 29-бет.

Агар ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, илк феодализмнинг шакллана бошлаши — аниқроғи, турлитуман қабилалардан таркиб топган феодал давлатни бошқариш — идора қилиш эҳтиёжи «Қутадғу билиг»дек дастуруламал бўладиган асарларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирган бўлса, бу асарни яратиш ўз даврининг фольклорини ва маданиятини чуқур эгаллаган, кенг билимли мутафаккирнинггина қўлидан келар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб худди шундай улкан сиймо сифатида тарих ва тараққиёт олдидаги ўз бурчини ҳалоллик билан бажарди.

Юсуф Хос Ҳожиб илк феодализм даврининг прогрессив мафкурачиси сифатида майдонга чиқар экан, «Қутадғу билиг»дек асарни яратишда юқоридаги икки асосий таянч манба билан бирга ўзига қадар яратилган қардош халқларнинг оғзаки ижодларидан ҳам, нодир ёзма ёдгорликлардан ҳам ижодий озуқланди. Шуниси аниқки, у «Туркий халқларнинг Алп Эртунгиси аjamiликларда Афросиёб номи билан аталишигача, Фирдавсийнинг Фаридун, Заҳҳок каби қаҳрамонларидан тортиб то Чин ва Мочин олимларининг ашъору амсолларигача, Ҳинд ражаларидан тортиб Рум қайсарларигача, Асир зангиларигача, хуллас ҳамма, ҳамма соҳалардан хабардор, билим доираси кенг, асарида тилга олинган барча хислат, фазилат, заковат, равиш, атвор, йўриқ ва ҳоказоларнинг барчаси ўзида мужассамлашган улуғ сиймодирки, у ёзиб қолдирган улкан асарнинг тўлиқ тексти билан яқиндан танишгандагина Юсуф қандай киши бўлганлигини эътироф қилиш мумкин бўлади»<sup>17</sup>.

«Қутадғу билиг» вазни ҳақида баҳс юритган кўпгина олимлар уни «Шоҳнома» таъсирида яратилган асар деб талқин қиладилар. Ҳақиқатан ҳам, асарни синчиқлаб ўрганиб чиққан киши унда назмнинг ҳеч қандай қусурли, нуқсонли ўринларини тополмайди. «Қутадғу билиг»нинг худди «Шоҳнома» сингари мутақориб вазнида ёзилганлиги санъаткорнинг арузни мукамал билганлигидан, ундан ўз асарида моҳирона фойдалана олганлигидан далолат беради.

Фитрат ўзининг «Фирдавсий» номли мақоласида бу сўз сеҳргарининг бошқа халқлар адабиётига таъсири ҳақида фикр баён этар экан, «Қутадғу билиг» ҳақида ҳам муфассал тўхталиб ўтади ҳамда Қорахонийларнинг Эрон ва Арабистон билан яқиндан маданий ва савдо-

<sup>17</sup> Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида, 35-бет.

сотик алоқаларида бўлганлигини далил сифатида келтириб, ўз даврининг етук давлат ва маданият арбоби бўлган Юсуфнинг араб ва форс маданияти ҳамда адабиёти билан яқиндан таниш бўлиш эҳтимоллигини тахмин қилади. У ўзининг бу тахминини Юсуф Хос Ҳожиб Фирдавсийнинг «Шоҳнома» услубида, ҳатто унинг вазнида «Қутадғу билиг»ни ёзган деб исботлайди.

«Ёзилиши «назм»нинг «иккилик»— маснавий шаклида бўлиб, вазни машҳур Эрон шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ва вазнидур. Бу эски турк шоири турклар учун жуда қийин бўлган бу вазнда жуда муваффақ бўлиб ёзган. Кўп олимларнинг айтишларига ишониб, мен ҳам бу китобнинг вазнида ана камчиликлар, тўлмаган ерлар бор, деб ишонган эдим, бугун эса бу фикрда эмасман, вазни жуда тузук чиққан, баъзи жойлардан «Шоҳнома» оҳангининг иси келиб турадур. Бироқ вазни тўлдирмоқ учун сўз орасида, ҳеч керак бўлмаган жойларда, «кўр», «ул» каби сўзларни тез-тез айтиб турадим, шоирни бунга, албатта маъруз кўришимиз керакдур»<sup>18</sup>.

Бироқ Фитратнинг барча мулоҳазаларига қўшилиб бўлмайди. Достонни нашрга тайёрлаган талантли олим Қаюм Қаримов Фитратнинг асосиз даъволарига қарши чиқиб «Шоҳнома» билан «Қутадғу билиг»нинг мавзулари мутлақо бир-бирларидан фарқ қилишини, «Қутадғу билиг» «Шоҳнома»нинг такрори бўлмай, у мустақил ва салоҳиятли бир турк адабининг оригинал ижоди эканлигини, агар Юсуфнинг ўзида замин бўлмаганида, кўплаб «Шоҳнома»ларнинг таъсири ҳам «Қутадғу билиг»ни ярата олиш учун имконият туғдира олмаслигини тўғри кўрсатиб ўтади ҳамда «Қутадғу билиг» услубига қўйилган асосиз даъволарни дostonдан келтирилган фактик материаллар таҳлили асосида инкор этади:

«...у айтганидек, «кўр», «ул» сўзлари беҳуда, фақат вазни тўлдириш мақсадида ишлатилган эмас. Шундай катта ҳажмли асарнинг бошидан охиригача вазни тўлдириш учун беҳуда сўзларни қўшавериш асар қимматини туширишини Юсуфнинг ўзи ҳам яхши тушунган. Байтларнинг мазмунига чуқурроқ диққат билан қаралса, ҳеч қандай орттирилган беҳуда элемент кўринмайди, аксинча «кўр», «ул», «бу» каби сўзлар ҳам, байт мисралари охирида тез-тез учраб турадиган алиф ҳам, гарчи юзаки қараганда беҳудага ўхшаб кўринса-да, аслида улар байтларга таъкид, хитоб, диққатни жалб

<sup>18</sup> Қаранг: «Маориф ва ўқитувчи», 1925, 2-сон, 69-бет.

қилиш, кучайтириш, боғлаш каби нозик отенкалар бериб турганлигини кўриш мумкин. Масалан:

Эки турлуг-ул, кўр, бу эсиз йама,  
Экигунни бир теб эсизка сама.

Мазкур байтдаги «ул» — боғлама, «кўр» — хитоб, «бу» — таъкид, диққатни жалб қилиш каби функцияларда келган:

Бу Ойтўлди айди уқушсуз ул-ул,  
Айтмади сўзлаб эрикса кўнгул.

Бу байтда ҳам «бу» — таъкид, биринчи «ул» олмош, иккинчи «ул» эса боғлама вазифасида келиб, биринчисига конкретлик, аниқлик бериб турибди.

Мазкур мисоллардаги байтларда беҳуда элемент йўқлиги, аксинча юқоридаги каби элементлар билан байтларга алоҳида тус берилганлиги кўриниб турибди, бунини шоирнинг ўзига хос танланган услуби дейишдан ўзга иложимиз йўқ. Бу ҳол ўша давр тил формасидир<sup>19</sup>.

Қаюм Қаримов, Фитрат билан мунозарага киришар экан, «Шоҳнома»нинг «Қутадғу билиг»ка таъсирини инкор қилмоқчи бўлмайди балки адабий ҳамкорлик ва ўзаро таъсир умумэътироф этилган бир нарса, деб тўғри хулосага келади. Биз ҳам «Қутадғу билиг» тадқиқотчиларининг фикрларига қўшилиб, «Шоҳнома»нинг улкан бир хазина сифатида, ижодий энергия жамғариш манбаи тарзида хизмат қилганлигини эътироф этамиз. Ана шу ижодий энергия юқоридаги иккита таянч манбаларга қўшимча равишда бирикиб, ижодкорга қудратли илҳом, парвоз бағишлашда кўмакдош бўлганлиги эътирофга лойиқ ҳақиқатдир.

Агар биз «Қутадғу билиг» асарини бошқа асарлар билан, хусусан, жаҳонга машҳур бўлган ҳинд эпоси «Қалила ва Димна» ҳамда қирғиз халқ эпоси «Манас» билан ҳам қиёсласак, унинг яратилишида фақат «Шоҳнома»нинггина эмас, балки «Қалила ва Димна», «Манас»нинг ҳам унутилмас ўрни борлигини сезиб олиш мумкин.

Маълумки, «Қадимги ҳинд адабиётида «Панчатантра» номи билан машҳур бўлган «Қалила ва Димна» эрамизнинг III—IV асрларида номаълум автор томонидан тузилган. У дастлаб, муқаддимадан ташқари, беш бобдан иборат бўлган ва шунинг учун ҳам у «Беш (панча) — дидактик китоб (тантра)» деб номланган. Кейинчалик яна 12 боб билан тўлдирилган бу китоб жа-

<sup>19</sup> Қаримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. 1971, 21-бет.

хон адабиётининг энг машҳур асарларидан бирига айланган ва Ўрта асрлардаёқ, ер юзида яшовчи деярли барча халқлар тилига таржима қилинган. Асар дидактик характерда бўлгани ва ўз даврида катта тарбиявий аҳамият касб этгани учун ёшларга турмуш ҳикматлари бўйича қўлланма бўлиб келган.

«Панчатантра»— бу ривоятлар тўплами, ҳар бир бобнинг қаҳрамони воқеанинг ривожига кўра бирор ривоят айтиб беради. Бу ривоятлар эса панд-насиҳат билан яқунланади»<sup>20</sup>.

Ўз-ўзидан маълумки, араблар истилоси туфайли «Қалила ва Димна»нинг арабча ва форсча таржималари эрамининг VI—VII асрларидаёқ Ўрта Осиёга кириб келган ва кенг тарқалган, Юсуф Хос Ҳожибдек тиллар билимдони албатта, бу асарни уқиб чуқур ўзлаштирган, маънавий озуқа олган бўлиши турган гап. «Қалила ва Димна»даги дўстлик ва ғаразгўйлик, яхшилик ва ёмонлик, ишонч ва шубҳа, садоқат ва хоинлик каби қатор инсоний туйғу тушунчаларининг «Қутадғу билиг»да ҳам мавжудлиги, мажозий образлар орқали дидактиканинг талқин қилиниши бу икки асарнинг бир-бирига яқинлигини кўрсатади. Бироқ бу деган сўз — «Қутадғу билиг» муаллифи «Қалила ва Димна»дан нуха кўчирган, деган маънони англамайди, яқинлик шундаки, Юсуф Хос Ҳожиб бошқа халқлар фольклори дурдоналаридан, жумладан, «Қалила ва Димна»дан бадий сюжет яратиш санъатини, қаҳрамонлар характери кашфиётини, композицион яхлитликни таъминлай олиш маҳоратини, даврга хос проблемалар жамулжамини кўтариб чиқиш сирларини, хуллас, адабий техникани ўрганган бўлиши мумкин. Лекин у ўзи яшаб турган давр ҳаётини тасвирлашда, давр муаммоларини ҳал қилиб беришда тамомила оригинал позицияда мустаҳкам турди.

«Қутадғу билиг»даги асосий қаҳрамонларнинг ҳаёт йўллари ва тақдири қирғиз халқининг эпоси «Манас» қаҳрамонларини ҳам ёдга туширади. Агар «Манас»да ўзга юртлик Алмамбет Манаснинг одиллигини, баҳодирлигини, тантилиги ва шон-шавкатини эшитиб, унга хизмат қилиш учун узоқ юртдан излаб келган бўлса, «Қутадғу билиг»да ҳам шунга ўхшаш сюжет шаҳобчаси кўзга ташланади. «Қутадғу билиг»нинг қисқача мазмунидан маълум бўлишича, Кунтуғди деган одил подшо

---

<sup>20</sup> Қаримова М. «Қалила ва Димна» таржималари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 1-сон, 81-бет.

бўлиб, унинг шон-шавкати ва шуҳрати яқин ва узоқ ўлкаларга ёйилган экан. Ойтўлди деган оқил бир киши унинг хизматига кириш истаги билан пойтахтга келибди. У мусофирликнинг азоб-уқубатларини чекибди, ёрдўст, таниш-билиш орттирибди. Ойтўлди Қўсамиш (Истанилган) деган дўстига мусофир бўлиб Кунтуғди пойтахтга келишининг сабабини сўзлаб берибди. Қўсамиш унга мадад бериб, Кунтуғдиннинг Хос Ҳожиби билан таништирибди. Ойтўлди Кунтуғдиннинг саройига бориб, унинг суҳбатига бўлибди. Ойтўлдини ёқтирган Кунтуғди уни саройга хизматга олибди. Ойтўлдиннинг мансаб-мартабаси кундан-кун зиёд бўлиб, охири у вазир қилиб тайинланибди. У саройда узоқ вақт хизмат қилиб, ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан Кунтуғдини мамнун қилибди. Бироқ юрти ва оиласини соғинган Ойтўлди ҳукмдордан рухсат олиб, ўз юртига қайтибди ва бирмунча вақтдан кейин ўша ерда вафот этибди.

Ойтўлдиннинг Ўгдулмиш деган ўғли бор экан. У отасининг сўзига амал қилиб, Кунтуғдиннинг даргоҳига келиб, саройга хизматга кирибди. Ўгдулмиш отасининг изидан бориб, давлат ишларига фаолияти ва донолиги билан Кунтуғдини шод ва мамнун қилибди.

Сюжет йўналишидаги бундай яқинлик бежиз эмас. Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқлар фольклоридаги сюжетни юзага келтирувчи идеал шахслар фаолиятдан, жамият ва давлатнинг қандай бўлиши тўғрисидаги халқ орзу-армонларидан «Қутадғу билиг»ни яратишда унумли фойдаланган. Туркий халқлар орасида машҳур бўлган афсонавий мамлакат Чамбилни, идеал сиймо Гўрўғли ва унинг қирқ азамат йигитларини бир бор хотирамизга келтириб кўрайлик. Ана шунда биз идеал шахс фазилатлари қандай бўлиши керак ва бу хилдаги фазилатга қандай қилиб эришиш лозимлиги каби муҳим муаммолар фалсафий системасини яратишда Юсуф Хос Ҳожибнинг халқ дostonлари ғоявий мотивларига таянганлигини осонликча сезиб оламиз.

Юқорида кўриб ўтганимиз уч асосий манба фалсафий-дидактик дoston жанрининг юзага келишида энг муҳим омиллар сифатида хизмат қилган. Ушбу манбаларсиз «Қутадғу билиг»дек фалсафий-дидактик дostonнинг бунёдга келиши мумкин эмас эди.

### **Жанрнинг специфик хусусиятлари**

Биз «Қутадғу билиг»ни фалсафий-дидактик дostonчиликнинг илк намунаси деб баҳолар эканмиз, унинг

бошқа дostonлардан қандай фарқи борлигига ҳам этибор беришимиз лозим.

Маълумки, адабиётшунослигимизда фольклор ва китобий дostonларни ғоявий мотивлар жиҳатидан ҳозирга қадар икки катта гуруҳга — ишқий-саргузашт дostonлари ҳамда ишқий-қаҳрамонлик дostonларига ажратиб, текширилиб, ўрганилиб, таҳлил қилиниб келинмоқда. Демак, бундай дostonларда бадий сюжетга асос бўлган воқеа этибори билан ишқий-саргузашт («Равшанхон», «Муродхон», «Маликаи айёр», «Зулфизор», «Орзигул»), ёхуд ишқий-қаҳрамонлик («Алпомиш», «Рустамхон», «Ойсулув», «Гўрўғли» циклига кирган кўпгина дostonлар) йўналишидангина иборат бўлади.

«Қутадғу билиг» асаридаги сюжет ва унда кўтарилган проблемалар кўлами ҳамда ғоявий мотивлар юқоридаги ҳар иккала турдаги дostonлардан кескин фарқ қилади. У адабий асар бадий адабиётнинг нодир намунаси бўлганлигидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасига жавоб топиш мумкин. Тўғри, унда лиризм намуналари ҳам (Буғрохон мадҳи, баҳор таърифи, ўз узрини айтиш, қарилikka ачиниш ва бошқалар), драма элементлари ҳам бор. Лекин у том маъноси билан дидактик асар, таълим-тарбия ва одоб-ахлоққа оид асардир.

«Қутадғу билиг» тематик кўлами жиҳатидан ҳаётнинг ўзи қадар кенг ва мураккаб бўлганлигидан специфик хусусияти билан бошқа дostonлардан фарқланиб туради. «Қутадғу билиг»нинг бошқа дostonлардан фарқ килувчи ўзига хос ана шу хусусияти фалсафий-дидактик дoston жанригагина хос бўлган иккинчи бир хусусиятни ҳам келтириб чиқаради. Маълумки, халқ оғзаки дostonларида маълум бир проблема (масалан, «Равшанхон» дostonида муҳаббат мавзуи ўртага қўйилиб, ана шу проблема бош қаҳрамоннинг саргузаштлари орқали) ёритилади. «Қутадғу билиг»да эса бирданига тўртта асосий проблема ўртага ташланади. Дostonда қўйилган ана шу улкан тўрт проблема, тўртта мажозий образ қиёфасида берилади, буларнинг биринчиси адолат, иккинчиси — давлат, учинчиси — ақл, тўртинчиси — қаноат. Дostonдаги бутун воқеалар ана шу тўрт мажозий образнинг ўзаро суҳбатлари, баҳс ва мунозаралари орқали берилади. Демак, дostonнинг сюжет тўқимаси ҳам ундаги проблематик кўламга қараб, бошқача тус олади. Шундан бўлса керакки, йирик адабиётшунос олим Н. Н. Маллаев «Қутадғу билиг»нинг сюжети ҳақида қуйидагича хулосага келади: «Воқеалар дostonда



схематик характерда тасвирланган бўлиб, у қўйилган масалаларни ёритиш ва ҳал этиш учун асос бўла олмайди. Масалалар воқеанинг ўзида, қаҳрамонларнинг саргузашти ва фаолиятида эмас, балки турли хилдаги суҳбат ва мунозараларда баён этилади. Шунинг натижасида «Қутадғу билиг»да эпик тасвир масалаларни бир-бирига боғлаш ва ривожлантириш учун деярли бир восита бўлиб қолган, холос.

Шундай қилиб, «Қутадғу билиг»да қўйилган масалалар бевосита воқеанинг ўзида, қаҳрамонларнинг саргузаштида эмас, балки панд-насихат, суҳбат, мунозара ва савол-жавобларда ўз ифодасини топади»<sup>21</sup>.

«Қутадғу билиг»нинг сюжет тўқимасига нисбатан Н. Н. Маллаев томонидан қўйилган айблар билан келишиб бўлмайди. Чунки воқеалар тасвиридаги схематик бўлиб кўринган тўрт мажозий образлар муносабати ҳамда тасвир меъёри, қўлланилган услуби фалсафий-дидактик дostonчиликнинг бунёдга келиши муносабати билан биринчи мартаба қўлланилаётган кашфиёт тарзида изоҳланиши лозим. Ҳар қандай кашфиёт ҳам дастлаб пайдо бўлган даврида бир оз эришроқ, қусурлидай туюлади. Шунинг учун ҳам у бирданга ҳазм бўлиб кетавермайди. Шу боисдан бўлса керакки, Н. Маллаев дostonдаги воқеалар тасвирида бошқа дostonлардагига нисбатан схематик ҳолатни кўради. Кўтарилган масалаларнинг янгича бадий ҳал қилиб берилишини нуқсон деб ҳисоблайди. «Масалалар воқеанинг ўзида, қаҳрамонларнинг саргузашти ва фаолиятида эмас, балки турли хилдаги суҳбат ва мунозараларда баён этилади»<sup>22</sup>,— деб таажжубланади олим. У «Қутадғу билиг»даги эпик тасвирнинг ўзига хос томонларини, яъни фалсафий-дидактик дoston жанри эҳтиёжлари талаби билан боғлиқ томонларини эътиборга олмайди. Кейинчалик у «Қутадғу билиг» типигаги бошқа асарларга ҳам назар ташлаб кўргач, бу ҳолат фақат «Қутадғу билиг»гагина эмас, балки бошқа кўпчилик дидактик-бадий асарларга ҳам хосдир, «Қутадғу билиг»нинг ҳар бир боби (ёки бўлими) махсус бир масалага бағишланади, боблар ғоявий мазмуни билан ўзаро боғланиб боради, бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради»<sup>23</sup>,— деб иқрор бўлади ва ўзининг юқоридаги фикрини инкор этади.

<sup>21</sup> Маллаев Н. М. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1965, 116—117-бетлар.

<sup>22</sup> Уша асар, 117-бет

<sup>23</sup> Уша жойда.

Шуниси борки, ҳар бир янги жанрнинг бунёдга келиши бадий шаклнинг барча компонентларида туб ўзгаришлар содир бўлишини тақозо этади. «Қутадғу билиг»нинг бунёдга келиши дostonчиликдаги бадий шаклнинг тематик кўламида, сюжет йўналишидагина эмас, балки бадий асарнинг марказий компонентларидан бири бўлган комплекс кашфиётида ҳам янгича бир йўлнинг содир бўлишини тақозо этган.

«Қутадғу билиг»га қадар бўлган халқ дostonчилигида маълум бир бош конфликт мавжуд бўлиб, турлитуман зиддиятли шаҳобчалар ҳам ана шу бош конфликтга келиб бирлашар эди. Масалан, «Алпомиш»даги бош конфликт Барчиной шартлари туфайли, Алпомиш ва қалмоқ алплари ўртасидаги кескин тўқнашувлардан ташкил топган бўлса, Алпомишнинг йўқлиги туфайли Қалдирғоч ва Ултонтоз ўртасидаги, Қоражон ва унинг акалари ўртасидаги қарама-қаршиликлар конфликтнинг ёрдамчи шаҳобчалари бўлиб, оқибатда Алпомиш тақдирига у ёки бу даражада боғланади.

«Қутадғу билиг»да эса конфликтнинг ана шу хилдаги тан олинган ва ижодкорлар томонидан қўлланиб келаётган тури мавжуд эмас. Бироқ бу деган сўз унда умуман конфликтдан ном-нишон йўқ, деган хулосага олиб келмайди. Бизнинг тасаввуримизда дoston сюжетига қўйилган зиддиятлар, тўқнашувлар автор шахси, баъзан тўрт мажозий образнинг ўзаро баҳс ва мунозаралари орқали ҳал этиб борилади. Биз муаллифнинг симпатияси кимларда эканини ва антипатияси кимларга қаратилганини воқеаларнинг эпик тасвиридан билиб борамиз. Ана шу фазилат образларни икки гуруҳга — ижобий ва салбийга ажратиб ташловчи конфликт ўрнини босади.

Конфликтдаги бундай жиддий ўзгариш образлар силсиласидаги тартибда ҳам айрим ўзгаришларни келтириб чиқарган, шоирнинг бош нияти панд-насиҳат бўлганлиги учун ҳам асосий образларни икки гуруҳ — ижобий ва салбийларга бўлиб ташламайди. Балки уларнинг барчасини ибрат ва ўрناق олса арзийдиган идеал шахслар қиёфасида тасвирлайди. Биз китобнинг насрий муқаддимасида қуйидагиларни ўқиймиз: «Бу китоб шулар билан қадрлидир; Бири — адл, иккинчиси — давлат, учинчиси — ақл, тўртинчиси — қаноат; яна (буларнинг) ҳар бирига туркча бир ном берибди. Адлга Кунтуғди элиг номини бериб, подшо лавозимида тутибди, давлатга Ойтўлди номини бериб, вазир лавозимига

қўйибди, ақлга (эса) Угдулмиш номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди, қаноатга Ўзгурмиш номини бериб, (Угдулмишнинг) қариндоши деб айтибди. Шунингдек, улар орасида мунозара савол-жавоби бўлиб ўтгани тарзида ҳикоя қилибди. Уқувчи кўнгли очилиб мусаннифни эзгу дуолар билан ёд қилсин...»<sup>24</sup>.

Юқоридаги мулоҳазаларда қалам соҳибининг асар яратишдаги мақсади, аниқроғи, бош ижодий нияти кўзга яққол ташланиб турибди. Тўрттала образнинг ҳам инсоният идеали сифатида тақдим этилиши, энг аввало, донишманд файласуф адибнинг дунёқараши эстетик идеали билан боғлиқ бўлганидек, фалсафий-дидактик дoston жанрининг специфик хусусиятлари билан ҳам изоҳлашни талаб қилади, чунки мутафаккир сиймо ўз асарида эзгулик ва яхшилиқни биринчи планга кўтаради, ёмонликни эса онгли равишда уларнинг соясида қолдиради. Унинг эстетик идеали, бутун орзумидлари феодал ҳукмдорларга бориб боғланади. Унинг тасаввурича, жамият тараққиёти ҳам, унда яхшилик ва ёмонликнинг авж олиши ҳам ҳукмдорларга боғлиқ. Бундай фалсафий қарашнинг ўз даври учун прогрессив аҳамияти бор эди, албатта. Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг мутафаккири сифатида майдонга чиқиб, феодал жамият эҳтиёжини қондирувчи янги типдаги асар яратар экан, ҳукмрон идеология бўлган диний қобиқларни ёриб чиқиб кетолмайди. Унинг тасаввурича, Бек давлатнинг ягона ҳукмдори, унинг амр-иродаси барча учун қонундир. Беклик мансабига эришган киши — бехосият киши эмас, балки у илоҳий қудрат ҳоҳиши билан дунёга келган сиймодир:

Байат кимки берса бу бағлик иши  
Бэрур ўг кўнгул кўр ул ишка туши.  
Кими бағ турутмак тиласа байат,  
Барур ашну қилқ йанг укуш йуг қаноат<sup>25</sup>.

Мазмуни: Байэт худо кимга беклик вазифасина берса, аввал унга ҳарчоқ фаҳм идрок ва иш асосларини бахш этади. Худо кимни бек қилмоқчи бўлса аввал қушга пат-қанот берганидек, хулқ-атвор ва ақл-фаҳм баишлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафаси, яъни диний эътиқоди шунга қаратилганки, худо бирор кишини Бек қил-

<sup>24</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, 1971, 49-бет.

<sup>25</sup> Уша асар, 328-бет.

моқчи бўлса, энг аввал унга беглик сифатлари ва фази-латларини ато қилар эмиш.

Юсуф Хос Ҳожиб бу ўринда феодал ҳукмдорларни романтик бўёқлар бериб идеаллаштиради, тўғрироғи, илоҳийлаштиради.

«Қутадғу билиг»да тематик кўлам, сюжет йўналиши, конфликт кашфиёти, образлар силсиласидан ташқари автор образи проблемаси ҳам мавжуддирки, буларнинг барчаси бирикиб, фалсафий-дидактик дoston жанрининг бошқа дostonлардан фарқини кўрсатувчи ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Биз шулардан яна иккитасини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

### **Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратишдаги маҳорати**

Туркий халқларнинг биринчи фалсафий-дидактик дostonи «Қутадғу билиг»да образ яратиш йўллари ва усуллари ҳозирги дostonчиликка нисбатан жиддий фарқ қилади. Бу фарқлар эса, асосан қуйидагилардан иборатдир.

Биринчидан, муаллиф ерда ҳаётнинг ва инсоннинг пайдо бўлишини илоҳий кучга олиб бориб боғлайди, шу билан жамиятдаги барча яхшиликлар учун унга сажда қилишни тарғиб этади. Бироқ у реал инсон образини яратишга киришар экан, дунёвий ҳаётий масалаларда тирикчилик ўтказиш, яшаш учун кураш жараёнларини тарғиб қилувчи ўринларда дунёвий тадбирларни диний эътиқодларга қурбон қилиб юбормасликка чақиради. Биз учун бадий образлар кашфиётидаги ана шу сўнгги томонлар ўз моҳияти эътибори билан қадр-қимматлидир.

Иккинчидан, 73 фаслдан таркиб топган композицион бирликдаги ўн бир бобдан иборат дебочада ҳам Қорахонга бағишланган мадҳияда, асосан етти қавоқиб ва ўн икки бурж, тилнинг осиф хислатлари — фойда ва зарари ҳақида китоб эгасининг узри, эзгулик, билим ва ўқув фойдаси, китоб отининг тузуги, яъни китоб қаҳрамонларига ном берилиши ва қариликдан ўкиниш эпизодларида бадий образлар сиймоси ва фаолияти орқали акс этирилиши лозим бўлган ғоявий негизлар белгилаб олинадики, буни биринчи фалсафий-дидактик дoston муаллифи Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиёти деб изоҳлаш лозим. Бизнинг тасаввуримизда ана шу дастлабки ўн бир боб мутафаккир томонидан образ яратиш учун қатъий белгилаб олинган бир меъёр, кенгайтирилиши лозим бўлган ғоявий асос, бадий образ

қиёфаси, фаолияти, қилиқлари, қилмиш-қидирмишлари учун ўлчов ва дастуруламал сифатида яратилгандир. Ана шу ўн бир бобда айтилган фалсафий фикрлар кейинчалик у ёки бу образнинг реал ҳаётга муносабати, фаолияти орқали берилади. Худди шу йўл билан яхшилик ва эзгулик улуғланади, ёмонлик ва пасткашлик қораланади.

Учинчидан, образ яратишда қиёслаш усули кенг қўлланилади, табиат сирларига муқояса тарзида инсон характери очиб берилади. Кунтуғди, Ойтўлди образларининг яратилиш жараёни шундан далолат беради.

Тўртинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб бадийий образ кашфиётида жумбоқ усулидан ҳам кенг фойдаланади. Бу усул воқеалар драматизмини бунёдга келтириб, таъсирчанликни оширади. Кунтуғди ва Ойтўлдилар орасида юз берган жиддий тўқнашиш ва бир-бирини синаш пайтларидаги копток, дори, ханжар, ой, кун кабилар билан боғлиқ бўлган эпизодларда жумбоқ усули жуда аниқ кўзга ташланади.

Бешинчидан, дostonда мақоллардан унумли фойдаланиш ва уларни конкрет инсон фаолияти билан пайвандлаш йўли билан ҳам образлар яратилади. Бундай ўринларда панд-насихат биринчи планга кўтарилиб, у жамиятдаги яхшилик ва ёмонликнинг сир-асрорларини ҳикоя қилиб бериш фонида кўрсатилади. Масалан, Ойтўлдининг ўз ўғли Угдулмишга турмуш ҳақида берган сабоқлари акс эттирилган эпизод ана шундай фазилятга эга.

Олтинчидан дostonда савол-жавоб санъати образ яратишнинг муҳим омилларидан бири сифатида қўлланилади. Кунтуғди ва Ойтўлди ҳамда Кунтуғди ва Угдулмиш ораларидаги савол-жавобда дostonдаги фалсафий проблемалар ҳал этилади, шунингдек, шу жараёнда савол-жавобга киришувчиларнинг сиймолари бутун мураккабликлари билан аста-секин очила боради. Саволда қўйилган ҳаётний-фалсафий проблемалар жавобда ечиб берилади.

Еттинчидан, «Қутадғу билиг»даги савол-жавоб усули фалсафий-дидактик дostonчиликда бадийий образ яратишнинг яна бир усулини келтириб чиқарадики, бу усул кўпроқ ўзбек халқ эртақчилиги услубига яқин туради. Савол-жавобда иштирок этувчи томонлардан бири, яъни жавоб берувчи шахс гўё ҳаётний-маиший эртақларнинг айтиувчиси қиёфасига киради. У саволда жумбоқ шаклида ўртага ташланган фалсафий муаммони ечиш мақсадида турмуш тажрибасига бой бўлган

кишининг саргузаштларини ҳикоя қилиб беради. Масалан, Угдулмишнинг ҳаёти, обрўйи, шон-шухрати ҳикоя қилинган ўринлар бунга далил бўла олади.

Юқоридаги усулларнинг барчасига алоқадор бўлган ғоявий асослар ўн бир бобдан иборат бўлган дебочада қатъий белгилаб олинган дostonнинг тўрт асосий қаҳрамони образи кашфиётида унумли қўлланилган. Дostonнинг қимматли томонларидан яна бири шундаки, унда яратилган мажозий образлар фаолиятларидан диннинг ўзи ҳам дунёдан воз кечишни тақозо қилмайди, деган таълимий мантиқ келтириб чиқарилади. Дostonнинг дебочасидаги қўйидаги мисралар шундан гувоҳлик беради:

Олам халқи қишлоқ, шаҳарни қўйиб,  
Туриб, тоққа чиқса, оғир юк чекиб.  
Бузулгай олам, барча қолгай қуруғ  
Одам боласидан кесилгай уруғ<sup>26</sup>.

Ёки:

Ёмон деса бўлмас бу дунё молин,  
Ёса, берса халққа, ёритса юзин<sup>27</sup>.

Мана шу мантиқ Кунтуғди ва Ойтўлди образларининг ғоявий асосини ташкил қилади. Уларнинг ҳеч бири қуруқ тоат-ибодатга берилиб, реал дунё лаззатларидан воз кечмайди. Тирикчилик ўтказиш, яшаш учун тинимсиз кураш олиб бориш, эзгу хулқ, инсоний фазилатлар билан мақсадга етишга, иззат-эътиборга эга бўлишга интиладилар ҳамда мамлакатни осойишта, фаровон, халқни эса мамнун ва шод қилиш тадбирларини излайдилар. Файласуф-шоир бу образларни ибрат қилиб кўрсатиб, дунё ишларининг барчасидан огоҳ бўлишга кишиларни ундайди. Бунинг учун эса ўзи яратган образлар фаолияти намунасида одамларни билим ва заковатли бўлишга, билимнинг билимсизга қарама-қарши қўйиб, улар фарқини очиб беришга интиладилар:

Уқувдир чироғдек қоронғи туни  
Билимдир ёруғлик, ёритгай сени.  
Уқув қадр қиммат учундир кафил,  
Уқувсиз киши бир ҳовучча енгил,  
Билимни буюк бил, уқувни чуқур,  
Бу иккиси бирла киши улғаюр.  
Уқувни уқар ҳам билимли билар,  
Билимми, уқувли тилакка етар.  
Билимсиз киши барча дардли бўлар,

<sup>26</sup> Уша асар, 26—27-бетлар.

<sup>27</sup> Уша асар, 27-бет.

Бу дардга даво қилмаса, у ўлар.  
Кел эй нодон, изла бу дардга даво,  
Билимсиз, тубандир, қадрли — доно.  
Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,  
Билим кимда бўлса, буюклик олар.  
Билимсиз, кишилар бўлар кўр мисол,  
Билимсиз, билимдаг келиб ҳисса ол.  
Ҳамма хайрли ишлар билим нафидур,  
Билим ҳатто осмон сари йўл очур<sup>28</sup>.

Файласуф-шоир билим ва заковат қадрини таъриф ва тавсиф қилар экан, кишиларни икки гуруҳга — доно ва жоҳилларга ажратади, доноларни зар қадрини билувчи заргарларга, жоҳилларни эса телбаларга менгзайди. Элу юртни буларнинг биринчисидан ибрат олишга, иккинчисидан эса халос бўлишга чақиради. У дунёни билиш, тушуниш ва ундан фойдаланиш мумкин, деб таълим беради. Билим ва заковатли бўлишнинг асосий калити тил эканлигини, тил туфайли ҳар бир инсон ўз илми, ақл-идроки ва заковатини сайқал топтирилишини жуда аниқ тасвирлаб беради. Тилнинг кадр-қимматини, улуғлик томон элтувчи йўлларини, шунингдек манфий томонларини ҳам очиб беради:

Заковат, билимга калитдир бу тил,  
Еритгувчи эрни, равон тилни бил.  
Кишини тил улуғлар, топар кут киши,  
Киши тили тубандир, ёрилар боши.  
Киши сўзла улғайди, бўлди малик,  
Талай бошни сўз қилди ерга эгик.  
Билимли сўзни сен эшит, озлама,  
Сўрамасдан олдин сўзинг сўзлама.  
Талай сўзлама сўз, бир оз сўзла оз,  
Талай сўз чигалин шу оз сўзда ёз<sup>29</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб дostonдаги тўртта асосий қаҳрамон образини яратар экан, уларни курашчанлик руҳи билан суғоришга, билим, заковат, рўшнолик ва улуғлик фазилатлари билан зийнатлантиришга, идеал шахс даражасига кўтаришга қатъий киришади ва ўзининг бу ижодий ниятини бадиий образлар орқали мужассамлаштира олади.

Зотан, Юсуф Хос Ҳожибнинг китоб яратишдан асосий мақсади ҳам ёмонликнинг уруғини қуритишга интилиш, эзгуликнинг тантанасига йўл очишдан иборатдир. У ҳаётга анча объектив қарайди. У «Отанинг ўрни оти ўғлига қолади», деган қондага амал қилади ва «мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, китоб ёзил-

<sup>28</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 102—111-бетлар.

<sup>29</sup> Уша асар, 86—90-бетлар.

са-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади»,— деб қатъий ишонтиради, унинг инсон ҳақидаги фалсафий қараши қуйидагича:

Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади,  
Сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмайсан.  
Киши ўзи икки нарса туфайли қармайди,  
Бир — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.

Шоирнинг фалсафий таълимотига кўра, қилич билан шуғулланиш халқни тўздиради. Қалам билан шуғулланиш йўл-йўриқлар тузади. У ўз дostonида Кўсамиш, Хос Ҳожиб каби реал образларни яратар экан, уларни ғазабни ўзидан узоқ тутадиган заковатли яхши кишилар қилиб тасвирлайди. Улар шоир қалами туфайли билимли, яхши, мулойим, хушфеъл, барча ишда ўзини тута биладиган, барча ишларни пишиқ, тугал қила оладиган қиёфада ўқувчи кўз ўнгида гавдаланадилар. Шоир томонидан яратилган мажозий образлар инсонни бeбурд қиладиган, бузадиган бир қатор нарсалардан ҳазар қиладилар. Булардан бири — ёлғон гапириш, иккинчиси — ўз сўзининг устидан чиқмаслик, учинчиси — ичкиликка мойилликдир. Булар шубҳасиз инсон умрини эговловчи, уни зое кетказувчи душман феъллардир.

Ушбу тарзда муқояса қилиш дostonда образ яратишнинг асосий усуллариандир. Бош қахрамонлар — Кунтуғди ва Ойтўлдиларнинг образлари китобнинг дастлабки саҳифаларида ана шу усул билан яратилади. Элиг (подшоҳ) бир куни ёлғизликда ўтириб Ойтўлдини ҳузурига чақиртиради. Ойтўлди кириб унинг қаршисида тик туради ва рухсат бергач, ўзи билан бирга олиб келган тўп (копток)ни остига қўйиб унга рўбарў ўтиради. Элигнинг турли-туман билимлар соҳасидан берган саволларига Ойтўлди донишмандлик билан жавоб қайтаради. Элиг севиниб чеҳраси очилса, Ойтўлди кўзларини юмиб олади. Элиг сўздан тўхтаб сукутга чўмгач, Ойтўлди ҳам кўзини юмиб, ҳеч бир очмасликка ҳаракат қиладди. Элигнинг саволларига жавоб бера туриб, юзини ўгириб олади ва қаҳрли қиёфага киради. Унинг бундай ўзгаришини кузатиб турган Элиг Ойтўлдининг қилиқларидан ғазабланади ва ўзини шошқалоқликда айблайди. Шундан сўнг Ойтўлди ўзининг намойиш қилган одатларини қуйидагича изоҳлайди:

«Сен ўрин бердинг, аввалига мен ўлтирмадим,  
Чунки менга ўрин йўқ, сен буни тушуниб ол, демоқчи бўлдим.  
Ерга тўп (копток) қўйишимда шу мазмуннинг сирин бор эдики,  
Ўзимнинг нимага ўхшашлигимни сенга кўрсатмоқчи эдим.



Тўп (копток бир беқарор) ўринсиз думалаб юргани каби,  
 Мен (яъни давлат) ҳам унинг каби (ўринсиз) кезаман.  
 Илтифот билан боққанингда кўзимни юганим (сабаби),  
 Сенга ўзимни қандайлигимни кўрсатмоқчи эдим.  
 Бу кунларда мен (яъни давлат) ҳам бир кўр киши кабилан,  
 Ким менга илашиб қолса, унга қаттиқ ёпишиб оламан.  
 Сен яна сўзладинг, мен ҳам сўзладим,  
 Сен илтифот билан боққач, мен юзимни яширдим.  
 (Бу билан) мен сенга ўз қилиқларимни кўрсатдим,  
 Менинг барча қилмишларим жафо, менга ишонма дедим.  
 Энди (бу туркча масални эшитгин, (унда) нима дейди,  
 Ўз бошидан кечирган оқсоқол (ёши улуғ киши):  
 (Эй) бахтли киши, бахт ва давлатга қувонма,  
 (Эй) номдор киши, бахт, давлат билан бўлиб ўзинг

фафлатда қолма.

Оқар сув, равон тил, бахт-давлат бу ерда турмайди,  
 Жаҳон кезувчилар юриб тинмайди.

Бахт — давлат ишончсиз, бевафо, қўнимсиздир, юриб кетаётиб тўсатдан учади, унинг оёғи тойғончиқдир»<sup>30</sup>.

Достонда мажозий маънода яратилган Ойтўлди ва Кунтуғди образларининг характерли томонлари табиат сирларига муқояса тарзида бирин-кетин очила боради. Ойтўлдининг номи Ойга нисбат берилиб, мажозий маънода олингандир. Чунки ой амалда дастлаб жуда кичик туғилади, сўнг кундан-кунга улғаяди, юқори кўтариллади. Ой тўлишгач, оламни ёритади, жаҳон халқи ундан рўшнолик топади. Ой тугал тўлишиб энг баландликка кўтарилгач, ёруғлиги камая боради ва йўқ бўлади. Худди шунга қиёсан кишига ҳам бахт келади, оти, шуҳрати ортади, бора-бора у қарийди ва вафот этади. Мажозий маънода олинган Элиг, вазири Ойтўлди орқали ана шу типдаги фалсафий тушунча китобхонларга ибрат тарзида баён қилинади.

Кунтуғди образи ҳам табиат соҳасининг улкан ҳодисаси — қуёшга нисбатан қиёсий равишда яратилган. Унинг низом-қоидалари ҳам қуёш умридек абадий, феъли ва муомаласи ҳам барча халқ учун бирдек. Қуёш чиқиб, ерга иссиқлик бериб ерда минг турли гуллар очилтирганидек, Элигнинг адолатли бўлиши ҳам элни яшнатади. Ана шу қиёсий услуб, биринчидан, образнинг мукамал чиқиши учун бир восита бўлган бўлса, иккинчидан табиат, жамият сирларини китобхонлар кўзи ўнгида очиқ-ойдин гавдалантирувчи фалсафий-дидактик достон жанрининг ўзигагина хос бўлган хусусиятларидан биридир.

Халқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган жумбоқли муносабат усулидан Юсуф Хос Ҳожиб Кун-

<sup>30</sup> Уша асар, 155-бет.

туғди образини яратишда баракали фойдаланган. Элиг уч оёқли олтин курсига ўтириб, қўлига ханжар ушлаб чап ёнига захар ва ўнг томонига шакар қўйиб Ойтўлдини қабул қилганида у бундай жумбоқли ҳолатдан таажжубга тушиб унинг маъносини ечиб беришни илтимос қилади. Шунда Элиг бундай жумбоқли ҳолатни қуйидагича изоҳлайди:

«Мен устига ўлтирган бу курсининг оёғи учтадир, кўргил,  
эй кўнгил тўқим,

Барча уч оёқли нарса силжимас бўлади.  
Ҳар учаласи (поялари) баробар, қимирламайдиган бўлади.  
Агар учала поядан бирортаси оғса, силжиса  
Қолган иккаласи ҳам силжийди, у курси йиқилади.

Менинг қилиқларимни кўргин, у оғмас, тўғридир,  
Хоҳ тўғри, хоҳ эгри бўлсин, ҳукм чиқариш пайтида  
Ишни адолат юзасидан ҳал қиламан,  
Бег (сифат) ёки қул (сифат) кишиларни ажратиб, фарқлаб  
ўтирмайман.

Мен қўлимда тутиб турган ханжар (сифат) пичоқ эса,  
Қирқувчи ва кесувчи бир нарсадир, эй униб-ўсувчи,  
Пичоқдек кесаман, ишларни бичиб ташлайман,  
Даъво — туҳмат қилувчи кишининг (ишини) узотиб, чўзиб  
ўтирмайман.

Шакарни шу киши ейдики, унга мобода зўрлик — зулм ўтган  
бўлса,

Ва даргоҳимга келиб мендан ҳақ — адолат топса.  
У киши шакардек чучук бўлиб (яъни шод бўлиб) кетади,  
Севингча тўлади ва хурсанд бўлади.  
Уроғун (бир хил дори)ни шундай киши(лар) ичадики,  
Унинг ўзи зўравон — золим ва тўғриликдан қочадиган бўлса.  
Жанжаллашиб менга келса, мен ҳукм қилсам,  
Менинг назаримга тушса, уроғун ичгандек ачийди (яъни азият  
чекади).

Бу қовоғимни солнқлиги, бу кўркисизлигим, зўравонлик  
айловчиларга менинг юз хотир қилмаслигимнинг рамзидир.  
Хоҳ ўғлим бўлсин, хоҳ йироқ, хоҳ яқин кишим бўлсин,  
Хоҳ чақмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин,  
Адолат борасида ҳар иккаласи мен учун бирдек,  
Ҳукм буюришда улар мени ўзгача кўрмайди»<sup>31</sup>.

Кўриб турганимиздек, мақоллар, савол-жавобли усуллар сингари жумбоқли ҳолат яратиш ва уни ечиб бериш усули ҳам бадий образ кашфиётида унумли ва ўринли қўлланилган. «Қутадғу билиг»да юқорида кўриб ўтганларимиз етти усулнинг барчаси бирикиб, фалсафий-дидактик дoston жанрини ҳамда шу жанрга хос бўлган образлар яратиш санъатини юзага келтирганки, бунда файласуф-шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратишдаги маҳорати, новаторлиги бутун борлиғи билан кўзга яққол ташланиб туради.

<sup>31</sup> Уша асар, 173—175-бетлар.

## Шарқ фалсафаси ва автор образи

«Ўрта Осиё халқлари, хусусан IX—XV асрларда дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олди. Ўрта аср фани, маданияти Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Жомий, Низомий каби улуг сиймолар, қомусий ақл эгаларининг номлари билан тилга олинади. Улар ўша давр маданиятининг чўққилари эдилар. Бу чўққиларсиз ўрта асрдаги маданий кўтарилишни, маданий ютуқларни тилга олиш, тасаввур этиш мумкин эмас. ...Бу даврда маданият, санъат, илм-фан равнақ топди. Феодал зулми, ислом диний ақидалари ҳукмрон бўлган шароитда чақмоқдек ярқираб ўтган бу давр инсоният маънавий маданияти тарихида муҳим роль ўйнади. У қадимги Шарқ ва Греция маданияти, Европадаги Уйғониш ва янги давр маданиятини бир-бирига боғловчи, ўртадаги узвийлик, ворисликни сақлаб, белгилаб берувчи давр бўлиб хизмат қилди<sup>32</sup>.

Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Кошғарий, Ибн Синолар фалсафасининг вориси бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида ўз салафларининг фалсафий тафаккурлари ўчмас из қолдирди. Дунёни тушуниш ва тушунтиришда Юсуф Хос Ҳожиб уларнинг таълимотларига таянади. Моддий дунёнинг яратилишини руҳий кучга боғлагани ҳолда унинг объектив қонуниятларини эътироф қилади. Унинг бу хилдаги фалсафий дунёқарashi «Қутадғу билиг» достонининг бутун сюжет йўналиши давомида кўзга ташланиб туради. Файласуф шоир «Етти планета ва ўн икки бурж» ҳақида гапирар экан, олам ва ундаги барча жонли-жонсиз мавжудот худо томонидан яратилганини қайд қилгани ҳолда, борлиқнинг доим ҳаракатда эканлигини, жумладан, планета ва юлдузлар доим айланиб туришини, бир-бирларига рўбарў келишини, бири юқори, бошқа бири пастроқ масофада ҳаракатланишини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Яратди фалакни доим айланар,  
У бирла бу чарҳ ҳам доим тебранар.  
Яратди яшил кўкни юлдуз билан,  
Қора тун яратди у кундуз билан.  
Баланд баъзилари ва паст баъзиси,  
Еруқ баъзилари ва суст баъзиси.  
Булардан энг устда Секантир юрар,

<sup>32</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Тошкент, 1971, 7-бет.

Бир уйда ики йил, сакиз ой қолар.  
Бўлиб келди иккинчи сўнгра Унгой  
Бир уйда қолар ўн яна икки ой\*.

Шуниси аниқки, ўз даврининг барча билимларидан хабардор бўлган мутафаккир шоир, ўз салафларининг фалсафий қарашларисиз бундай прогрессив хулосаларга келиши мушкул бўлар эди, албатта. Шу боисдан ҳам у ўз асарида олимларга жуда ҳурмат билан ёндошиб, улар илмини эъзозлашни тарғиб қилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг таъбирича, олимлар шуҳрати то дунё тургунга қадар абадий, чунки уларнинг билимлари инсониятнинг йўлини ва дилини ёритади. Бундай донишмандларнинг таълимотлари эса, кишиларга фойда ва зарарни, тўғрилиқ ва эгриликни, яроқли ва яроқсизни фарқлаб бериш фазилатларига эга. Умуман тирикчилик учун, тараққиёт учун олимларнинг инсонлар орасида яшамоғи ва уларга йўлбошчилик қилмоқлари даркор. Бунингсиз ҳаётнинг илгарилаши мумкин эмас. Чунки:

Йўқ эса жаҳонда гар олим, доно,  
Экиб унмағай эрди ерда дона.  
Уларни жуда сев, қадрла сўзин,  
Билимларин ўрган, кўпин ё озин.  
Улар илми халққа бўлади чироқ,  
Чироқ ёнса, тунда адашмас аёқ.  
Улар илми келгай жуда сенга қўл,  
Ҳақиқатга етсанг, этиб турса йўл<sup>33</sup>.

«Қутадғу билиг»ни нашрга тайёрлаган ва унга кириш сўз ёзган таниқли олим Қ. Каримов фалсафий-дидактик дoston муаллифининг таълимоти тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Унинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси келишувчиликдир. У амалдорларни ўзидан бир табақа паст бўлганларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ҳамда бир табақа пастларни ўзидан бир табақа юқори турганларга муте, садоқатли бўлишга ва шу туфайли орзу қилинган ширин ҳаётга эришишга даъват қилади. Ижтимоий тенгсизликни бу йўл билан бартираф қилиб бўлмасликни тушунмаслик унинг ҳаёт фалсафасидаги камчилиги эди. Лекин яланғоч, бева-бечоралар ҳаётини кўриб, уларга ачиниб амалдорларни уларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ундайди<sup>34</sup>.

Юқоридаги баҳони тўла маъноси билан объектив баҳо деб бўлмайди. Тўғри, Юсуф Хос Ҳожибда тенден-

\* Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 31—32-бетлар.

<sup>33</sup> Уша асар, 32—33-бетлар.

<sup>34</sup> Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида, 25-бет.

циозлик аломатлари гоҳо-гоҳо кўзга ташланиб қолади, у ижтимоий тенгсизликнинг туб оқибатларини тушуна олмайди ва натижада ҳукмрон синф идеологи сифатида майдонга чиқади. Бироқ бу нуқсонларни Қ. Қаримов айтганидек, Юсуф Хос Ҳожибнинг «ҳаёт фалсафасидаги камчилиги» деб эмас давр, ижтимоий тафаккурнинг камчилиги сифатида изоҳлансагина тўғрироқ бўлади.

Агар биз «Қутадғу билиг»даги автор образига, унинг биринчи фалсафий-дидактик дoston жанрини юзага келтиришдаги ўрни ва салмоғига чуқурроқ назар ташласак назаримизда унинг сиймоси янада улканлашиб кетади, образни эса, фалсафий-дидактик дoston учун нақадар зарурлигини, композицион қурилишни кристаллаштирувчи асос эканлигини англаб етамиз. Дostonда ўртага қўйилган бирор проблема йўқки, авторнинг иштирокисиз, актив муносабатисиз бадий, ҳаққоний ҳал этилган бўлсин. Демак, автор шахси дoston сюжети йўналишини бир марказга йиғувчи манъавий ўқдирким, бусиз фалсафий-дидактик дoston жанрининг юзага келиши мумкин эмас эди. Биз дoston саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, XI асрдаёқ шоирнинг бошбошдоқликка қарши қатъий қонун-қоидалар жорий этиш тарафдори эканлиги ва феодал истибдодига нисбатан бирмунча танқидий ёндошганлигини кўриб, ҳайратланамиз. Дostonда автор образининг актив иштироки туфайли «Қутадғу билиг» XI асрдаги Қорахонийлар даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисида кенг ва муфассал маълумот берувчи асар даражасига кўтарилганлиги айни ҳақиқатдир. Чунончи унда Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида шаҳар ва қишлоқ халқини, ўтроқ ва кўчманчи аҳолини ижтимоий тақабаларга ажратади, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар савдогарлар, олимлар, элчилар, қўшин бошлиқлари, мунажжимлар, туш таъбир қилувчилар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳамда ўзаро алоқаларини баён этади, бурч ва вазифа, юриш-туриш ва хулқ-атвор ҳақида ўғит беради, турли касб-корларга, хусусан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка доир жуда бой сўз ва терминларни ишлатади.

Шунингдек, у ижтимоий табақаларга ҳам, давлат ҳокимиятига ёндошганидек, бир томондан жамиятнинг тараққиёти, хўжаликнинг ривожини нуқтаи назаридан ёндошса, иккинчи томондан ўз даврининг етук билимдони сифатида барча чигалликларни енгиб бера олувчи до-

нишманд сиймо қиёфасида кўзга ташланиб туради. Шу сабабли биз «Қутадғу билиг»даги шоирлар таъриф-тавсифига бағишланган ўринларни унинг ўз тажрибасидан келиб чиқиб айтилган ҳаққоний, фойдали, зарурий ва умр боқий мулоҳазалар сифатида қабул қиламиз.

Юсуф Хос Ҳожибнинг таъбирича, «Шоирлар жуда улуғ кишилар, улар кишиларни мадҳ қиладилар ҳам, фош қиладилар ҳам, уларнинг тили қиличдан кескир, хотира йўллари қилдан ҳам нозик. Чуқур, теран мазмунли сўзларни эшитиш учун уларга қулоқ бериш керак. Улар бамисоли денгизга шўнғиб инжу чиқарадилар, улар мадҳ қилсалар, кишининг номи бутун элга ёйилади, агар фош қилса номи бадном бўлади. Уларни жуда қадрлаш керак, улар тилига илашиб қолмаслик керак:

Яна келди шоир — бу сўз тергувчи,  
Кишин мадҳ этувчи ёки сўкгувчи.  
Қиличдан ҳам ўткир буларнинг тили,  
Ва қилдан нозикроқ хотирлаш йўли.  
Улар мақтаса, мадҳи элга борар,  
Агар сўкса, инсон номи булганар<sup>35</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятда обрўли мавқега эга бўлган, эл-юрт учун касб-кори, талант ва билими фойда бераётган кишиларни эъозлайди. Бундай кишиларга нисбатан эл-юртнинг меҳр-муҳаббатини уйғотишга интилади. Донишманд шоирнинг мулоҳазаларига кўра, бундай кишилардан энг зарурийси табиблардир. Шоирнинг реал турмушни ҳаққоний тушуниши ва акс эттиришига кўра, инсон бор жойда касаллик бор, касаллик бор жойда табиб зарурдир. Бундай кишилар албатта эл — юрт дардига малҳам бўлишлари лозим:

Улардан бири бу табиблар турур,  
Ҳамма дард — касалларга ҳазил эрур.

Шоир жамият турмуши, тирикчилигини, тараққиётини олимларсиз ҳам тасаввур қилолмайди. У олимларнинг эл-юрт орасидаги хизматларининг ўрни ва аҳамиятини чуқур идрок қилади, турли фан эгаларини, жумладан, юлдузчилар (астроном, астрологлар)ни жуда улуғлайди. Уларни зарур кишилар, қадр-қимматли олимлар деб мақтайди. Шоирнинг тасвирлашича, тирикчилик ўтказиш, яъни ҳаёт кечириш учун йил ва ойлар ҳисобларини билиш керак, шу боисдан ҳам юлдузчилар меҳнати эл-юрт манфаати учун зарурдир:

<sup>35</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 35-бет.

Йил, ой, кун ҳисоби булардан бўлар,  
Кераклидир ушбу ҳисоб, эй унар<sup>36</sup>.

Муаллифнинг юлдузчилардан талаби катта. Унинг тасаввурича, ҳақиқий юлдузчи бўлиш учун реал турмушнинг ва фанларнинг айрим соҳаларинигина билиш етарли эмас, балки дунёқарашининг уфқи кенг, турмуш тажрибаси бой, ҳаёт ва фаннинг турли соҳаларидан хабардор бўлиш талаб қилинади:

Билайн десанг сен ўқи хандаса,  
Очилгай ҳисобнинг эшиги роса,  
Ўқи зарбу қисмат, тугал била касир,  
Тугалга тугал имтиҳон, ол қидир.  
Ё таъзиф, ё тансифни ўрган ва бил,  
Буни билгач, энди адад жадри қил.  
Яна жамъу тафриқ, масоҳатга ўт,  
Ети қат фалакни аниқ бил ва тут.  
Чоғинг келса жабру муқобилга боқ,  
Билиб Уқлидиснинг эшигини қоқ<sup>37</sup>.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фалсафий қарашлари, турли-туман фан соҳалари ва фан соҳиблари тимсолида бериладиким, биз юқорида уларнинг айримларини — астрономлар, шоирлар ва табибларга бағишланган ўринларинигина назардан ўтказдик. Умуман олганда Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари XI аср Қорахонийлар даврасидаги ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишлангандир. Биз ушбу фалсафий дostonни диққат билан кўздан кечирар эканмиз, муаллифнинг фалсафий қарашлари уни, бир томондан, даврнинг маълум прогрессив тенденцияларини илгари сурган донишманд мураббий ва сиёсатчи сифатида, иккинчи томондан эса қорахонийлар саройига яқин турган аристократ сифатида гавдалантиради. Адабиётшунос Н. М. Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» номли китобида Юсуф Хос Ҳожибни «феодалларнинг манфаатини ифодалаган» ижодкор сифатида талқин қилади: «Юсуф Хос Ҳожиб бевосита меҳнаткаш табақаларнинг манфаатини кўзда тутмади, «райят», «эл» манфаати деб кўпроқ меҳнаткашларни ҳукмрон синфга қаттиқроқ қарам қилишга интилди. Буни, жумладан, шоирнинг «Элнинг ҳукмдорга, ҳукмдорнинг элга» талаби ҳақидаги мулоҳазалари ҳам равшан кўрсатади.

...Райят ҳақи бор санингда, кўр, уч,  
Бу ҳақни ўтагил ўзунг қилма куч.  
Бириси элингда ариғ тут кумуш,

<sup>36</sup> Уша асар, 33-бет.

<sup>37</sup> Уша асар, 34-бет.

Иярни кўзаргил, эй билги, ўқуш.  
Тақи бир бузунқа туру бер куни  
Кутур бир, икидин кучин кўр они,  
Ужунжи эмин тут қамуғ йўллариг.  
Қароқжиғ, сукаржик оритгил ориғ.

(Эй ҳукмдор, халқнинг сенда уч хил ҳақи бор, сен бу ҳақни тўла ва ўз жонингга жабр қилма. Бу ҳақнинг бири: пулнинг курсини кўтариш унда олтин ва кумушнинг софлигини ошириш ва буни кузатиб туришдан иборатдир: Яна бири: эл учун ишончли мустаҳкам ва тўғри қонунлар чиқар, буни эл сандан кутади. Учинчи, йўлларни қароқчилардан, хароб қилувчилардан тинч ва осойишталикда сақла).

Юқоридаги сўзлар қорахонийлар даврида ички ва ташқи савдонинг ҳийла ривожланганини кўрсатади. Шоирнинг «раият» тилидан ҳукмдорга қўйган икки талаби (пулнинг олтин, кумуш софлигини ошириш ва савдо йўлларини хавф-хатарсиз қилиш), албатта, меҳнаткаш табақаларнинг талаби бўлмай, балки бевосита савдо-сотиқ аҳлларининг талабидир. «Эл учун ишончли, мустаҳкам ва тўғри қонунлар» чиқариш талаби эса бошқа ўринларда бўлганидек, мавҳумлашиб кетган. Бу уч талаб эвазига ҳукмдорлик элдан талаби сифатида қўйилган талаблар меҳнаткаш оммани феодал ҳукмдорга янада қаттиқроқ қарам қилиш ва тобе этишга қаратилганини кўрсатади:

Утамниш бўлурсан раият ҳақи,  
Сан ўтру ҳақнинг қуд, эй алт оқи.  
Раият уза ул санинг уч ҳақинг,  
Тилагу улардан сан оч қўлғоқинг.  
Бири ёрлиғингни оғир тутсалар,  
Неку арса тарқин они қилсалар.  
Икинжи тизмасалар хазина ҳоқи  
Ўзинда такурса, эй алги оқи.  
Ужунжи ёғига ёғи бўлсалар  
Саваринг ким арса они савсалар.

(Эй элнинг сардори, халқнинг сенга бўлган шу талабларини бажарганиингдан сўнг, ўзинг ҳам халқдан қуйидаги уч нарсани талаб қилишга ҳақли бўласан: бири — ҳар қандай ёрлиғ (қонун) чиқарсанг, уни ҳамма сўзсиз ва тез бажариши керак. Иккинчи — давлат солиқларини ўз вақтида сахийлик билан давлат хазинасига топшириб турсинлар. Учинчи — бутун халқ дўстингга — дўст, душманингга — душман бўлиши керак»<sup>38</sup>.

<sup>38</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 152—153-бетлар.



Агар масалага бир томондангина ёндошадиган бўл- сак, келтирилган далиллар ҳам, ана шу далиллар асоси- да билдирилган мулоҳазалар ҳам ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмагандек кўринади. Бироқ, бу ўринда ма- салага жиддийроқ, чуқурроқ назар ташласак, Н. М. Маллаев «Қутадғу билиг»да ифодаланган ижти- мой-сиёсий қарашларга баҳо берганда бугунги кун- нинг тош-тарозиси билан иш кўргандек туюлади. Ва- ҳоланки, «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тари- хий хизматлари тўғрисида улар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янгиликларни *бермаган- ликларига* қараб эмас, балки улар ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай *янгиликлар берганликла- рига* қараб ҳукм чиқарилади»<sup>39</sup>.

Агар биз марксизм ҳар бир социал масалани текшир- ганда албатта муайян тарихий даврнинг ўз доирасида текширмоқни асосий шарт сифатида қабул қилиб олиш лозим, деган классик назариясига амал қилар эканмиз, XI аср шароитида феодал тараққиёт қулдорлик тузу- мига нисбатан Ўрта Осиё халқлари учун прогрессив аҳамиятга эга эди. Демак, феодал тараққиётга хизмат қилиш даврнинг прогрессив идеяларига, манфаатига, истиқболига хизмат қилиш билан баробар эди. Биз Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий таълимотига баҳо бер- ганда худди ана шу моментни — даврнинг ўз доирасида текширмоқ лозимлигини ва шунга мос келадиган ҳақ- қоний ўлчовни унутмаслигимиз лозим. Акс ҳолда унга XX асрнинг юксак талаби билан ёндошиб хато қилиб қўйишимиз мумкин. Бизнингча, «Қутадғу билиг»нинг энг улкан фалсафий моҳияти ҳам, авторнинг дониш- манд сиймо сифатида машҳур бўлиб тарихда қолиши ҳам ўз даври илғор идеяларини тарғиб қилганлиги би- лан ўлчанади.

Тўғри, Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий-сиёсий таъ- лимоти, энг аввало феодал тузум сиёсати билан пай- вандлашиб кетгандир. У адолатли бекни орзу қилади, ўз жамиятидан реал, тарихий шахсни тополмагач ба- дий адабиётдаги идеаллаштириш йўлига киради, ма- жозий образлар яратади. Ўзи кашф этган амалдор шахсларнинг сифат ва фазилатларини конкрет турмуш билан боғлашга интилади — уларнинг зиммасига катта ва масъулнятли вазифаларни юклайди: «давлатни адо- лат билан идора этиш, эл-юртнинг осойишталигини сақ-

<sup>39</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 2-том, Тошкент, 1972, 204-бет.

лаш, мамлакатнинг ободончилиги учун тинимсиз кураш олиб бориш, тараққиёт ва истиқбол учун зарур бўлаган қонун-қоидалар таъсис этиш ва улардан амалда фойдаланиш, илм-маърифат аҳлларини ҳимоя қилиш ва ҳоказолар. Буларнинг барчаси албатта XI аср шароити учун фойдали таълимотлар эди, холос.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг адолатли подшоҳ ҳақидаги фалсафий қарашларини мажозий образ Кунтуғди образида мужассамлантирган бўлса уни оқил, донишманд, тадбиркор ва эзгу ҳулқли ҳамда билимли ва сергак бек сифатида талқин қилган бўлса, унинг олимлар ва донишмандлар билан ҳамкорлигини улуғлаб, майхўрлик ва ҳар хил фисқу фасодлардан ҳазар қилишини кўкларга кўтариб мақтаган бўлса, Ойтўлди, Кўсамиш, Эрсиг, Угдулмиш, Ўзғурмиш образларида ҳаётнинг ўзида йўқ, бироқ идеаллаштирилган садоқатли, тадбирли ва ҳалол амалдорлар образларини яратади.

У вазирдан тортиб ошпазга қадар сарой аҳлларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таърифлайди, уларнинг сифати, бурчи ва вазифаларини кўрсатади. Ҳамда бекка ўғит бериб буларга нисбатан, бир томондан қаттиқ талабчан, иккинчи томондан, оталарча ғамхўр бўлиш лозим дейди. У элчилар ҳақида гапириб уларни ўқимишли, билимдон, ўта нозик фикрларни ҳам тезда англаши кераклигини таъкидлайди.

Шуниси муҳимки, Юсуф Хос Ҳожиб назаридан феодализм тузумининг ҳеч бир соҳаси четда қолмайди. У ижтимоий табақалар — деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар ҳақида ҳам, илм-маърифат, ахлоқ ва одоб ҳақида ҳам ўзининг фалсафий таълимотини яратади.

Н. Г. Чернишевский агар санъаткор «тасвирлаётган ҳодисаларни тушунтириб бериш билан бирга, улар тўғрисида ҳукм ҳам чиқарса, у вақтда бу санъаткор мутафаккир бўлади ва унинг асари ўзининг бадиий ҳислатига яна олий аҳамиятни — илмий аҳамиятни ҳам қўшиб олади»<sup>40</sup>, — деб ёзган эди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ҳам илк феодализм тузуми давридаги реал турмушни тасвирлаб бериш билан бирга у ҳақда ҳукм чиқариш имкониятини берган илмий-фалсафий аҳамиятга эга ноёб ёдгорликдир. Унинг муаллифи эса ўз замонасининг энг талантли сўз санъаткори, кенг билимли файласуф-донишманди ҳамдир.

<sup>40</sup> Чернишевский Н. Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар тўплами. Тошкент, 1956, 11-бет.

## Жанрнинг шаклланиши ва тараққиёти

XI—XII асрларда Ўрта Осиёдаги ноқулай сиёсий вазиятга қарамай, илм-фан, адабиёт ва санъат турлитуман чигалликларни бошидан кечириб бўлса-да ўз тараққиёти йўлида илгариламоқда эди.

Агар биз илк феодализм даврининг тараққиётига назар ташлар эканмиз, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ана шу иқтисодий формация талаблари билан узвий боғланган ҳолда тараққий эта бошлаганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг далили сифатида М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини келтириб ўтиш мумкин. Бу асар ўз даврининг нодир тадқиқотларидан бири бўлиб, унда турли қабила тилларидаги айрим сўзларнинг маънолари ҳақида фактик маълумотлар берилган. Бу санъат асари кўпгина ёзувчиларнинг ижодига катта таъсир кўрсатиши билан бирга тилларни системалаштириш ва уларнинг тобора тараққий қила боришига ҳам жиддий ёрдам берди. Бундан ташқари, М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ўз даврининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларини ҳам қамраб олганки, асарда муаллифнинг давлат арбоблари ҳамда давлат тузилишининг ўша замон нуқтаи назаридан қандай бўлиши кераклигини кўрсатишга, шунингдек қорахонийлар даврида пайдо бўлган янги аҳоли табақаларининг ролини ақс эттиришга бўлган интилиши сезилиб туради. Муаллиф ўзининг бу асарида мамлакат экономикасининг тиклаш йўлларини ҳам бирма-бир кўрсатиб ўтади.

Маданий ҳаётдаги бундай силжишни Ўрта Осиё территориясида яшовчи туркий халқлар орасидагина эмас, балки форс-тожик халқларининг аجدодлари орасида ҳам мавжудлигини тарихий фактлар исботлайди. Бунинг далилини биз IX аср бошларда тугалланган Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си тимсолида ҳам кўрамиз. Бу асар ҳақли равишда форс-тожик адабиётининггина эмас, балки жаҳон адабиётининг ҳам энг нодир обидаларидан бири бўлиб қолади.

Фирдавсийнинг дунёқараши Сомонийлар даврида шакллана бошлаган эди. У истеъдодли шоир Дақиқий бошлаган табаррук ишни давом эттириб, Ўрта Осиё ва Эроннинг энг қадимги замонидан бошлаб Сосонийлар давлатининг араблар томонидан босиб олинганга қадар бўлган меҳнаткаш халқнинг афсонавий қаҳрамонлик тарихини шеърый йўл билан яратишга киришди. Фирдавсий «Шоҳнома» устида ишлар экан, Сосонийлар

даврида тузилиб, сақланиб қолган расмий-тарихий материаллардан ташқари фольклор материалларини ҳам таянч манба қилиб олади.

Мана шу иккита улкан адабий факт туркий халқлар орасидан ҳам, форс-тожик халқларининг аждодлари орасидан ҳам кўплаб ижодкорлар етишиб чиққанини, улар ижтимоий тараққиётнинг етук мафкурачилари чўққисига кўтарила олганликларини кўрсатади.

Илк феодал тараққиёти ва давлат тепасида турган тарихий шахслар тарихий тараққиётнинг боришини тушунадиган улкан сиймоларга муҳтож эди. Шу боисдан ҳам XI—XII асрлардаёқ шоҳлар бундай мутафаккир қалам соҳибларини ўз феодал саройи доирасида тўплашга интиладилар.

«Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида «Маликуш-шуаро» («Шоирлар шоҳи») Унсурий бошчилигида сарой шоирларининг катта бир гуруҳи тўпланди. Унсурийдан ташқари бу ерда Фарруҳ, Минучеҳрий каби ўнлаб шоирлар ҳокимларни кўкларга кўтариб мақтайдиган дабдабали, баландпарвоз ва хушомадомуз қасидалар ёзар эдилар. Шунингдек, Мовароуннаҳрда қорахонийлар саройида ҳам сарой шоирлари ижод қилдилар. Сарой шоирлари орасида қасида, ҳажвия ва лирик шеърлар ёзган Амаки Бухорий, Рашидий Самарқандий, Сўзаний Самарқандийлар бор эди.

Шу даврда ёзилган бир қанча насрий асарлар бизгача етиб келган. Масалан, Низомий Арузий Самарқандийнинг дабирлар, шоирлар мунажжимлар ва ҳокимларнинг роли ва вазифалари талқин қилинган бир талай ҳикоялар, қисман кулгили ҳикоялар билан ойдинлаштирилган «Тўрт суҳбат» номли асар ёзган Зоҳирий Самарқандий сиёсий тўпламлар тузган ва «Синдбаднома» қиссасини қайта ишлаган. Бу асар форс, тожик ва араб тилларига таржима қилинган ва ундан икки аср илгари Рудакий шеърларида баён қилинган ҳиндча қисса нусхасига бориб тақалади. Бухоролик Заргар лақаби билан машҳур бўлган шоир Жавҳарий юксак шеър тузилиши техникаси билан ажралиб турадиган қасидалар ёзиш билан бир қаторда ашулачи аёл билан амир Аҳмад ҳақида ҳикоя ҳам ёзган»<sup>41</sup>.

Айниқса IX—XII асрларда туркий тилда «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), форсий тилда «Сиёсатнома» (Низомулмулк), «Қобуснома» (Кайковус) типидagi асарларнинг пайдо бўлиши худди шу даврларда панд-

<sup>41</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том, 416—417-бетлар.

насиҳат руҳида асарлар яратиш бир анъана тусига кириб қолганлигидан далолат беради.

Хусусан, бу давр адабиёти ҳам реал ҳаётда эзувчилар ва эзилувчилар синфи мавжуд бўлганлиги сабабли маданий ҳаётда ҳам, шунингдек, адабиётда ҳам синфий кураш тобора кескин тус ола бошлаган эди. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ислом дини ва унинг илоҳиёт фалсафаси ўз таъсирини янада кўпроқ мустаҳкамлади, феодаллар ҳунарманд ва чорвадорларни янада кучлироқ эксплуатация қилиш учун диний фанатизмга кенг йўл ва имкониятлар очиб берди. «Дин умр бўйи бошқаларга ишлаб, муҳтожлик ва ғарибликда яшаб келган халқ оммасини ҳар ерда ва ҳамма жойда эзидиган руҳий зулм шаклларида биридир. Ваҳший одамнинг табиатга қарши курашдаги ожизлиги худоларга, шайтонларга, муъжизаларга ва шу сингариларга ишонишни туғдиргани каби, эксплуатация қилинувчи синфларнинг эксплуататорларга қарши курашдаги ожизликлари ҳам, муқаррар равишда, охиратда яхши турмуш кечиришга ишонишни туғдиради»<sup>42</sup>.

Илк феодализм тараққиёти давридаги эркин илмий фикрлар кўринишларига жон-жаҳдлари билан қарши чиққан мусулмон руҳонийлар жамиятда борган сари катта кучга эга бўлиб, меҳнаткаш оммага кучлироқ таъсир кўрсата бошладилар. Клерикал доиралар ўз замонасининг илғор фикрли файласуф ва мутафаккирларининг илмий-назарий қарашларига қарама-қарши равишда билимнинг асосий манбаи сифатида илоҳият билан қўшилиш ва унга сажда қилишни тарғиб қилдилар. 1058—1112 йилларда яшаб, ижод қилган мусулмон фалсафасининг йирик намоёндаларидан бири Муҳаммад Ғазалий ўз даврида ҳужжатул ислом лақабини олди. Худди ана шу даврда Мовароуннаҳрда ҳам сўфизм таълимоти кенг ёйила бошлади. В. В. Бартольднинг кўрсатишича, Мовароуннаҳрда кенг қулоч ёйган тасаввуф оқими XII аср олими Юсуф Ҳамодоний мактабидан бошлаган.

«Юсуф Ҳамодоний этикдўз бўлган, Бухоро ва Самарқандни душман ҳужумидан ҳимоя қилишда қатнашган. Юсуф Ҳамодоний мактаби ҳар хил бўлиб, унда турли тариқатлар мавжуд эди. Бу тариқатлардан энг катталари Ҳамодонийнинг турли йўллар билан борган шогирдлари Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий номлари билан боғлиқдир.

<sup>42</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 12-том, 1974, 151—152-бетлар.

Биринчи тариқат асосан шаҳарларда ва шаҳар атрофларида, яъни иқтисодий ривожланган районларда туғилди ва ёйилди. Бу тариқат ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, издошларини меҳнатга, касб-ҳунар эгаллашга даъват этар эди. Шу сабабли бу оқим ўзларининг оғир социал ва иқтисодий аҳволидан қутулиш учун тасаввуфдан йўл ахтарган омманинг талабларига маълум даражада жавоб берарди. Юсуф Ҳамадоний таълимоти асосан қуйидагилардан иборат эди:

Хуш дар дам  
Назар бир қадам  
Сафар дар ватан  
Хилват ҳар анжуман.

(Мазмуни: Кишининг ҳар бир нафасида онг, ақл-идрок бўлмоғи, босган ҳар бир қадамида диққат-эътибор сезмоғи, ўз ватани ишқи билан банд бўлмоғи, яъни уни билмоғи, халқ билан алоқада бўлиб бирга ҳаёт кечирмоғи керак).

Бу оқимни тасаввуфнинг ўтакетган мистик тариқати билан тенглаштириб бўлмайди. Бу оқим адабиёт ва ижтимоий фикр тараққиётида ўша вақтда бирмунча прогрессив роль ўйнади»\*.

Бироқ Аҳмад Яссавий ва унинг шогирдлари Сулаймон Боқирғоний, Саид ота номи билан боғланган тасаввуфнинг иккинчи оқими Ўрта Осиё тарихида тамомила реакцион роль ўйнади. Чунки ўз даври ижтимоий тартибларини, шунингдек, деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар ҳаётини жуда яхши билган Аҳмад Яссавий «Ҳикмат» номли диний-мистик асар яратди. Яссавийнинг фалсафаси омманинг асосий эътиборини синфий курашдан четга чалғитар, тиз чўкиб яшашга, ўлмай туриб ўлишга даъват этар эди. Яссавийчилик охир оқибатда Чингизхон ва унинг босқинчи қўшинларига қарши Мовароуннаҳр аҳолиси кучларини сафарбар қилишга ўта салбий таъсир кўрсатди.

IX—XII асрлардаги тарихий вазият, ижтимоий-сиёсий воқелик ҳамда илмий ва диний тафаккур маданий ва адабий ҳаётда марказий йўналишни ташкил қилган эпик шеърятга, айниқса, фалсафий-дидактик дoston жанрининг тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Шу боисдан ҳам биринчи фалсафий-дидактик дoston бўлган «Қутадғу билиг»дан анчагина кейин ёзилган иккинчи фалсафий-дидактик дoston «Ҳиббатул ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий) жиддий фарқ қилади.

\* Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том, 415-бет.

Бу фарқлар ижтимоий-иқтисодий формация ҳамда даврнинг талаб эҳтиёжлари билан белгиланадими, биз уларнинг энг муҳимларини алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

### Гоявий мазмун ва бадий шакл

«Ҳиббатул-ҳақойиқ»нинг яратилиши даври «Девону луғотит турк» ҳамда «Қутадғу билиг» асарларининг яратилган давридан жиддий фарқ қилади. Сўнгги икки асар илк феодализм даврига мансуб бўлиб, бу даврда (X асрдан бошлаб) Ўрта Осиё халқлари ҳаётида иқтисодий, сиёсий, маданий томондан катта ўзгаришлар юз бермоқда эди. Чунки бир томондан бир неча асарлардан буён ҳукмронлик қилиб келаётган араблар халифаликлари емирила бошлаган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий халқларнинг мустақил давлатлари пайдо бўла бошлаган эди. Ўрта Осиёнинг Шарқий қисмида Қорахонийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар, Фарбий районларда эса Ғазнавийлар давлати ўзларининг мустақилликларини тиклай бошлаган эдилар. Албатта, бундай ёш феодал давлатлар учун дастуруламал бўладиган асарлар керак эди. «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Сиёсатнома», «Қобуснома» сингари тематик кўлами кенг ёдгорликлар давр эҳтиёжи туфайли бунёдга келган эдилар. Ҳамда улар илк феодализм жамияти муаммоларини озми-кўпми даражада ҳал қилиб беришга лаёқатли асарлар сифатида инсоният тарихида из қолдирди.

Маҳаллий мустақил давлатлар юзага келгач, улар ўзларининг сиёсий, маъмурий, иқтисодий, маданий ҳаётини изга солиш ҳамда мустаҳкамлаб бориш учун ўзларига мос шароитни вужудга келтирдилар. Юзага келган ана шу объектив имконият туфайли мамлакатнинг ободончилигини, моддий-маънавий ҳаёт даражасини юксалтириш учун ҳаракат кучаяди. Ана шу ўзгаришлар, мамлакат экономикасининг ўсиши ўз навбатида маданий ҳаётнинг тараққиётига ҳам туртки бўлди. Қорахонийлар даврида сарой аристократияси ўзининг ҳукмронлигини идеаллаштириш мақсадида илм-фан, маданият ва санъат намоёндаларига алоҳида эътибор билан қарай бошладилар. Натижада XI—XIII асрларда жуда кўп ёзма ёдгорликлар бунёдга келдиким, уларда илм-фаннинг турли тармоқлари — фалсафа, тарих, иқтисод, тилшунослик, табиат фанлари, дидактика ва бошқа соҳалар бўйича баҳслар юритилади.

Бу даврларда яшаб ижод этган адиблар, файласуфлар, тарихчи олимлар ёки мутафаккирлар ўз асарларида замонасининг иқтисодий тузуми асосида вужудга келган дунёқарашларини ифода этишга уринганлар. У даврнинг диний таълимотида сўфизм устун турарди. Уша даврда ижод этган кўпгина адиблар, тарихчилар ва бошқаларнинг асарлари таркидунёчилик ғоялари билан суғорилган бўларди. Аммо замонасининг илғор адиблари, тарихчилари ўз асарларида реал ҳаётни ифодалашга, дунёвий ғояларни тараннум этишга интилганлар.

XII—XIII асрларда ёзилган асарлар, жумладан, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойиқ» асари ҳам ўз ғоявий йўналиши жиҳатидан ҳоким табақа мафкура-сини акс эттиришга қаратилган эди. Асарнинг мазмуни асосан дидактикага доир масалаларни ўз ичига олади. Уша даврдаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун сўфизм таълимоти таъсирида шоир ўз фикрларини талқин қилади. Югнакий сўфизм таълимоти таъсирида бўлса ҳам дунёвий ҳаётдан ажралмай яшашни тарғиб этади. Дунёвий ҳаёт билан боғланишни тарғиб этиш ўша давр муҳитида катта жасорат эди»<sup>43</sup>.

Кўриниб турибдики, Юсуф Хос Ҳожиб даври билан Аҳмад Югнакий даври бир-бирдан жиддий фарқ қилади. Шубҳасиз, Аҳмад Югнакий «Девону луготит турк», «Қутадғу билиг» асарларининг ижодий тажрибасидан озиқланган, фойдаланган. Бироқ у бу асарларнинг тематик кўламини, ғоявий мундарижасини, бадий шаклини айнан қайтаришни ўзига мақбул кўрмай, ижодда оригинал йўлдан боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Аҳмад Югнакий «Ҳиббатул-ҳақойиқ»ни хотималовчи «Алай ҳурраҳманинг таърифига доир» номли бобида:

Йиған бўлса юклуб узасинда (зар) қор

Анинг туши бўлғай бу сўзнинг ози<sup>44</sup>,—

дейдиким, бу билан фил устига юкланган зар каби бўлса ҳам, сўзнинг ози унинг тенги бўлади, деган хулосага келади. Ушбу мисралар орқали шоир ўз асарининг бадий шаклига ишора қилмоқда, иккинчи бир ўринда шоир:

<sup>43</sup> Маҳмудов Қ. «Ҳиббатул-ҳақойиқ» асарининг ёзилиш даври, ғояси ва унинг муаллифи ҳақида.— Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 1971, 5—6-бетлар.

<sup>44</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, Тошкент, 1971, 95-бет.



Анин ўз эрур бу китоб бир сўзуг,  
Тўлулаб кетурдум кемштим юзуг<sup>45</sup>,—

деб ўз китобининг нафислик сирларини очиб беришга ҳаракат қилади ҳамда кераксиз, юзаки сўзларни ишла-тишдан қочиб оз сўзда кўп маънони англатишга интил-ганини айтади:

Наводир сўзуг оз бўлур, азл ўқуш  
Жуз атлас бўлур — қиз учузи бузуг<sup>46</sup>.

Шоирнинг тасвирича, гўё бир парча атлас қиммат, бир жуфт бўз арзон бўлгани каби қимматли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлади.

Аҳмад Югнакий ҳам ўз салафлари Маҳмуд Кош-гарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби «Ҳибатул-ҳақойиқ»ни туркий тил билан ёзади. У ҳам салафларидек китоби-нинг номини арабча қўяди ҳамда ўз асарининг тили ҳақида салафлари сингари фикр юритади:

Китобининг оти эрур Ибатул —  
Ақойиқ, нборат арабтин ўшул.  
Тамоми эрур кошгарий тил била,  
Айтимиш адиб риққати тил била<sup>47</sup>.

Муаллиф ўз китобини яратишда ўзидан олдин ўтган салафларининг таъсири борлигини, устозлар сўзи билан ўз сўзининг қадр-қиммат жиҳатидан баробарлашиши, китобхонлар томонидан тенг қабул қилиниши жуда юк-сак мукофот эканлигини ифтихор билан тилга олиб ўтади:

Битдим китоби мавоиз масал,  
Уқиса тотир тил емиштек асал.  
Ким эрса бу сўзга одинлар сўзин,  
Тенгаса тенгади дурустқа бадал<sup>48</sup>.

Хуллас, «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони «Қутадғу билиг» асаридан энг аввало тематик кўлами жиҳатидан фарқ қилади. Бунинг сабабларини қисман биз юқорида даврга берган характеристикада очиб беришга ҳаракат қилган эдик. Агар Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг фалса-фий-дидактик достони «Қутадғу билиг»да марказлаш-ган феодал давлатини барпо этиш, идора қилиш усул-лари ҳамда давлат сиёсати, қонун-қоидалари, шунинг-дек, халқнинг расму одатларини, ахлоқ принципларини ўзида мужассамлантирилган Низомнома яратган, Қо-мус даражасига кўтарилган ўзининг «Қутадғу билиг»и

<sup>45</sup> Уша жойда, 94-бет.

<sup>46</sup> Уша жойда, 94-бет.

<sup>47</sup> Уша асар, 97-бет.

<sup>48</sup> Уша асар, 92-бет.

билан тузум ва давр эҳтиёжига жавоб берган бўлса, «Ҳиббатул ҳақойиқ» муаллифи Аҳмад Югнакий олдида даврнинг бошқача муаммоларини бадий тадқиқ этиш вазифалари турар эди. Бу даврда «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Сиёсатнома», «Қобуснома» сингари асарлар яратилган бўлса-да, бироқ жамият ва тараққиёт гуманистик таълим-тарбия, эзгу ахлоқ ва одобга ҳамон муҳтож эди. Шу боисдан ҳам «Адиблар адаби, фозиллар боши», Аҳмад Югнакий гавҳардек пухта сўз дурларини териб ўз даврининг дардларига малҳам бўлишга интилиб, икки буюк муаммо — таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларини ўз асарининг марказий проблемалари қилиб олади.

Иккинчидан, тематик кўламдаги бундай ўзгариш, ғоявий мотивларнинг ихчамланиши ва икки улкан оқимга бирлаштирилиши образлар системасида ҳам жиддий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб қатор мажозий образлар яратиб, феодал тузум амалдорларининг амалда қандай бўлишликлари лозимлигини кўрсатишга интилиб, Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш, Ўзғирмиш, Эрсиг, Кўсалмиш сингари идеаллаштирилган образлар яратган эди. Аҳмад Югнакий эса бундай мажозий образлардан воз кечиб, автор образини биринчи планга кўтаради, ҳамда ўзига замондош бўлган юқори синф табақаларини инсофга, саҳоватга, адолатга, маърифатга, яхши ахлоқли бўлишга ундовчи асар яратади. Бошқача қилиб айтганда, «Ҳиббатул-ҳақойиқ» автори бирор воқеани, саргузаштни ҳикоя қилиш вазифасини эмас, балки илм-маърифат, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар ҳақида мулоҳаза юритиб, кишиларга ўғит бериш вазифасини ўз олдига қўяди. Шунга кўра, «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дидактик дoston бўлиб, бу унинг бадий хусусиятлари ва услубини белгилайди. Гарчи дostonда воқеавий сюжет бўлмаса ҳам, унинг боблари мазмун ва моҳияти билан ўзаро узвий боғланиб, бир бутун композицион қурилишни вужудга келтиради. Автор дostonнинг бобларида турли хил объект, хислат ва тушунчаларни муқояса қилиш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосида улардан ҳар бирининг ўзига хос ижобий ёки салбий томонини очади, яхшиликни эътироф ва тарғиб қилади, ёмонликни қоралаб рад этади. Бу усул авторга дostonда қўйилган масалаларни маълум конфликт фондида ёритиш ва яқунлаш, мулоҳазалардан келиб чиқадиган ўғитнинг таъсирини кучайтириш ва асарнинг бадий қимматини ошириш имконини беради. Маъри-

фат билан жаҳолат, сахийлик билан бахиллик, тўғрилиқ билан эгрилик, хуштавозелиқ билан одобсизлик шундай муқояса қилиш ва қарама-қарши қўйиш усули билан ёритилади. Бироқ автор ҳаммавақт ҳам зиддиятларни изчиллик билан ёритиш ва ечишга эришолмайди. Достоннинг лирик қаҳрамони — Аҳмад Югнакий қиёфасида, бир томондан, маърифатпарвар ва халқчил кишини, иккинчи томондан эса «тақдир»га кўникувчи киши ва улар ўртасидаги зиддиятни кўрамаиз.

Дидактик достон жанрига хос бўлган хусусиятлар асарнинг бадий хусусиятлари доирасини ҳийла чеклаб қўяди, у автор олдига воқеавий сюжетни ҳикоя қилиш, темани персонажларнинг ҳаёт ва кураш йўлини тасвирлаш орқали ёритишни шарт қилиб қўймайди. Бироқ шунга қарамай, Аҳмад Югнакий бадий тил воситалари, халқ мақоллари ва таъбирларини қўллаш орқали асарнинг бадийлигини ҳийла оширишга муваффақ бўлган»<sup>49</sup>.

Худди ана шу ҳолат билан боғлиқ ҳолда «Ҳиббатул-ҳақойиқ» достонининг «Қутадғу билиг»дан учинчи бир фарқли томони келиб чиқадиким, фалсафий-дидактик достон жанридаги бу ўзгариш жанрнинг тараққиёт жараёни билан, ғоявий мазмун ва бадий шакл бирлигидаги ўзгаришлар, асар конфликтлари, сюжет тўқимасидаги янгиликлар билан изоҳланиши лозим. Маълумки, «Қутадғу билиг»да бир оз бўлса-да, мажозий образлар орасида зиддият ва тўқнашувлар келиб чиқади ёхуд айрим образларнинг (масалан, Ойтўлдиннинг) руҳий оламидаги зиддиятли онларнинг ўсиши, улғайиши, камолати ва кексайиби ҳаёт билан видолашуви эпизодларида бадий конфликтга монанд келадиган драматизм мавжуд эди. «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да эса бундай манзарага дуч келмаймиз. Унда конфликтдаги кескинлик, коллизия, драматик ҳолат ўрнини бадий тасвир воситалари ишғол қилади, асарнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Шоир ўхшатиш, муболага, тазод (қарама-қарши қўйиш) каби бадий тасвир воситаларидан фойдаланиб достоннинг бадий қувватини оширади. Биз унинг асал ва арини, харобат ва ободонликни, минг билан бирни, атлас ва бўзни қарама-қарши қўйганлиги сабабли айтмоқчи бўлган фикрини олға сурмоқчи бўлган ғоявий мантиқни илғаб оламиз.

Айниқса, ўхшатиш тасвирий воситаси асар сюжети тўқимасида актив иштирок этади. Гарчи Аҳмад Югна-

---

<sup>49</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, 180-бет.

кий ўз асарининг таъсир қувватини ошириш ниятида баъзан традицион ўхшатишларга мурожаат қилса ҳам лекин у кўпинча янги ва оригинал ўхшатишлар ҳам яратадики, китобхон унинг шоирлик маҳоратига тан беради. Биз дostonнинг муқаддимасиданоқ янги бир ўхшатишнинг кашф қилинганига дуч келамиз. Шоир худди шу ўринда Улуғ Амир дsd спохсоларни денгизга, ўзини эса ёмғир томчисига ўхшатади. Унинг бу ўхшатиши шу қадар чиройли чиққанки, ана шу томчи денгизга тушгач садафдан ҳам қимматли дур ясайди. Асар сюжети тўқимаси бошдан-охирига қадар чиройли ўхшатишлар билан зийнатланган. Биз дostonни мисрама-мисра зеҳнимизга жойлаб борар эканмиз, билимли кишининг қимматбаҳо олтинга, билимсизни эса сохта чақага, билимсиз кишини иликсиз суякка, марҳаматли кишини мевали дарахтга, карамсиз кишини мевасиз дарахтга, дунёни карвон саройга, тўғри сўзни асалга, ёлгон сўзни эса оғизни ачитувчи пиёзга ўхшатилишига дуч кела борамиз. Булардан ташқари, шоир қаламининг сеҳридан булут уялади, дунё эса бир гўзал каби ўз бошидан ниқобини олади, яъни тонг отади. Хуллас, чиройли ишлатилган метафоралар, дилларни қитиқловчи сўз ўйинлари дostonда бадийий конфликтнинг йўқлигини билдирмайди. Ана шу бадийий фазилат, сеҳрли ва образли бадийий тил фалсафий-дидактик жанрнинг шаклланиши жараёнида қўлга киритилган ижодий ютуқлардандир.

Тўртинчидан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида образ яратишнинг хилма-хил усуллари — мажоз, мақол, топишмоқ, мунозара, савол-жавоб, портрет ва ҳоказолардан унумли ва ўринли фойдаланилганлигини баён қилиб ўтган эдик. «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да эса мажозий образлардан воз кечилгани учун ҳам, автор образининг биринчи планга дадиллик билан кўтарилганлиги учун ҳам фалсафий-дидактик дoston жанрининг негизини ташкил қилувчи мақоллардангина баракали фойдаланилгандир. Чунки мақол ва мақолнома ҳикматли сўзлар иштирокисиз панд-насихат билан суғорилган асар яратиш мумкин эмас. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

Битидим китоби мавоиз масал,  
 Ўқуса тотир тил емишлик асал.  
 Адиб Аҳмад отим адаб — панд сўзум,  
 Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум,  
 Келур куз, кечар ёз, борур бу умур,  
 Тугатти умурни бу ёзим-кузим.  
 Анин уш чиқартим бу туркча китоб.

Керак қил теп, эй дўст, керак қил итоб.  
Битидим бу танг суқ турар сўзларин,  
Ҳоли борса ўзум отим қолсу теб

(Мазмуни: кишиларга ибрат, таълим берувчи, адабга чақирувчи бу китобни ёздим, ким ўқиса тили асал егандай чучийди. Отим Адиб Аҳмад сўзим панд-насиҳат, сўзим бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман. Баҳор ўтиб куз келади умр эса, ўта беради, букетма-кет ўтаётган баҳор ва кузларим умрни тугатади. Эй, дўст, (истасанг) қадрли тут, истасанг ташла деб ушбу туркча китобни ижод қилдим. Агар куним битиб ўлсам, отим қолсин деб тансиқ ажойиб сўзларни ёздим<sup>50</sup>.

Аҳмад Югнакий ўз достонида халқ мақолларини баъзан айнан қўллайди ё бўлмаса уларнинг мазмунини сақлаб қолгани ҳолда шеърий мисраларда қайта яратади. Шоир маҳоратини кўрсатувчи сўнгги вариантдан мисоллар келтириб ўтайлик:

...Бу бир сўз ўзоғи ўрилмиш масал,  
Қўни бўл, кўни қил, отин куни,  
Куни тею билсун халойиқ сени.  
Кунилик тўнин кий қўюб эгрилик  
Кедим, тун тўлуси кўнилик туни.

(...Бу қадимги бир сўз мақол бўлиб кетган: тўғри бўл, тўғрилиқ қил, отинг тўғрилиқ бўлсин, халойиқ сени тўғри деб англасин. Тўғрилиқ тўнини кий, эгриликни ташла, кийим-тўнинг тўғрилиқ тўни бўлсин).

Еки:

Учуктурма эрни тилин бил бу тил,  
Бошяқ турса, бутмас, бутар ўқ боши<sup>51</sup>

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзғама, бил  
Ўқ яраси битиб кетади-ю, тил яраси битмайди).

Еки:

Оримас неча юса қон бирла қон,  
(Қонни қон билан ювиб тозалаб бўлмайди)<sup>52</sup>.

Бешинчидан, Аҳмад Югнакийнинг ижодий ниятига монанд равишда «Ҳиббатул-ҳақойиқ»нинг ғоявий мотивлари ҳам, ҳажми ва тузилиши ҳам «Қутадғу билиг»га нисбатан анча мукаммаллашган, чуқурлашган, ихчамлашган. Бу фазилятлар фалсафий-дидактик дoston жанрининг шаклланиш жараёнидаги ижодий ютуқлар билан узвий боғлиқ ҳолда изоҳланиши лозим. Агар

<sup>50</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 92—94-бетлар.

<sup>51</sup> Уша асар, 51-бет.

<sup>52</sup> Уша асар, 48-бет.

«Қутадғу билиг»нинг икки муқаддимаси мавжуд бўлиб, бири насрий, бири 77 бобдан иборат бўлган назмий йўл билан яратилган бўлса, «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да муқаддима бор-йўғи шеърӣ йўл билан ёзилган саккиз мисрадан иборат. Агар «Қутадғу билиг»да 73 фасл номининг мундарижаси берилиб, ундан кейин яна унвон билан асл мавзуга ўтилса, «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да мундарижа туширилиб қолдирилган. «Қутадғу билиг»да 73 фаслнинг дастлабки ўн бир боби «дебоча»дан иборат бўлса, «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да дебочани 36 байт ёки 5 кичик боб ташкил қилади. «Қутадғу билиг»да 12 фаслдан 73 фаслга қадар реал ҳаётнинг жамики соҳалари тўғрисида низомнома берилган бўлса, «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да 6 асосий бўлим ёхуд 9 бобда, илм-маърифат ҳамда ахлоқ ва одоб тўғрисида фалсафӣ таълимот яратилади. Бу жиддий ўзгаришларнинг барчаси фалсафӣ-дидактик жанрнинг ғоявий йўналиш жиҳатидан янада конкретлашиб, чуқурлашиб бадий шакл жиҳатидан янада силлиқланиб, мукаммаллашиб бораётганлигини кўрсатади.

### Давр қиёфаси ва ижтимоӣ воқелик

Юсуф Хос Ҳожиб қулдорлик тузумининг емирилиши ва феодализмнинг туғилиши ҳамда шаклланиши даврида яшаган бўлса, Аҳмад Югнакий Урта Осиё илм-фаннинг марказий ўчоқларидан бирига айланган, бутун дунёга машҳур фан арбоблари етишиб чиққан бир даврда яшади. У Муҳаммад Ғаззолий, Аҳмад Ясавий, Саид Оталар сингари инсоннинг илмий фаолияти ва қобилиятини қораламайди, балки у Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний сингари илм-фани ёқлайди, олимлар ва фозилларни улуғлайди, маърифатни тарғиб қилади, кишиларни илм-маърифатли бўлишга чақириб, жоҳилликка қарши кураш олиб боради.

Аҳмад Югнакийнинг ўз даври учун катта хизматларидан бири шундаки, у жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири бўлган илм-маърифатни «Ҳиббатул-ҳақойиқ»нинг марказий масалаларидан бири қилиб қўйди ҳамда дostonининг асосий бобларини худди шу масалага бағишлади. Дostonнинг бошқа бобларида гўё биринчи планга кўтарилгандек кўринган ахлоқ-одоб масалаларининг бадий талқинини ҳам илм-маърифат ва олимлар донишмандлиги билан узвий боғлаб юборди. Мана шунинг натижасида Аҳмад Югнакий ўз дос-

тонининг ғоявий мотивлари туфайли китобхонлар кўз ўнгида XII асрнинг мутафаккир адиби, илм-фаннинг жарчиси сифатида гавдаланади. Шоир жамиятни тараққий эттирувчи, ўз даврининг руҳини мужассамлантирувчи бош ғоявий йўналишни олимлик ва жоҳилликнинг курашидан излайди. Шоир фақат феодализм даври учун эмас, балки абадий умр кўрувчи, барча жамиятлар учун прогрессив бўлиб қоладиган тўқнашувларни — олимлик ва жоҳилликни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Шоир тасвирига кўра, олим ўз илми билан бахт-саодат йўлларини излаб топса, жоҳил нодонлиги туфайли турмушда жуда кўп ёмонликларга гирифтор бўлади, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам бирор фойда келтиролмай умри жаҳолат ичра ўтади. Шоир илм-маърифат ҳақида фалсафий таълимот яратиши ва уни «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дostonининг бадийий сюжет тўқимасига моҳирона сингдириб юборганлиги билан ўз даврининг етук сиймоси даражасига кўтарилган. Мана, унинг ўз замондошларига ва авлодларига қарата айтган ўгити:

Биликтин аюрмон сўзумга ула,  
Биликликка, ё дўст, ўзунгни ула.  
Билик бирла, били(н)ур саодат йўли  
Билик бил саодат йўлини була.  
Баҳолик динор ул биликлик киши,  
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.  
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?  
Биликлик тиши эр жоҳил эртиши,  
Сўнгатка (йилик) тек эронга билик,  
Эрон кўрки ақл, ул сўнакнинг — йилик,  
Биликсиз йиликсиз сўнак тек ҳоли,  
Йиликсиз сўнгатка сунулмас алиқ.  
Билик билти бўлти эран белгулук,  
Биликсиз тирикла йитук кўргулук.  
Биликлик эр ўлти, оти ўлмату,  
Биликсиз эсон эркан оти ўлук.  
Биликлик биринга биликсиз мингин,  
Тенгаткли тенгади биликнинг тенгин.  
Бақо кўргил эмти уқа синайю,  
Не кенг бор биликтин осифлиқ ўнгин,  
Билик бирла олим юқор йўқлади,  
Биликсизлик эрни чўкарди қўди.  
Билик бил ўсанма, бил у ҳақ расул,  
Билик кимда эрса сиз арқанг теди.

(Мазмуни: Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол, илмли кишига ўзингни яқин тут. Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра илмли бўл, бахт йўлини изла. Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз, жоҳил киши қимматсиз емиш (мева)дир. Билимли киши билан билимсиз одам қачон тенг бўлади? Сўнгатка илик бўлиш лозим эканлиги каби эр кишига

билим керакдир, эр кишининг кўрки ақлдир. Сўнганнинг кўрки эса иликдир. Илмсиз иликсиз сўнган каби бўшдир, иликсиз сўнганка эса қўл узатмайди, илмли кишиларнинг (номи) машҳур бўлади, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргуликдир. Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир. Билимликининг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илмнинг қадрига етади. Энди ўзинг синаб, ўқиб, боқиб кўр, билимдан фойдалироқ қандай нарса бор. Билим билан олим кўтарилади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради. Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, ҳақ расули (пайғамбар) ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг деб айтди)<sup>53</sup>.

Аҳмад Югнакий ўз даврининг ижтимоий қиёфасини кўрсатадиган кўзгу — илм-маърифат ҳақида сўзлар экан, энг аввало юқори табақа вакилларини кўзда тутганлиги ҳеч бир мунозара талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Чунки унинг ўз китобини шоҳга бағишлашида ҳам бизнинг фикрларимизни қувватлайдиган далиллар мавжуддир. Шунинг учун ҳам биз Н. Маллаевнинг: «Бироқ у бахтни илм ва бахтсизликни жоҳиллик билан боғлаб, феодал-клерикал муҳитнинг ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликларини англаш, фош қилиб ташлаш даражасига кўтарилолмади, реакцион гуруҳларнинг илм-фанга ва илм-фан аҳлига қарши ваҳшиёна курашини танқид қилмади, нодонлик, феодал-клерикал жамият тузумининг оқибати бўлиб, бу жамият кўпчиликни илм-маърифат бойликларидан маҳрум қилганини тушунмади»<sup>54</sup>, — деб Аҳмад Югнакий ҳақида ёзганларига тўла қўшила олмаймиз. Биз шоирнинг илмли ва фозил кишилар ҳақидаги айтганларини ўзи сингари шоир ва олимлар турмуш тажрибасидан келиб чиқиб айтилган ва умумжамият томонидан қабул қилиниши лозим бўлган ўғитлар мажмуаси сифатида англасак, жоҳил, нодон, тубан кишиларни амалдорлар орасида кўплаб учратганлигига амин бўламиз. Биз унинг ўз илми, дунёни чуқур идрок эта олиши билан меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳам ёқлаб чиққанлигига ҳеч бир шубҳа қилмаймиз. Чунки адибнинг ўзи ҳам туғма кўр бўлиб, сабр-матонат, қунт ва чидам билан мушкулотларни енгиб ўтиб олим ва фозил киши бўлиб етишганлиги ўз асари «Ҳиббатул-ҳақойиқ»дан ҳамда буюк Али-

<sup>53</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 40—43-бетлар.

<sup>54</sup> Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, 174—175-бетлар.



шер Навоийнинг «Насоинул-муҳаббат»идан жуда яхши биламиз. Алишер Навоий Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирар экан, уни қуйидагича илиқ ва самимий сўзлар билан таърифлайди:

«Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш, Анинг ишида ғариб нималар манқулдир. Дерларки, кўзлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш, басир бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва мутаққий киши эрмиш ҳақ субхонаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзи бағоят ёруқ қилғондур. Лубега илик суртубтур ва деб турки, қўй букрагига ўхшайдур ва нахудни бармоғи била силаб дебтурки, итолғу бошига ўхшар. Маскани Боғдоддин неча йиғоч, баъзи дебтурлар тўрт йиғоч йўл эркан, ҳар куни Имом Аъзам дарсига ҳозир бўлур эркандур ва бир масала ўрганиб бу йўлни яёғ борур эркандур. Дарсда ери Сафи Ниол эркандур, нақледурки, ҳазрати Имомдин сўрубтурларки, шогирдларингиз орасида қайсидин андоқки кўнглунгиз тилар, розисиз? Бовужуди Имом Муҳаммад ва Имом Абу-Юсуф ва алар аблойи тинси ва ҳамсинлари Имом дебтурки: бори яхшидур. Аммо кўр турк Сафи Ниолда ўлтиур ва бир масъалани мазбут қилиб, тўрт йиғоч йўл яёғ келиб борур, андоқки керак ул таҳсил қилур. Ва анинг турк алфози била мавоиз ва насоиҳқа гўё эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмат ва нуқталари шоеъ дур»<sup>55</sup>.

Шунга яқин мулоҳазалар «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дostonи устида илмий-кузатиш ишларини олиб борган ва уни нашрга тайёрлаган Қ. Маҳмудовнинг ишларида ҳам учрайди. У ўзининг «Ҳиббатул-ҳақойиқ» асарининг ёзилиш даври, ғояси ва унинг муаллифи» номли кириш сўзида қуйидагиларни маълум қилади: Келтирилган фактларга кўра, Аҳмад Югнакийнинг шахсияти ва унинг «Ҳиббатул-ҳақойиқ» асари XV—XVI асрларда ҳам эл орасида машҳур бўлган кўринади.

Бундан ташқари, яна адибнинг шахсий ҳаётига доир баъзи бир фактларни асарнинг ўзида учратамиз:

Адиблар адиби, фозиллар боши,  
Гуҳартин сўз айтмиш, один сўз боши.

(Адиблар адиби, фозиллар боши пухта ўйланган айрим сўз гавҳарларини айтибдир).

<sup>55</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 том. Тошкент, 1968, 156—157-бетлар.

Бу фактлар бир томондан адиб Аҳмад Югнакийнинг етук шоир, замонасининг улуғ билимдони эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, замондош шоирлар, адиблар олдида ҳурматга сазовор эканлигини билдиради. Адибнинг малиқуш-шуаро бўлгани ҳақида маълумот бўлмаса ҳам, ўзининг ҳамкасбларига адабиётдан таълим бергани эҳтимолдан узоқ эмас<sup>56</sup>.

Мана шундай етук сиймонинг «илм қадрини билимли одам билади», «билимни нодон, тубан киши нима қилади», «илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит-насиҳат фойдасиздир», «бир ювуқсизларга ювиниш буюрилса, тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин пок бўлмайди», сингари истехзоли мулоҳазалари ҳаддидан ошиб кетган феодалларга қаратилганлиги ўз-ўзидан маълум эмасми?

Айниқса, «Тилни тийиш ва одоб-ахлоқ ҳақида» номли иккинчи бўлим феодал давр қиёфасини реалистик бўёқларда бериши билан аҳамиятлидир. Бу бўлим, қуйидаги панд билан бошланади:

Эшитгил, биликлик негу теб аюр,  
Адаблар боши тил кудазмак турур<sup>57</sup>,—

яъни шоир «Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг) тилинг чиқиб қолса, тишингни синдиради»,— деб таълим берар экан, феодалистик тузумда бундай фожиаларнинг кўпини кўрганлиги аниқ бўлиб қолади. Муаллиф иккинчи бир ўринда «Бу ўғит-насиҳат барчага тенгдир», деб ёзади:

Эшит бут бу сўзга қомуғ тенг-да тенг,  
Қулуб тилга юк(а) нуб тазарру қилур<sup>58</sup>.

Унинг айниқса, ёлғончилик, товламачилик, ўғрилиқ, туҳмат, бўҳтон авж олган феодал жамиятда яшаб туриб бундай иллатларни фош қилиши инсонларни фожиага олиб борувчи бундай ярамасликлардан узоқ ва пок бўлишга чақиради.

Аҳмад Югнакийнинг тушунишича, феодал тузум шундай бир турмуш вазиятини юзага келтирганки, умуман сўзингдан ўзингга ўкинч келмаслиги учун сирингни маҳкам тутишинг, уни кишиларга билдирмаслигинг керак. Агар шундай қилмас экансан, барча яширин ишларинг ошкора бўлиб, кўрган ва эшитган кишилар санга кулишлари турган гап. Бу жамиятда дўстим

<sup>56</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 8—9-бетлар.

<sup>57</sup> Уша асар, 46-бет.

<sup>58</sup> Уша жойда.

деб, ишониб сир айтма, эҳтиёт бўл, гарчи қанчалик  
яқин, ишончли дўстинг бўлса ҳам:

Қатиг кизла розинг киши билмасун,  
Сўзингтин ўзунгга ўкинч кел(а)масун.  
Қамуғ яшру ишинг бўлиб ошкора,  
Бу кўрган, эшиткан сенга кул(а)масун.  
Эшим теб инонил сир айма сақин,  
Неча ма инончлик эш эрса яқин<sup>59</sup>.

Аҳмад Югнакий ўзи яшаб турган жамиятда  
ҳиммат ва саҳоват оёқ ости бўлаётганини кўриб эзи-  
лади, турли-туман ифлос йўллар билан мол-дунё орт-  
тираётган, бойлигидан на ўзи ва на бошқалар файз  
топмаган феодал-аристократларни, ҳасис, бахил ва зиқ-  
на кишиларни аччиқ танқид остига олади. Шоирнинг  
ҳарислик (хасислик) ҳақидаги қуйидаги заҳарханда-  
ларига бир эътибор берайлик:

Ҳарис тўймас очун негини терип,  
Ҳарислик қаримас идиси қарип.  
Ҳарисликни куюр ҳарис эр қачон,  
Ўлуб йитса, тупроқ ичига кирип.  
Ҳарис териб эрмас усонмас бўлур,  
Ҳарислик игнининг эмин ким билур?  
Хабар бор берилса агар одами,  
Ики қўл динорни ул ўн қўл қилур.

(Мазмуни: Ҳарис (хасис) дунё молни йиғиб тўймас,  
ҳарис одам қариса ҳам, унинг ҳарислиги қаримас, ҳа-  
рис киши ҳарисликни фақат ўлиб, тупроққа киргач  
қўяди. Ҳарис киши мол йиғишда эринмас, тинмас бў-  
лади, ҳарислик касалининг давомини ким билади.

Агар бирор киши томонидан (даромад манбаи ҳақи-  
да) хабар берилса, у икки ҳовуч динорни ўн ҳовуч  
қилади)<sup>60</sup>.

Ҳаромдан ҳазар қилмай олтин, кумуш йиғувчилар-  
ни аччиқ ҳажв остига олган шоир уларнинг тақдири  
аянч ва фожиа билан тугашини ҳам кўрсатиб беради:

Бахил йиғди зар, сим ҳароматин ўқуш,  
Вабал кўтру борди узала сўкуш.  
Улуш бўлди моли кишилар аро,  
Бахил олди андин сукунчтин улуш...  
...Татурмас ошинда туз дўстина,  
Улур қолур ахир еюр душмани.

(Мазмуни: Бахил киши меҳнатсиз, ҳаром йўл билан  
кўп олтин, кумуш йиғди, натижада у дунёга лаънат ва  
бадномлик орттириб кетди. Унинг моли кишиларга тақ-

<sup>59</sup> Уша асар, 52-бет.

<sup>60</sup> Уша асар, 71—72-бетлар.

сим бўлди, бахил эса (ундан) фақат сўкиш, лаънатгагина эга бўлди... Ҳаёт пайтида дўстига ошини, тузини торттирмайди, ўзи ўлгач моли қолади, сўнг унинг моли душманига буюради)<sup>61</sup>.

«Бахиллик ва зиқналикни қаттиқ танқид қилган шоир бу иллатни таг-томири билан қирқиб ташлаш керак, деган хулосага келади:

Емишсиз йиғоч — тек қарамсиз киши,  
Емишсиз йиғочни кесиб ўртагил<sup>62</sup>.

Аҳмад Югнакий бахиллик ва зиқналик билан бирга, ўзи яшаган муҳитнинг айрим бошқа иллатларини ҳам танқид қилади, хушомадгўй ва таъмагир кишиларни шафқатсизлик билан фош қилади, бечора ва йўқсил одамларга юрагидан ачинади, уларни менсимаган, назарига илмаган аристократлардан ғазабланади:

Будун моллиқ элга уруп юзларин,  
Тузу кул қилурлар озод ўзларин.  
Ким ул молсиз эрса, ул эрни кўруп,  
Юз уруб кечарлар, юмуб кўзларин.

(Кишилар мол-мулки бўлган (одамнинг) қўлига юз тутадилар, бу билан эрklarини йўқотиб ўзларини кул қиладилар. Кимки молсиз бўлса, бундай молсиз кишини кўриб юз ўгириб қочадилар, ундан кўз юмадилар)<sup>63</sup>.

Ундай кишиларнинг дўстлиги ҳам қуруқ сўз ва ясамачиликдан иборатдир:

Мажоз бўлди дўстлуқ, ҳақиқат қани?  
Минг эр дўстда бири бўлунмас кунн.  
Укушрак кишининг ичи гадр эрур,  
Кўни дўстунг эрса, тоши бил муни.

(Дўстлик мажоз бўлди, қани ҳақиқат? Минг кишининг ичида битта ҳам тўғри киши топилмайди. Кўп кишилар ичидан сотқиндир, дўстинг тўғри бўлиб кўринса ҳам буни унинг сиртқи кўриниши деб бил)<sup>64</sup>.

Шоирнинг дунёга қарашдаги ўз таълимоти бор. У ўз достонининг «Дунёнинг ўзгариб туриши ҳақида» номли бўлимида бойлик орқасидан югурувчи хаснсларга қарата «бойлик келса кўпаяди, озаяди ва йўқ бўлади»,— деб ҳақиқатни очиқ айтиб қўя қолади. «Кўнгилдан молга бўлган суқликни чиқар, фақат кийим билан қорин тўқлигини кўзла. Бу дунё бойлигидан

<sup>61</sup> Уша асар, 62—65-бетлар.

<sup>62</sup> Уша асар, 73-бет.

<sup>63</sup> Уша асар, 86-бет.

<sup>64</sup> Уша асар, 82-бет.

егулик, кийгулик бўлса етарли. Унинг ошиғи офат ва зиён келтиради», деб таълим беради. Дунёнинг тинимсиз ўзгариб туриши уни қуйидаги хулосага олиб келади:

Йигит кужо бўлур янги эскирур,  
Қави эрса қамлур, қочар қуввати.  
Бу кун бор ёрин йўқ бу дунё неинги,  
Менинг дамишинг неинг одинлар ўинги.  
Қамуғ тўлган эслур тугал эксилюр,  
Қомуғ ободоннинг хароб ўл сўнги.  
Неча ер бор эди сиғишмас эри,  
Эри барди, қолди қуруғ тек ери.  
Неча доно эрди неча файласуф,  
Қани бу кун анлар мингинда бири.  
Очун кулчерар боз элин қош четар,  
Бир элкин тутиб шаҳд бири заҳар қотар.  
Асал татруб элкин тамоғ татиртиб,  
Кединги қадаҳқа сунуб заҳр қотар.

(Янги эскиради, йигит қарийди (бели), қувватли бўлса букилади, кучи кетади Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса, эртага йўқ бўлади, сен, меники деган нарсалар бировларга қолади. Барча тўлган нарсалар озаяди, емирилади, бутун обод ерлар оқибатда хароб бўлади. Қанча обод ерлар бор эди, халқи сиғишмас эди, халқи йўқ бўлди, жойлари бўш, эгасиз бўлиб қолди. Қанчадан-қанча доно, файласуфлар бор эди, энди уларнинг мингдан бири йўқ. Дунё кулиб боқади, яна қош ва манглайи билан хўмраяди: бир қўли билан бол тутса, иккинчи қўли билан заҳар қўшади. Қўли билан асал едириб, таомни лаззатли қилиб, кейинги қадаҳга эса заҳар қўшиб беради»<sup>65</sup>.

Бу ўринда обод ерларнинг харобага айланганлигини ўқинч билан эслаш, қанчадан-қанча доно файласуфларнинг оламдан ўтиб кетганига ачиниш, бир қўли билан тутган болига иккинчи қўли билан заҳар қўшган одамларга нафрат билдиришда мавжуд норозилик оҳанглари сезилиб туради.

Аё ранж қатигсиз сўрур умғучи,  
Бу очун қачон ул умунчқа ўрун.  
Йилонтек бу очун йилон ўғлағу,  
Йўмоққа юмшоқ ичи бўр оғу.  
Йилон юмшоқ эркан ёвуз феъл тутар,  
Йироқ турғу, юмшоқ теб инонмағу.  
Бу очун кўр эрга кўрумлик тоши,  
Ва лекин ичинда ҳазор нохуши.

(Мазмуни: Эй, ранж ва қийинчиликсиз роҳат истовчилар, дунёда умид қачон амалга ошган. Бу дунё аврай-

<sup>65</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳибатул-ҳақойиқ, 55—57-бетлар.

диган илон кабидур, (уни) ювош, юмшоқ деб йўйсанг, ичи аччиқ ичимлик каби оғудир. Илон юмшоқ, ювош бўлиб кўринса ҳам, ёмон феълдир: ювош деб инонмасдан, ундан узоқ туриш керак. Кўргин, бу дунё сиртдан кишига жуда кўркамдир, ички томони эса минглаб ёқимсиз нарсалардан иборат)<sup>66</sup>.

Аҳмад Югнакий бу ўринда дунё тушунчаси остида ўзи яшаб турган реал жамият иллатларини фош қилиб, унинг яхшиланишига жон куйдирмоқда.

Тўғри, Аҳмад Югнакий адабиётшуносларимиз айтганидек, ислом динини эътироф қилади ва уни идеаллаштириш позициясида туради. Худо, Муҳаммад пайгамбар тўрт халифаларга атаб «Қуръон» оятларини келтиради. Шоирнинг диний тушунчалари дostonнинг айрим бобларидаги масалаларнинг моҳият талқинида ҳам кўзга ташланиб туради. У бойлик ва камбағалликни тақдири азал билан боғлайди, дунёни ўткинчи карвон саройга ўхшатади. Бироқ у дostonнинг ҳеч бир ерида таркидунёчиликни тарғиб қилмайди. Моддий дунёнинг ноз-неъматларидан фойдаланишни тарғиб қилади. Жамиятнинг яхшиланишига умид ва ишонч билан қарайди, ўз замонидagi юқори синф вакилларига қарата «сахий бўл, сенга ҳақорат сўзи тегмасин» дейди. Бойларни қашшоқларга, муҳтожларга ва ситамдийдаларга марҳаматли ва меҳрибон бўлишга чақиради. «Яроқли ошингни кишиларга едиргин, қодир бўлсанг, юпун-ялонғочларни кийинтиргин: зинҳор кишиларга зулм-машаққат етказма, агар шунга мубтало бўлганларни кўрсанг, уларни бу балодан қутқаргин», деб ўгит қилади.

Бугина эмас, шоир амалдорларни огоҳлантириш ниятида арзимас сабаб ёки бирон баҳона билан кишиларни ўлимга маҳкум қилиш ва жазолашга қарши фикр билдиради. «Агар бир айб билан бошлар кесилса, дунёда бирор тирик одам қолмас эди» деб уқтиради шоир:

Бу бир айбдан ўтру бошин кесгучи,  
Очунда тирилгу кишисиз қолур<sup>67</sup>.

«Шундай қилиб Аҳмад Югнакий ўз замонасининг прогрессив донишманди ва мураббийси сифатида ахлоқодоб масалаларида халқчиллик тенденцияларини илгари сурди, қимматли ва ибратли фикр баён этди, феодалклерикал муҳитнинг айрим иллатларини танқид қилди.

<sup>66</sup> Уша асар, 57—58-бетлар.

<sup>67</sup> Уша асар, 79-бет.

Бу жиҳатдан у Юсуф Хос Ҳожибга нисбатан анча илгарилаб кетди. Чунки у ўзи яшаб турган воқеликдаги зиддиятли томонларни сезгирлик билан пайқай олади, зулм-жаҳолат ва жиноятчиликни лаънатлайди:

Бу кун очунда кишилик азиз,  
Қани қанча борди кишилик эсиз.  
Вафо қўли суғлул қуруп йўллари,  
Жафо тўлди тошти денгизтин эдиз.  
Қани аҳд амонат, қани эзгулук,  
Кўни келтургунча хайр кетгулук...  
Очун тўлди адван жафо жавр била,  
Қани бир вафолиқ бор эрса тила.  
Сен артақсан энин очун эртади,  
Нечук бу очунга қилурсан кела...  
Қим ул йўлуғ эрса анинг йўли йўқ,  
Қим ул йўлсиз эрса анга кенгру йўл...  
...Убут кетди индаб булунмас йиди,  
Алол йингли қани кўрунмас буди.

(Мазмуни: Бу дунёнинг шу кунларида кишилик нақадар азиз, қани унда ҳақиқий инсонлик? Қаерга йўқ бўлиб кетди? Вафо кўллари қақраб, йўллари қуриди. Денгиздан ҳам мўл бўлиб жафо бўлиб тошди. Қани аҳдга рия, қани омонат, қани яхшилик, тўғрилиқ (адолат) келгунча хайри эҳсон кетади... Дунё душманлик, адоват, жабр, жафо билан тўлди. Қани, бирор вафога рия қилувчи бўлса, уни сўраб топгин. Сен бузуксан, дунё шу билан бузулди, бу дунёга келиб нима қиласан? Қимнинг йўли бўлса, яъни қобилиятли бўлса унга йўл йўқ, қимнинг йўли бўлмаса, яъни босар йўлини билмаса, унга кенгроқ йўл бор... Кишилардан уят кетди, уятнинг асарини ҳам топиб бўлмайти, ҳалол кишилар қани, уларнинг қораси ҳам кўринмайти)<sup>68</sup>.

Ижтимоий борлиқ туфайли пайдо бўлган бундай жумбоқлар биргина Аҳмад Югнакийнигина эмас, балки ундан олдин ўтган донишмандларни ҳам ҳаяжонлантириб келган. Масалан, «Улкан энциклопедист, врач ва файласуф олим Абу Али Ибн Сино (980—1037) кишилар ўлгандан кейин тирилиб, худо олдида қилмишларидан жавоб берадиган бўлсалар, у вақтда ўликни тирилтиришга қодир худо қилмаган ишни қилганда, қилинган ишни эса қилинмаганга чиқаришга ҳам қодирлигига шама қилиб ёзади:

Яхши-ю, ёмондин қилиб ор биз,  
Ҳақнинг карамидан умидвормиз.  
Лутф этса қилган иш қилмаган бўлур,  
Ё ҳеч бир гуноҳсиз гуноҳқормиз<sup>69</sup>.

<sup>68</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 82—85-бетлар.

<sup>69</sup> Шомухамедов Ш. Ҳақиқат излаб. Тафаккур мевалари. Тошкент, 1960, 5-бет.

Бундан саккиз аср илгари яшаган форс-тожик адабиётининг классиги, файласуф ва астрономи Умар Хайём (1040—1122) эса:

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил?  
У дунё хабарин ким берган, э дил?  
Қўрқув умидимиз шулардан, аммо —  
Ному нишонасни ким билган, э дил?<sup>70</sup>

— дейди.

Аҳмад Югнакий ҳам ўзининг ушбу фалсафий-дидактик достонида салафлари ибн Сино, Умар Хайёмлар сингари ҳақиқат излаб худо билан мунозарага киради:

Унарлиққа очун вафосизроқ ул,  
Унарсизға мунда жафо азроқ ул.  
Унар бирла давлат бирикилмаги,  
Булунмас қамуғ қизда ул қизроқ ул.  
Не ёзди очунға бу соҳиб унар,  
Негуга бу ани улашу қинар.  
Хасисларни кутруб нафисни чалип,  
Адув қутсиз очун қарипму мунар,  
Аё ҳукмин очун тоба ўғғучи,  
Иириб муни берар яна ўғғучи.  
Ўғон укми бирла келур келган иш,  
Анинг амри бирла тегар теггучи.  
Очунға бу сўкуш, маломат нечук,  
Қазолар юруткан яроткон малик.

(Мазмуни: Ҳунармандларга дунё вафосизроқдир, ҳунарсизларга бу дунёда жафо азроқдир. Ҳунар билан давлат бирикиши барча нодир нарсалардан ҳам қимматлидур. Ҳунарманд бу дунёда нима гуноҳ қилди, нега бу дунё уни тўхтовсиз қийнайди. Нафсоният йўлидан борувчи хасисларни улуғлаб, яхшиларни хор қилиб адоват ва бахтсизликдан иборат дунё, хатолар билан ўтиб боради.

Эй дунёга ҳукм қилувчи ва уни бошқарувчи, ҳар нарсани (бир оз) ато қилиб яна қайтариб олувчи...<sup>71</sup>.

Хуллас, «Ҳиббатул-ҳақойиқ» достони ўзининг чуқур ғоявий мотивлари билан ижтимоий воқелик ва давр жумбоқларини ўртага қўя олиши, баъзан ўзининг исёнкор руҳи билан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонига нисбатан олға ташланган бир қадам, фалсафий-дидактик дoston жанри тараққиётида ўзига хос алоҳида бир босқич бўлдиким, буни ижтимоий тузум ва даврнинг эҳтиёжлари келтириб чиқарди.

<sup>70</sup> Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент, 1971, 282-бет.

<sup>71</sup> Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул-ҳақойиқ, 89—91-бетлар.



## МЕРОС ВА ВОРИСЛИКНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАНР УРНИ

«Жаҳон адабиёти ва санъати тарихи шуни кўрсатадики, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда фақат ўз қобилигига ўралиб қолган салафларнинг воқеликни ҳаққўйлик билан бадий гавдалантириш йўлидаги самарали ишларидан ибрат олмаган, қўшни халқлар адабиётларидаги нодир намуналардан илҳомланмаган санъаткор йўқ. Зотан, традициясиз санъатнинг бўлиши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Ўтмишнинг моҳир қалам эгалари барча тарихий даврлар учун ўлмас ва муштарак илғор ғояларни ўз гениал асарларида ифодалаш билан бирга жамият ва табиатдаги ҳодисаларни тўғри, реал акс эттиришга қодир бўлган формаларни танлаб, уларни ижодий равишда янада такомиллаштирганлар.

Ана шу типдаги тараққиёт жараёнини фалсафий-дидактик дoston жанрининг такомилли тарихи ҳам очиқ-ойдин исботлаб бера олади. Ҳатто биз кўриб ўтган биринчи фалсафий-дидактик дoston «Қутадғу билиг» ҳам мерос ва ворисликнинг қонуниятини туфайли пайдо бўлиб, биз ишимизнинг биринчи бобида уни юзага келтирган учта асосий манба тўғрисида муфассал тўхталиб ўтган эдик. Бу ўринда эса яна шу нарсани қўшимча қиламизки, Юсуф Хос Ҳожиб турли билимлардан чуқур хабардор бўлмаганда, айниқса Шарқ фалсафасининг тўла ҳуқуқли вориси сифатида майдонга чиқмаганида эди, ўзининг бу улкан фалсафий-дидактик дostonини ярата олмаган бўлур эди.

Бу дoston яратилишидан анча олдин, IX—X асрлардаёқ Шарқда қадимги Грециянинг конкрет илмлари, аниқроғи, табиатшунослик — натурфилософия, математика, фалсафа, логика соҳасидаги ютуқлар жуда кенг тарқалган эди. Пифагор (Пифагурис), Птоломей (Баталамус), Эвклид (Иқлидус), Галлен (Жалинус), Гипократ (Буқрат), Сократ (Сўқрот), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту, Аристутолис) каби табиатшунос, философларнинг номлари ўрта аср Шарқида машҳур бўлгани ҳолда қадимги Греция бадий адабиётининг ютуқларини ўрганиш анча суст эди. Ҳатто Гомернинг

<sup>1</sup> Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. Тошкент, 1964, 16-бет.

«Илиада», «Одиссия» сингари асарларини Шарқда жуда кам одамлар биларди<sup>2</sup>.

Грек фалсафасининг Урта Осиёда кенг тарқалиши таъсирида Шарқда ҳам Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний сингари донишмандларнинг фалсафий таълимоти Юсуф Хос Ҳожиб учун ғоявий таянч бўлган. Биз «Қутадғу билиг»нинг ғоявий асосларини кўздан кечирар эканмиз, унда диний ақидалар билан ёнма-ён ҳаётий тушунчаларнинг, реалистик элементларнинг ҳам мавжудлигини кўрамиз. Бироқ реал турмуш масалалари унда қанчалик зўр бериб тадқиқ қилинмасин, бари бир улар диний қобикқа ўралган ҳолда берилган. Бироқ китобхон дostonни ўқиб чиққач, ўша давр учун фавқулodда буюк аҳамиятга эга бўлган фалсафий бир кашфиётга дуч келади. У ҳам бўлса, мажозий образлар фаолиятларидан келиб чиқувчи ғоявий мантиқ, бадий хулоса билан изоҳланади. Кунтуғди ва Ойтўлдиларнинг ўзаро суҳбатлари, савол-жавоблари, бир-бирларини билимда синашлари — бу моддий оламда худодан ташқари мустақил фикрлай олувчи, фаолият кўрсатувчи табиатнинг ва реал ҳодисаларнинг энг етук шаклини ҳамда етакчи кучини ташкил этувчи бирлик, мавжудод — инсон борлигини тушунтиришга олиб келади. Демак, инсонни куйлаш, тасвирлаш, улуғлаш — ҳаммаси шундан келиб чиққан. Урта Осиёни ислом ақидалари зулмати қоплаб олган бир шароитда, унга қарши уйғониб келаётган ҳур фикрлиликнинг илк даврларида инсоннинг маънавий эркинлигини, билими ва қудратини турли ғоявий воситалар ёрдамида ҳимоя қилиб чиқиш учун жуда катта жасорат керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ана шунинг учун ҳам инсон фазилатларининг фалсафий тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Бунинг эса, ижтимоий сабаблари бор эди, албатта. Буюк К. Маркс ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи «фанни ўнта университет»га нисбатан кўпроқ ва тезроқ ривожлантиришга олиб келади, деб кўрсатиб ўтган эди. Шу таълимот нуқтаи назаридан фалсафий-дидактик дostonчиликнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, қулдорлик тузумига нисбатан инсоният тарихида бир поғона юқори босқич бўлган феодал тузум эҳтиёжи ўзига Низомнома бўладиган фалсафий-дидактик дostonларнинг яратилишига имконият яратди. Ф. Энгельс

<sup>2</sup> Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971, 25-бет.

таъбири билан айтганда, «Бу ўша даврга қадар инсоният бошидан кечирган кескин ўзгаришлар ичида энг буюк прогрессив ўзгариш эди. Титанларга муҳтож бўлган ҳамда тафаккур кучи, завқу эҳтироси, характери, ҳар тарафлама маълумотлилиги ва билимдонлиги жиҳатидан титанларни вужудга келтирган давр эди. Ҳозирги замон буржуазия ҳукмронлигига асос солган кишилар, ким бўлишидан қатъи назар, буржуа манфаатлари билангина чекланиб қолган кишилар эмас эдилар»<sup>3</sup>...

Қулдорликнинг емирилиши ва илк феодализм даврида яшаган Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам қомусий билимларга, универсалликка интиланганлар. Улар ҳам бирданига бир неча фанлар билан шуғулланганлар. Форобий философ, музикашунос, мантиқшунос, социолог, филолог, табиатшунос ва ҳоказо; Ибн Сино табиб, астроном, философ, шоир, фармоколог. Беруний тарихчи, географ, геолог, астроном, математик, философ бўлган. Ана шундай универсал олимлар меросининг воқисиси бўлган Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шу боисдан туркий халқлар маданияти тарихида биринчи фалсафий-дидактик дoston яратиш шарафига муяссар бўлган улуғ зотдир. Ундан бир неча вақт кейин яшаб ижод этган Аҳмад Югнакий ўзи яшаган давр эҳтиёжларини чуқур идрок қилиб, фалсафий-дидактик дostonчиликда янги бир босқични ташкил қилган «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дostonини яратди. Унинг дostonи ғоявий мотивлар жиҳатидан ҳам, бадиий шакл проблемаси нуқтаи назаридан ҳам давр тараққиёти билан боғлиқ ҳолда олға томон силжиш бўлди. Унда бутун феодали турмуш проблемаларини кенг қўламда қамраб олишга интилиш кўзга ташланмайди, балки даврнинг улкан проблемаси бўлган инсон тафаккуридаги ўзгаришлар, яъни ҳаётнинг кичик бир бўлаги, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ масаласи ўртага ташланади. Бундай олға силжишда Юсуф Хос Ҳожибнинг мероси, яъни «Қутадғу билиг» асари ижодий энергия манбаи бўлиб хизмат қилган. «Қутадғу билиг»да ўртага ташланган инсон проблемаси, уни эркин фикр юритишнинг кенг йўлига олиб чиқишга бўлган интилиш «Ҳиббатул-ҳақойиқ»да изчиллик билан ривожлантирилди. Бир томондан, ислом ақидалари, диний қондалар, одатлар, тасаввурлар, эътиқодларнинг инсон устидан тўла ҳукмронлигини, худонинг моддий ва маънавий ҳаёт устидан ягона ҳокимлигини сақлаш учун

<sup>3</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар. Икки томлик, II том, Тошкент, 1959, 61—62-бетлар.

кураш; иккинчи томондан, инсоннинг ҳаётда маълум мавқега, мустақил фикрга, руҳий ва маънавий эркинликка, ўз турмуши, ақл-идроки, ҳис-туйғуси, реал орзу-умиди, бахт-саодати, мақсади, кўзда тутилган режаси иродаси идеалига эга эканлигини кўрсатиш, исботлаш ва намоён этиш учун кураш «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дostonида асосий, бир-бирини инкор этувчи зиддиятлар шаклида ўз мужассамини топган. Гарчи зиддиятли бўлсада ана шундай мотивларни ўртага ташлаган «Ҳиббатул-ҳақойиқ» дostonи ўз гуманизми билан эркин фикр йўлидаги бир босқич вазифасини ўтай олади. Бу фалсафий-дидактик дoston дунёвий маданиятни юзага келтириш, ривожлантириш учун кучли бир восита ва манба бўлиб хизмат қила олиш қудратига эга эди. Айниқса, асарнинг сўнгидаги худо билан мунозарага киришилган ўринлардаги худога қарши норозиликнинг учқунлари қийслаб бўлмас даражада улкан аҳамиятга эга. Унда ҳукмрон диний ақидалар ҳам муқаддас бўлмай, камчиликлардан ҳоли эмаслиги очиб берилади.

«Шундай шароитда,— деб кўрсатади Ф. Энгельс,— умумий формада феодализмга ва аввало черковга қарши қаратилган ҳужумлар, барча революцион, ижтимоий ва сиёсий доктриналар айна вақтда кўпроқ диний бидъатларни ҳам ифода этиши лозим эди. Мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳужум қилиш мумкин бўлсин учун уларнинг муқаддаслик пардасини юлиб ташлаш керак эди»<sup>4</sup>.

«Ҳиббатул-ҳақойиқ» асари «муқаддаслик пардасини юлиб ташлаш учун» замин ҳозирлаган асарлардан бири бўлди. Қисқаси, Юсуф Хос Ҳожиб ғояларининг вoрисн бўлган Аҳмад Югнакий дostonида инсоннинг ҳақиқий маънавий юксакликка эришуви — маърифатли бўлиш, олий ахлоқий-фазилатлар соҳиби даражасига кўтарилиш фақат илм-фанни эгаллаш орқалигина амалга оширилиши мумкин, деган ғоя ҳукмронлик қилади. Бу китобни ўқиган кишилар ахлоқ, ақл, хулқ, одоб, билимга, илм-фанни эгаллашга, маърифатга асослангандагина инсоннинг юқори поғонага кўтарилишига, ҳар қандай нопокликлардан холис бўлишига ишонч ҳосил қилади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Урта Осиёда дунёвий маданиятнинг вужудга келиши ва тараққиёти осонликча юз бермади, балки бу тараққиёт жараёни не-не фожиалар гирдобини, қонли тўқнашувлар,

<sup>4</sup> Қаранг: Маркс К., Энгельс Ф. Соч. т. 7. с. 361.

қурбонлар силсиласини тарихда қолдирди. Диний фанатизм билан ҳур фикрлилик ўртасида шиддатли кураш борди. Боғдоднинг марказий майдонида ҳаммага ибрат бўлсин учун Халлож тўрт нимтага бўлиниб, қийнаб ўлдирилди. Наззам, Ровандий, Форобий кабилар динсизлик, даҳрийликда айбланиб, уларнинг асарларини ўқиш ман этилди. Ибн Сино ўз юртидан узоқда қувғинда, дарбадарликда вафот этди. Беруний умри золим Ғазнавий саройида тутқунликда ўтди. Носир Хусрав ҳур фикрлари учун Помирдаги энг узоқ қишлоқлардан бирига абадий сургун қилинди, юлдузлар дунёсини ўрганган Улуғбек реакцион диндорлар фатвоси билан Самарқанд яқинида ваҳшийларча ўлдирилди<sup>5</sup>.

Бироқ диний догматикага нисбатан шубҳа, ишончсизлик, ундан норозилик руҳида олиб борилган кураш ҳеч қачон тўхтамади. Дунёвий маданиятнинг табиий-илмий билимларнинг ривожланиши жараёнида оламни билиш соҳасида диний догматикадан бошқача — инсоннинг табиий имкониятлари сезгиси, ақлга асосланувчи метод шакллана бошлади, кўр-кўрона ишонишни талаб этувчи диний ақидачиликнинг тўғри, ҳуқуқий билим бера олишига шубҳа кучая борди. Муҳит, табиат ҳақидаги ҳақиқий билим инсон ақли ва шу ақл қудратига, ақлий воситаларга асосланувчи метод ёрдамидагина қўлга киритилиши мумкинлигига ишонч оша борди. Ақлий билишга асосланувчи, уни тарғиб қилувчи, улуғловчи оқим — рационализм шаклланиб ривож топди. Инсоннинг ақлий қудрати, имкониятлари, ақл ҳақиқат манбаи эканлиги таъкидланди, улуғланди.

Ақл ёрдамида илм ва билим қўлга киритилади. Ақл ёрдамида фан ривож топади. Олимлар фозиллар, шоир, философ ва мутафаккирлар инсон ақлининг, билишнинг чексизлигини исботлашга, тасдиқлашга, улуғлашга ҳаракат қилдилар, унга бағишлаб қатор рисолалар ёздилар. Чунончи, Фирдавсий ақл-идрокни шундай мадҳ қилди:

Худо неъматларин олийси идрок,  
Ақлни мадҳ этар кимки дили пок.

Рудакийнинг билим ҳақидаги қуйидаги сатрлари характерлидир:

Одамлар қалбининг чароғи билим,  
Балодан сақланиш яроғи билим.

Ақл ва идрокни мадҳ этиб, Носир Хисрав бундай дейди:

<sup>5</sup> Бу ҳақда кенгроқ тушунча олиш учун М. Хайруллаевнинг «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» асарига қаранг.

Ақл айтур абадий гавҳарлар аро.  
Топилмас илмдан яхшироқ кимё<sup>6</sup>.

Буларнинг барчаси туғилиб келаётган дунёвий адабиётнинг, шу жумладан, фалсафий-дидактик дostonчиликнинг ижодий методи тўғрисида муфассалроқ тушунча бера олади. Араблар ҳукмронлиги тугатилиб, маҳаллий давлатлар бунёдга келиб, илм-фан тараққий этаётган бир даврда прогрессив адабиётнинг ижодий методи — рационализм шаклланди. Бадий адабиётда инсон ақлини, заковатини улуғловчи оқим бунёдга келди. Унинг илдизлари эса IX—X асрлардаги машҳур Ўрта Осиё философларининг меросларига бориб тақаладики, ундан кейинчалик фалсафий-дидактик дostonчиликнинг мағзини ташкил қилган пантеистик таълимот ўсиб чиқди.

XI—XII асрлар Шарқ маданиятининг кўтарилиш, гуллаб-яшнаш даври бўлди. XIII асрга келиб Ўрта Осиё мўғуллар босқинчилигига учради. Шаҳарлар, маданият марказлари харобага айланди. Тараққиёт издан чиқди, босқинчиларга нисбатан маданияти устун бўлган Ўрта Осиё халқлари мўғулларнинг ваҳшиёна сиёсатидан катта зарар кўрди. Бу босқинчилик юз йиллар давомида жароҳатли излар қолдирди. Мўғуллар истилосига қарши олиб борилган кураш натижасида мустақил йирик маҳаллий феодал давлати ташкил топди. Давлат бошида турган Амир Темур типик феодал давлатини ташкил этиш билан кифояланмай, босқинчилик сиёсати юргизиб, мамлакат қудрати ва шон-шуҳратини оширишга замин ҳозирлайди. Ўрта Осиёда бирлашган кучли феодал давлатнинг вужудга келиши иқтисодий ва маданий тараққиёт учун йўл очиб берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий тараққиётда иккита улкан босқич кўзга ташланиб туради. Биринчи босқич IX—XII асрларни ташкил қилиб, араб халифалигига қарши миллий-озодлик кураши ва маҳаллий мустақил давлатларнинг вужудга келиб, гуллаб-яшнаши даври. Иккинчи давр — XIV—XV асрларни ўз ичига олган бўлиб, мўғул истилочиларига қарши олиб борилган миллий-озодлик кураши ҳамда йириклашган, марказлашган феодал давлатининг вужудга келиб, Шарқ маданиятининг порлоқ юлдузларини бунёдга келтирган давр. Бу давр, шубҳасиз IX—XII асрлар тараққиётининг қонуний давоми сифатида характерланади. Илм-

---

<sup>6</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, 37—38-бетлар.

фан, адабиёт ва санъатнинг барча соҳаларида қайта жонланиш кўзга ташланади:

«Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва бошқалар бор эди. Темур илм-фаннинг математика — риёзат, геометрия — ҳандаса, архитектура — меъморчилик, ахтаршунос — астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳаларини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берарди, у соҳибхунар — хунар эгалари — усталар билан зўр қизиқиш билан суҳбатлашар эди<sup>7</sup>.

Демак, XIV—XV асрларда илм-фаннинг барча тармоқлари билан бир қаторда Ўрта Осиё санъати ва адабиёти жаҳон маданиятининг катта йўлида, IX—XII асрлардаги маданий меросга ворислик қилиш натижасида ривожланиб, шунинг натижасида Ўрта Осиё халқлари умуминсоният маданиятига ўзларининг бебаҳо хиссаларини қўшиш имкониятига эга бўлдилар.

Қарийб икки аср давомида сўниб кетган фалсафий-дидактик дostonчилик традициялари ҳам қайта жонлана бошлади. XV асрнинг бошларида Ҳайдар Хоразмийнинг Низомий Ганжавий асарига жавоб тарзида ёзилган «Гулшанул-асрор» номли фалсафий-дидактик дostonи яратилди. Бу дoston ўз даврида ва ундан кейинги асрларда ҳам маълум ва машҳур бўлиб қолди.

Бироқ кўпгина адабиётшунослар Ҳайдар Хоразмийнинг ушбу дostonини буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор» асарининг таржимаси деб талқин қилиб келдилар<sup>8</sup>.

Ҳайдар Хоразмий билан бир асрда яшаган Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Гулшанул-асрор»ни оригинал асар сифатида баҳолайдилар. Давлатшоҳ Самарқандий Ҳайдар Хоразмий ҳақида «...у шайх Низомий «Маҳзан»ига туркий тилда жавоб ёзиб, уни шаҳзода Искандарга бағишлаган деса, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Ҳайдар ижоди тўғрисида гапириб, шеърин мисол келтиради ва уни «Бу анинг маснавийсидиндурким (таржимасидан эмас — О. Ж.)»,— деб ёзади<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 14-бет.

<sup>8</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкиратуш-шуаро. Бомбей, 1884, 163-бет.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1966, 170-бет.

Бобурнинг «Мухтасар»ида эса, қуйидагиларни ўқий- миз: «Маснавий вазнларидан бири будур. Бу вазнда доғи ҳейли маснавийлар айтибтурлар, ул жумладан Шайх Низомийнинг «Маҳзанул-асрор»идур, яна Мавлоно Ҳайдар Хоразмий туркийгўйликнинг «Гулшанул-асрор»идур панду насиҳатга яхши абёти бор...»<sup>10</sup>.

Бобур мулоҳазаларининг яна бир қимматли томони шундаки, Ҳайдар Хоразмийнинг фалсафий-дидактик достонини «Гулшанул-асрор» деб номлайдиким, демак, Бобур ҳали бизга маълум бўлмаган нодир нусха билан таниш бўлгани эҳтимолдан холи эмас, давр ўтиши билан ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилган «Гулшанул-асрор» турли номлар билан юритилган ёки ўша даврда машҳур бўлиб кетган «Маҳзанул асрор» билан аралаштириб юборилган бўлиши мумкин. Буни қуйидаги фактлар ҳам бирмунча ойдинлаштиради. Низомий «Маҳзанул-асрор»и 20 мақолат ва бир неча ҳикоятлардан иборат бўлиб (4500 мисрадан ошиқроқ), бутун-бутун боблар худо ва унинг ноиби пайғамбарлар васфига бағишлангану, воқеалар кўпроқ афсонавий тарзда баён қилинган. Ўзбек адабиётида фалсафий-дидактик руҳда ёзилган «Қутадғу билиг» (12814 мисра), «Ҳиббатул-ҳақойиқ» (508 мисра) ва унинг вориси бўлган Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор»и (ҳамд, натъ ва бошқалардан ташқари), 9 ҳикоят ва 4 мақолатдан иборат (1100 мисрадан ошиқроқ), ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, унда давр воқеалари бирмунча реал акс эттирилган («Искандар Султон мадҳи», «Бева хотин ва савдогар», «Темурбек мадҳи», мусаннифнинг васфи ҳолига бағишланган бобларни ўша давр тарихий шароити билан таққосланг). Бобур ўз асарида келтирилган мисралар Қоҳирада кўчирилган миниатюралари қўлёзмада қуйидагича берилган:

Кимгаки ҳиммат назари туш бўлур,  
Кўкни талақучи учар қуш бўлур.  
Эр кишига давлат агар бўлса ёр,  
Оқибатул амр муродин топар.  
Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,  
Ўз ғалатин билса хираманд эрур.

1508—1509 йилларда Ҳиротда Муҳаммад бин Ҳасан Бухорий томонидан кўчирилган иккинчи қўлёзмада:

Эр кишига ҳиммат агар бўлса ёр  
Оқибатул амр муродин топар.  
Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,  
Ўз ғалатин билса хираманд эрур.

<sup>10</sup> Б о б у р. Мухтасар, Тошкент, 1971. 165—194-бетлар.



1858 йилда нашрга тайёрланган Қозон нусхасида эса ўша мисралар мана бундай:

Эр кишига ҳиммат агар бўлса ёр  
Оқибатул амр муродин топар.  
Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,  
Ўз ғалатин билса хирадманд эрур,—

тарзида ёзилган. Булардан кўринадикки, ҳар уччала нусхада ҳам асосан мисралар бир хил. Лекин Бобур фойдаланган нусхадаги мана бу байтлардаги:

Ҳар кишига ҳиммат агар туш бўлур,  
Кўкни талашқучи учар қуш бўлур.  
Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,  
Ким ғалатин бўлса хирадманд эрур,—

мисралари юқорида номи қайд этилган қўлёзмаларда<sup>11</sup> биринчи байтдаги «ҳиммат» сўзи ўрнига «давлат», «ким» сўзи ўрнига «ўз» сўзи ишлатилиб, мантиқ бир-мунча бузилган. Буни ҳар қандай китобхон ҳам синчиклаб назар ташласа, тезда илғаб олади. Яна энг ажабланарли жойи шундаки, қўлёзмалар тартиб берилиши жиҳатидан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Қоҳирада кўчирилган миниатюралар қўлёзманинг ҳар бир мақолат ва ҳар бир ҳикояти анъанага кўра насрий сарлавҳа билан ёзилиб, сўзбоши асар бошида келиб, қуйидаги байтлар:

Шайх Низомий домидин жон-топиб,  
Маънасинин ёрлиқу фармон топиб.  
Дунёда чун Ҳайдарий соҳиб ҳунар,  
Ким, жовиди мунча туганмас гуҳар,—

билан тугаса, 1508—1509 йилларда Ҳиротда Муҳаммад бин Ҳасан Бухорий томонидан (бу котибни хаттотлик тарихида учратмадик) кўчирилган иккинчи қўлёзма эса «Ҳайдар телбанинг маснавийси» деб бошланади ва ҳар бобнинг бошига «маъвиза», «ҳикоят» деб қайд этилади ҳамда:

Қўрқар эрсанг қилма ўзунга ситам,  
Йўқки, бош устунда бўлур ул қадам.  
Йўлда турур юз маҳаки имтиҳон,  
Заҳми поракандау ниши ниҳон,—

байтлари билан яқунланган. Бунда сўзбоши асар охирида, сўнгги сўз эса, асар ўртасида келган. Булардан ташқари ҳикоятларнинг ўрин алмашиб кетгани, байтларнинг ортиқ ёки (608, 557, 568) камлик қилиш ҳол-

<sup>11</sup> Ҳар уччала қўлёзма ҳам ЎзССР Фанлар Академияси Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида, қўлёзмалар фондида фотокопияси мавжуд. Мисоллар ўша ердаги фотокопиядан олинди.

ларининг ўзиёқ Ҳайдар Хоразмий «Гулшанул-асрор»ининг бизга етиб келгунига қадар ҳар хил савиядаги котиблар томонидан ҳар хил кўчирилавериб, асарнинг асл номи қолиб кетиб, ўша пайтда машҳур бўлган Низомийнинг «Маҳзанул-асрор» асарининг номи билан (Бундай ҳоллар тарихда кўп бўлган-ку) аталиб кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кези келганда шуни айтиш лозимки, Ҳайдар Хоразмий дostonнинг дастлабки бобларининг бирида асарни шоҳнинг таклифи билан туркона тилда айтганини эслатиб ўтган. Мана, ўша байтлар:

Андаки бу азм ила йўндим қалам,  
Шоҳ дуоси била(н) урдум рақам.  
Турки зуҳуредур очунда бу кун,  
Бошла улуг йир била туркона ун,—

деб кейинги бобларида «Шайх Низомийдан чош олиб», яъни «Маҳзанул-асрор»дан илҳомланиб асар ёзганини таъкидлайди ва Низомий номини ҳурмат ва эҳтиром билан васф этади. Ҳайдарни ижод қилишга руҳлантирган шоҳ Искандар ҳақида Абдураззоқ Самарқандий қуйидагиларни ёзган эди:

«Бу мавлоно маъруф жаҳон истеъдодларининг саромади ва замона подираси эди. Ҳаттотликдан бошқа яна турли-туман фанлар ва хилма-хил камолатларга эга эди. Хожа Жалолиддин Салмоннинг қасидасига жавобан айтган эди. Байт:

Сенинг кўзинг сипоҳидан тўғри отилган ҳар бир ғамза тири  
Дил хоҳлаганидек сийна ичига келиб қадалади.

У Султон Аҳмади Бондоддан юз ўгириб Исфаҳонга, Мирзо Искандар ибн Мирзо Умаршайх ҳузурига келган ва унинг китобхонасига тайин қилинган эди. Айтишларича, Мирзо Искандар ҳар кунига беш юз байт муқаррар қилинганига қарамай, у бир кунда бир минг беш юз байт кўчирган ва сўнг икки кунгача ҳеч нарса ёзмаган ва Мирзо Искандарнинг ҳукмига хилоф иш қилган. Мирзо Искандар нега у икки кун ҳеч нарса ёзмаётганлигини сўраганда у: «Бир кунда уч кунлик китобат истайман»,— деб жавоб берган. Сўнг Мирзо Искандарнинг буйруғи билан соябонлар чодир тиклаганлар ва бир киши қалам тарашлаб турган, Мавлоно эса ёза берган. Номозгаргача, бир минг беш юз байтни ғоят нозик қилиб ёзиб битирган. Мирзо Искандар унга кўп инъомлар берган»<sup>12</sup>. Бундай таърифдан кўриниб туриб-

<sup>12</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Тошкент, 1969, 352—589-бет.

дики, Шоҳ Искандар ўз даврида темурий мирзолари орасида бобосига эргашиб ўз саройида олим ва фозилларни тўплаб, кези келганда, уларни рағбатлантириб, ўзи ҳам «туркона туюқлар» битиб турган. Ҳайдар Хоразмий ҳам шу Мирзо Искандар саройида хизмат қилиб, унинг таклифи билан «Гулшанул-асрор»ни ёзгани яна бир бор эслатиб ўтмоқда. Агар асар таржима бўлганида ўз даврининг «хуштабъ» шоири Мавлоно Ҳайдар Хоразмийдай шоир «мен бу асарни шоҳ таклифи билан ёздим, демай, шоҳнинг таклифи билан Низомийдан таржима қилдим», деган бўлмасмиди?! Борди-ю таржима қилганида ҳам унинг номини қаламга олган замондошлари айтиб ўтган бўларди, ёки қайд этишарди. Биз бундай ҳолни Ҳайдар ижодига оид бирорта манбаларда учратмадик.

Иккинчидан, асар билан яқиндан таниш бўлган Давлатшоҳ Самарқандий «Шунинг билан бирга у Шайх Низомий «Маҳзан»ига туркий тилда жавоб ёзиб, уни шаҳзода Искандарга бағишлаган», Алишер Навоий «Бу анинг маснавийсидиндур» (таржимасидан демаептику) деган, буюк олим Бобурдек киши эса, Низомийнинг «Маҳзанул-асрор»ини «Яна Мавлоно Ҳайдар Хоразмий туркийгўйнинг «Гулшанул-асрор»идур», деб ўзгартириши учун ҳеч қандай эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам йўқ эди. Бундан ташқари, Бобур «Мухтасар»ида келтирилган юқоридаги парчада «Маҳзанул-асрор» билан Ҳайдар Хоразмий Гулшанул-асрор»ининг ёнма-ён келиши фикримизни яна бир тасдиқлайди. Шунингдек, XIV—XV асрлар Шарқ адабиётида «Хамса» ёзишга уриниш кучли эди. Чунки шоирлар ўз асарларидаги идеал қаҳрамонлар воситасида халқ бошига қирон келтирувчи шоҳ ва шаҳзодаларни тинч-тотув яшашга, адолат билан давлатни идора этишга тарғиб қилганликлари адабиёт тарихидан ҳаммага аён.

Келтирилган фактлар «Гулшанул-асрор» мавжуд тузум тақозоси билан майдонга келган узоқ тарихий даврни ўз бошидан кечириб, синовлардан ўтиб келаётган, ўзбек классик адабиётида мавжуд бўлган фалсафий-дидактик дostonчиликнинг мантиқий давоми дейиш учун асос бўла олади.

### Жанр тараққиётида тақлид ва таъсир

«Маълумки, адабиётдаги ўзгариш, ривожланиш шаклдан эмас, мазмундан бошланади. Бироқ бундан форма ривожланмайди деган хулоса келиб чиқмайди.

Формадаги ўзгариш мазмундагига нисбатан секинроқ, сезилар-сезилмас ҳолда рўй беради. Аслида, форма мустақил равишда яшаш учун эмас, балки поэтик мазмунни китобхонга эмоционал қилиб етказиш учун керак...

Мазмун билан форманинг автоматик равишда мос кела бермаслиги, янги мазмунни ифодалашда эски формадан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг эса тутиш керакки, янги мазмун учун эски (ёки традицион) шакллардан фойдаланиш доимий ҳодиса эмас. Бора-бора уларда ички эволюция пайдо бўлади»<sup>13</sup>.

Шу айтилганларни Шарқ эпик поэзиясидаги фалсафий-дидактик дoston жанри ва унинг тараққиёт жараёнига ҳам тўла тадбиқ этиш мумкин. Чунки ушбу жанрнинг такомил жараёни адабий тақлид ва таъсир муаммоларини ечиб бериш учун ҳам етарлича материаллар бера олади. Бизга маълумки, фалсафий-дидактик дostonларда инсоний фазилатлар бўрттириб тасвирланган бўлса-да, ана шу ўлмас асарлар «самовий» хислатлардан ҳам холи эмас эди. Биз фалсафий-дидактик дostonларнинг сюжет йўналишига нигоҳ ташлар эканмиз, уларда ярим инсоний ҳамда ярим илоҳий мазмуннинг ўзаро чирмашиб кетиш ҳолатларини кўрамиз. Инсоний фазилатлар баъзан шу қадар улуғланадики, мутафаккир идеалини ташувчи мажозий-ижобий образлар ўз фазилатлари жиҳатидан илоҳий хислатлардан ҳеч бир камлик ери қолмайди. Шунинг натижасида инсонийлик ва илоҳийлик, яъни дин таъсиридаги ҳақиқий ва адабий гўзаллик, ҳақиқий ва мутлоқ софлик бир-бирига қўшилиб кетади.

Дунёвий билимларнинг ривожланишида араблар зулмига қарши олиб борилган тўхтовсиз кураш катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳақиқатан ҳам бундай кураш реал ҳаётнинг ўзида мавжуд бўлиб араблар босиб олгунга қадар Ўрта Осиё ва Эронда қулдорлик давлатларининг расмий дини — зардуштийлик анча машҳур эди. Бу динга асосан мулкдор синфлар риоя қиладилар. Халқ ўртасида буддизм ва зардуштийлик кенг тарқалган бўлиб, араблар истилоси арафасида монийлик алоҳида шуҳрат қозонган эди. Араб босқинчилари Ўрта Осиёга бостириб киргач, ислом динини маҳаллий халқлар онгига мажбурий равишда сингдиради. 100 йиллар давомида мустақил-

<sup>13</sup> Ю нусов М. Барҳаёт аънаналар, 75—76-бетлар.

лик учун олиб борилган кураш Шарқ поэзиясини озик-лантирувчи манба бўлиб хизмат қилди. Энг яхши шоир ва ёзувчилар даврининг социал-сиёсий ҳаётини акс эттириб анъанавий мавзулар билан бирга инсоннинг реал кечинмаларини ҳам акс эттиришга, унинг психологиясини очиб беришга катта эътибор бердилар. Уларнинг ижодида кўпроқ ўринни тобора фалсафий проблемалар эгаллай бошлади. Ақл ҳамма нарсанинг мезони сифатида улуғланади. Шоирлар ва ёзувчилар кўпинча ўзларининг ислом динига бўлган муносабатларини скептицизм, яъни иккиланиш орқали билдирдилар. Ана шу иккиланиш эркин фикрлилиكنинг туғилишига замин ҳозирлайди. Чунки ислом дини ва унинг ақидалари санъат ва адабиётга традиционлик, тақлидчилик тамғасини босди. Эркин фикрлиликни занжирбанд қиладиган ҳамд ва натъларни келтириб чиқарди. Ҳар қандай ижодкор китоб яратар экан, бундай тўсиқларни четлаб ўтолмас эди.

Фақат дин ва диний ақидаларгина эмас, феодал саройи ҳам кўпинча бадий адабиётдаги нормал тараққиётга тўсиқ бўлиб келди, сохталик, дабдабабозлик, ҳашамдорлик ва тақлидчилиكنинг ҳукм суришига йўл очиб берди. Тўғри, илк феодализм даврида ҳам, кейинчалик ҳам айрим ҳукмдорларнинг бадий ижодга қизиқиши ва ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиши баъзан ижобий натижалар ҳам беради. Сомонийлар даврида ҳам, ғазнавийлар, қорахонийлар, ҳатто темурийлар даврида ҳам сарой амалдорлари ислом дини талаб қилганчалик зоҳидона ҳаёт кечиришдан воз кечиб ҳашаматли саройларни бунёдга келтирдилар, айш-ишрат базмига мойиллик кўрсатдилар, реал ҳаёт лаззатларини қониқиб тотишга интилиб келдилар.

Бадий сўз усталари кўп вақт подшоҳ саройидан ёки бирор йирик ҳокимнинг ёки феодалнинг даргоҳидан жой олиб, унинг моддий ёрдамида ижод этар эдилар. Бунинг асосий сабаби меҳнаткаш халқ идеологиясининг, мустақил идеология сифатида тўла шаклланмаганлиги бўлса, иккинчидан, феодал саройнинг нисбий тинчлик ва иқтисодий тараққиётга юз ўгирган вақтларда маданий кучларнинг марказий ўчоғига айланиши эди.

Умуман олганда, феодал саройининг бадий адабиёт тараққиётига зарар келтирганлиги тарихдан аёндыр: сарой қасидагуйлик, ясама тобелик, хушомадгўйликни келтириб чиқаради. «Ятимат-уддаҳр»даги маълумотларга кўра, сомонийларга ўз шеърлари билан ёқмай қол-

ган Мусъаби номли шоир ўлдирилган. Сал шубҳа билан Рудакийдек улуғ шоир кўр қилинган. Ана шундай шароитда ҳар қандай ноёб асарлар ҳам шоҳнинг бир оғиз сўзи билан оёқ ости қилинган. Буларнинг барчаси адабиётнинг эркин ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Натижада сарой адабиётининг тематик доираси торайиб борган, тақлид ва формализм кучайган. Бундай муҳитга тушиб қолган шоирлар ўз-ўзидан маълумки, ҳукмдорнинг авзоига қараб иш тутишга мажбур бўлиб, феодал ғоялари ва ахлоқ нормаларини улуғлашган. Сарой тартибидан чекинган шоирлар аҳволи жуда фожиали ва ачинарли бўлган. Шунга қарамадан, прогрессив адабиёт вакиллари турли йўللار билан бадий ижодни реал ҳаётга яқинлаштиришга интилган. Биз буни Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор» дostonлари мислида очиқ-ойдин кўрамыз.

Ижодий ўрганиш, ибрат олиш ва таъсирланиш бадий адабиётда янгилик яратиш процесси, мазмун ва формани янги имкониятлар ҳисобига бойитиш демакдир. Реал воқеликда, поэтик фикрда, тасвирий воситаларда ҳали ҳеч ким ишлатмаган, кўрмаган томонларни биринчи бўлиб ишлатиш, кўриш қобилиятига эга бўлиш демакдир. Аниқроғи, ижодий таъсирланиш янги ҳаётий муносабатлар инъикоси, янги бадий типлар, ҳис-туйғулар ва образлар билан боғлиқдир. Бундан янгича тасвирий воситалар ҳам мустасно эмас.

Ўзбек классик адабиётидаги фалсафий-дидактик дostonларнинг тараққиёт босқичларини кўздан кечирганда буларнинг барчаси бир ўлчов сифатида хизмат қилиши мумкин. Бадий ижодда янги бир даврни ташкил қиладиган мукамал кашфиётлар баъзан кучли бир таъсирланиш воситаси билан юзага келиши ҳам мумкин. Бироқ ана шундай имкониятни қўлга киритиш учун энг аввало ижодкор камолат даражасига эришган, ўз она халқининг оғзаки ижод дурдоналарини ва салафларининг ёзма камёб асарларини чуқур ўрганган, айниқса ўзи яшаб турган давр турмушини синчковлик билан барча қатламларини текшириб чиққан, дунёқарашининг уфқи кенг ва замондошларининг юқини енгиллатиш эҳтиёжини юракдан ҳис қилган бўлиши лозим. Ҳайдар Хоразмий «Гулшанул-асрор»ни ёзган пайтида шундай имкониятларга эга эди. Унинг жуда улкан ва бой ҳаётий тажрибаси бор эди. Бадий ижоднинг машаққатли йўлларини босиб ўтиб, «Девон» тартиб берган, ўз дав-

рининг таниқли шоири даражасига кўтарилган бир қалам соҳиби эди.

Ҳайдар Хоразмий қўлига қалам олар экан:

Оқил агар сўз била сўзни топар,  
Ориф ўшул сўзда ўзини топар.  
Улки билдур сўз гуҳари қимматин,  
Сўзда топар сўзлағучининг отин,—

деб умид қилади. У устози Низомийни улуғлаб, ўзини унинг олдида паст тутар экан, дoston яратишнинг сабабларига келганда ҳақиқатни очиқ-ойдин баён қилишдан тортинмайди:

Гар юрагинг сушт эса маъдинг заиф,  
Бўлмагин ул шевалик элга ҳариф.  
Маъниси йўқ нафни қўй, эй фузул,  
Рақсга шояста эмас бе усул.  
Қисса узун қилма кўтарма алам,  
Торт бу даъвои рақаминна қалам.

У ўз асарини яратар экан, фақатгина Низомийнинг «Маҳзанул-асрор»идан ижодий озиқ олиш билан чекланиб қолмади, балки унинг ақлини денгиз қадар чуқурлаштирган туркий халқларнинг маданий меросига ҳам сажда қилади:

Ақл денгиз эрди-ю андиша кон,  
Ўртасида гуҳари маъний ниҳон.  
Жон тиши бирла қазиб ул конни,  
Қилдим ўзуб ғавс бу уммонни<sup>14</sup>.

Бу ўринда яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, Ҳайдар Хоразмий Низомийни ҳар қанча улуғламасин, тақлидчи бўлиб қолишдан ўзини асрайди, ижодий таъсирланишнинг моҳиятини чуқур очиб беради:

Эр назари бирла очилур эр сўзи,  
Эр нафаси бирла юрур эр сўзи...  
Тарбияту сайъ қилур боғбон,  
Тоза бўлур, мева берур бўстон.

Ҳайдар Хоразмийнинг ижодда етуклиги шундаки, у сўз сеҳрининг барча қирраларидан хабардор. У «Гулшанул-асрор»ни яратар экан, ҳаётий материал ва бадий тўқима тўғрисида, ғоявий мазмун ва бадий шакл мутаносиблиги ҳақида шундай деб ёзади:

Улким эрур лоф бу даъвои бирла,  
Рост керак даъвоси маъни бирла.  
Улким анга мўъжизалик сўз керак,  
Ё кўрибон англагудек кўз керак.

<sup>14</sup> Ҳайдар Хоразмий. Маҳзанул-асрор. Қозон, 1850, 7-бет. (Биз бу асарни Бобур фикрига асосан «Гулшанул-асрор» деб ҳам юритдик).

Сўз била ҳам бўлса не бўлғай эди,  
Мендин очун сўз била тўлғай эди.  
Сўзда керак маъни-ю маънида завқ,  
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ<sup>15</sup>

Ҳайдар Хоразмий «Гулшанул-асрор» достонини яратар экан, ўзи яшаб турган XV аср ҳаётига Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Низомий Ганжавийлар нуқтаи назари билан ёндашиб, ундан янгича турмуш муносабатларини топиш инъикос эттира олди. Искандар, Султон, Амир Темур, Маҳмуд Ғазнавий сингари тарихий шахслар қиёфаларини, бўз тўқувчи кампир, ниҳоятда фирибгар ва товламачи савдогар, идеаллаштирилган донишманд шахс (автор идеали ана шу шахсда мужассам) сингари янги бадий типларни кашф қилдиким, бу унинг ўзигагина хос бўлган индивидуал ижодий маҳсул эди. Шу билан бирга биз дostonдан на Юсуф Хос Ҳожибга, на Аҳмад Югнакийга ва на Низомий Ганжавийга тегишли бўлмаган янгича ҳис-туйғулар, янгича тасвирий воситалар, янгича қофиялар оқимига дуч келамизки, уларни фақат Ҳайдар Хоразмий яшаб турган XV аср воқелиги бериши мумкин эди.

Биз буларнинг барчасидан келиб чиқиб, Низомийнинг Ҳайдар Хоразмий ижодига ўтказган баракали таъсирини эътироф этганимиз ҳолда «Гулшанул-асрор»ни XV аср бошларидаги ўзбек халқи турмушининг бадий инъикоси ва фалсафий-дидактик дostonчиликда янги бир босқич деб тушунамиз.

Мамнуният билан эътироф этиш лозимки, бу жанр буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида ўз такомиллиги эришди. Буни Навоий ижоди билан боғлиқ ҳолда алоҳида текшириш келажакнинг вазифасидир.

---

<sup>15</sup> Уша асар, 8-бет.